

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**А.Н. НОРЧАЕВ**

**Э.Т. РАББИМОВ**

## **Э К О Л О Г И К Т У Р И З М**

**Ўқув қўлланма**

**Тошкент-2010**

Масъул муҳаррир: и.ф.н., доц. А.Эштаев

Тақризчилар: и.ф.д., проф. Р.Х.Шодиев

и.ф.д., доц. З.Д. Адылова

А.Н.Норчаев, Э.Т. Раббимов. Экологик туризм. -Ўқув қўлланма.

– Т.: ТДИУ, 2010 й. -152 б.

Ўқув қўлланма экологик туризмни ривожланишини ўрганиш, таҳлил қилиш ва уни ташкилаштириш жараёнларини ҳамда ривожланиш босқичларини аниқлашга бағишланган.

Ўқув қўлланма Олий ўқув юртларининг иқтисодий мутахассисликлари бўйича билим олаётган талабалар, тадқиқотчилар, профессор - ўқитувчилар, туризм касб-хунар коллежлари ўқувчилари ҳамда туризм соҳаси билан шуғулланаётган барча ходимларга мўлжалланган.

Китобхонларнинг бу борадаги барча фикр-мулоҳазалари ва таклифлари муаллиф томонидан миннатдорчилик билан қабул қилинади.

© Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti , 2010

© Ташкентский государственный экономический университет, 2010

© Tashkent state university of economic, 2010

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b>	5
<b>I боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШНИНГ АСОСЛАРИ</b>	7
1.1. Экологик туризм тушунчаси.	7
1.2. Экологик туризмни ривожлантириш зарурати.	12
1.3. Экологик туризм ривожланиши босқичлари.	14
1.4. Экологик туризмни ривожлантиришда хориж тажрибаси.	15
<b>II боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ</b>	20
2.1. Экологик туризмни ривожлантириш учун ишлаб чиқилган ҳужжатлар ва кўрсатмалар.	20
2.2. Давлат томонидан экологик туризмни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш.	23
2.3. «Ўзбектуризм» МКси томонидан туризм ривожланишини қўллаб-қувватлаш.	29
2.4. Экологик туризм концепциясининг ишлаб чиқилиши.	35
<b>III боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭКОТУРИСТИК РАЙОНЛАШТИРИШ</b>	39
3.1. Экологик районлаштириш тушунчаси.	39
3.2. Экотуристик районлаштиришнинг амалга оширилиши.	40
3.3. Экологик районлаштиришда ҳудудларнинг бўлиниши асослари.	41
3.4. Экотуристик районларнинг туризмни ривожлантириш имкониятлари	43
<b>IV боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАХСУС ҚЎРИҚЛАНАДИГАН ҲУДУДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ</b>	49
4.1. Махсус қўриқланадиган ҳудудларнинг экологик туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти	49
4.2. Ўзбекистонда махсус қўриқхоналарнинг вужудга келиши.	50
4.3. Махсус қўриқхоналарнинг экологик туризмни ривожлантиришдаги ўрни.	53
4.4. Заказникларнинг экологик туризмни ривожлантиришдаги ўрни.	54
<b>V боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИ</b>	57
5.1 Ўзбекистонда экологик туризмнинг ривожланиши шарт-шароитлари.	57
5.2. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришда мавсумий режалаштиришнинг аҳамияти.	63
5.3. Ўзбекистон минтақаларида экологик туризм ривожланиши ҳолати.	68
5.4. Ўзбекистон минтақаларида экологик туризм ривожланиши истиқболлари.	75

<b>VI боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ МАҲАЛЛИЙ УЮШМА (БИРЛАШМА) ДАРАЖАСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ</b>	82
6.1. Маҳаллий уюшма (бирлашма)ларни тузиш асослари.	82
6.2. Маҳаллий уюшмаларнинг фаолиятини ташкил этишда халқаро тажриба.	87
6.3. Маҳаллий уюшмаларнинг экологик туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти.	89
<b>VII боб. МИЛЛИЙ ПАРКЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ</b>	94
7.1. Ўзбекистондаги миллий парклар ва унинг экологик туризм ривожланишидаги аҳамияти.	94
7.2. Жаҳондаги йирик миллий парклар ва уларнинг туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти.	95
7.3. АҚШ миллий паркларининг экотуризмдаги ўрни.	96
7.4. Канада миллий паркларининг экотуризмни ривожлантиришдаги аҳамияти.	97
<b>VIII боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ ЙЎНАЛИШИДА МАРШРУТЛАР ТУЗИШ АСОСЛАРИ</b>	100
8.1. Туристик маршрутлар ҳақида тушунча.	100
8.2. Туристик маршрутларнинг турлари	101
8.3. Угом-Чотқол экотуристлик зонаси бўйича маршрут тузиш.	105
8.4. Жиззах экоҳудуди бўйича маршрутлар тузиш.	107
<b>IX боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ ЙЎНАЛИШДА ТАШРИФ БУЮРГАН ТУРИСТЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҲАЖМИНИ АНИҚЛАШ</b>	116
9.1. Туристларнинг экологик туризмга бўлган талаб ва таклифини аниқлаш.	116
9.2. Кўриқхоналарнинг туристларни қабул қилиш сифимини аниқлаш.	119
9.3. Экологик ресурсларни реклама қилиш самарадорлигини аниқлаш	121
9.4. Кўрсатилган хизматларнинг самарадорлигини аниқлаш	126
<b>X боб. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚЎРИҚХОНАЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ</b>	133
10.1. Кўриқхоналарга ташриф буюраётган туристларга хизмат кўрсатишни прогнозлаш методикаси.	133
10.2. Экологик туризмда прогнозлашнинг турлари.	134
10.3. Кўриқхоналарнинг туристларни қабул қилиши кўрсаткичларини таққослама таҳлил қилиш ва прогнозлаш.	137
10.4. Кўриқхоналарнинг туристларни қабул қилиш сифимини прогнозлаш.	139
<b>ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b>	146

## КИРИШ

Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёнида мамлакатимиз иқтисодиётида эришилган ютуқларни атрофлича таҳлил этиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни батамом бартараф этиш ҳамда иқтисодий ривожлантириш усуллари илгор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш орқали янада такомиллаштириш масалалари илгари сурилади. Бунда, асосий эътибор Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви жараёнини жадал суръатларда ривожлантириш, бунинг учун мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолиятини эркинлаштириш борасида кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилади. Мамлакатимизда замонавий ва жаҳон сифат андозаларига жавоб берадиган халқаро туризм инфратузилмасини ривожлантириш ҳам ана шу каби чора-тадбирлар сирасига киради.

Маълумки, дунё мамлакатларининг кўпчилиги туризм соҳасини ривожлантириш орқали ўз миллий иқтисодиётини тараққий эттирмоқда. Ҳозирги кунда, туризм дунё бўйича энг кўп даромад келтирадиган соҳалардан бирига айланган бўлиб, автомобилсозлик ва нефтни қайта ишлаш саноатидан кейинги ўринда туради. Бундан ташқари, туризм мамлакатлар ва миллатлар ўртасидаги ўзаро ижтимоий-иқтисодий ва маданий муносабатларни янада барқарорлаштиришнинг энг муҳим ҳал қилувчи омилларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимизнинг туризм соҳасида етарлича даражада ва ҳар қандай қорижий мамлакатлардан қолишмайдиган имкониятларга эгаллиги бу борада кўплаб муваффақиятларга эришишимизни таъминловчи асосий манба ҳисобланади. Ана шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан то ҳозирга қадар замон талабларига жавоб берадиган туризм инфратузилмасини таркиб

топтириш ва ривожлантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда. Мустақил ўлкамизнинг жаҳон ҳамжамиятида кенг миқёсда эътироф этилиши, дунёнинг иқтисодий ривожланган мамлакатлари билан ўзаро дўстона муносабатларнинг янада барқарорлашиб бориши, ташриф буюраётган туристлар оқимининг йил сайин ортиб бориши, юртимизда мавжуд янгидан-янги туризм имкониятларининг кашф этилаётганлиги ва бошқа шу каби ўзгаришлар фикримизнинг яққол далили бўла олади. Бошқа иқтисодий тармоқларда бўлгани каби, туризм соҳасида ҳам хусусий мулкчилик муносабатларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизга ташриф буюрадиган туристларга хизмат кўрсатиш сифатини янада такомиллаштириш ва бозор талабларига тўлиқ жавоб берадиган туризм саноатига эга мамлакат сифатида дунё ҳамжамияти эътиборини жалб этишдир. Туризм инфратузилмасинин асосий қисмига айланиб бораётган экологик туризмни ривожлантириш республикамизда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда жаҳон туризмида экологик йўналиш жадал ривожланмоқда. Бу каби омиллар республикамизда ҳам экологик туризм ривожланишини яхшилаш ва унинг ташкилий механизмини яратишга асос бўлмоқда.

## **I-боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСЛАРИ**

- 1.1. Экологик туризм тушунчаси.
- 1.2. Экологик туризмни ривожлантириш зарурати.
- 1.3. Экологик туризм ривожланиши босқичлари.
- 1.4. Экологик туризмни ривожлантиришда хориж тажрибаси.

### **1.1. Экологик туризм тушунчаси**

Экотуризм табиий туризм инфраструктурасининг ажралмас қисми бўлиб, у фақат ғоягина эмас, балки умумий туризмнинг конкрет хили, унинг атроф-муҳига таъсири турлича (сальбий, нейтрал ва ижобий) бўлиши мумкин. “Экотуризм” тушунчаси кўрикхона зоналари ва табиий паркларнинг ҳозирги замонавий фаолиятида кенг қўлланилмоқда. Жаҳонда бу сайёҳат турининг жадал ўсишига сабаб фақат атроф муҳитнинг аҳволи ёмонлашишигина эмас, балки машҳур хордиқ чиқариш жойлари-тоғ бағридаги курортлар, илиқ денгизларнинг қирғоқлари, текисликлар ва ўрмонзорларнинг борган сари кўпроқ ўзлаштирилаётганлиги ҳамдир.

Кўпинча, экотуризм атамаси ўрнига бошқа атамалар, яъни табиий туризм, барқарор туризм, яшил туризм, “маъсулиятли” туризм ва хайрия туризми кабиларни ишлатишади. Туризмнинг бу турли хиллари учун баъзи унсурлар бир хил бўлса ҳам бу атамалар бир-бирининг синоними ҳисобланмайди ва бири иккинчисининг ўрнини эгалламайди. Экотуризм-бу табиий туризм (табиатга сайёҳат) нинг бир тури. Унга табиий туризмнинг баъзи бўлаклари, масалан, саргузаштли туризм-отда сайр қилиш ёки каноэда сузиш кабиларни ўз ичига олиши мумкин. Экотуризмнинг қуйидаги таърифи кўпроқ ишлатилади:

Экотуризм-табиий туризм бўлиб, табиат муҳитини ҳосил қилиш ва тушинишни ўз ичига олади. Унинг менежменти шундай амалга

ошириладики, натижада бу фаолият экологик, ижтимоий ва маданий жиҳатдан барқарор бўлиб, “табiiй муҳит”, маданий таркибларни, “экологик барқарорлик” маҳаллий аҳоли учун тегишлича даромадни ва фойдаланилаётган ресурсларнинг узок муддатли муҳофаза қилинишини ўз ичига олади. Экотуризм туризмнинг бошқа тури каби экологик барқарор бўлиши, сайёҳларга завқ-шавқ бахш этиши ва маҳаллий аҳолига даромад келтириши лозим. Бундан ташқари, табiiй ва маданий муҳитга “мос тушиши” керак. “Мос тушиши” деган сўзнинг маъноси шуки бу фаолиятнинг услуби, ҳажми ва хили ландшафтнинг кўлами ва характериға, маҳаллий аҳолининг урф-одатларига тўғри келиши зарур.

Табиатни муҳофаза қилиш халқаро Иттифоқининг таърифиға кўра, “экологик туризм ёки экотуризм-табиат муҳитға нисбатан маъсулият билан саёҳат қилиш, табиат ҳудудларига зиён етказмаган ҳолда ўрганиш, ҳамда табиатнинг бетакрор жалб этувчи жойларидан завқ олиш мақсадида табиатни муҳофаза қилишға кўмаклашади, атроф-муҳитға “юмшоқ” таъсир этади, маҳаллий халқнинг ижтимоий-иқтисодий шароитини фаоллаштиради ва шу фаолиятдан уларнинг имтиёзлар олишини таъминлайди”<sup>1</sup>

Туризм жамияти эса “экотуризмни табiiй ҳудудларға маъсулият билан саёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза этишни таъминлайди ва маҳаллий халқнинг турмуш даражасини яхшилади”<sup>2</sup> деб ҳисоблайди.

Ёввойи табиат умумжаҳон жамғармаси-“Экотуризм-нисбатан табиатға зиён етказилмаган ҳудудларға саёҳат, маданий-этнографик хусусиятлари ҳақида тасаввур олиш мақсадида, экотуризмнинг бутунлигини бузмаган ҳолда, шундай иқтисодий шароитлар яратадики,

---

<sup>1</sup> Экология хабарномаси. Тошкент. 2007. № 6. 8-бет

<sup>2</sup> Экология хабарномаси. Тошкент. 2007. № 6. 8-бет



унда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслар маҳаллий халққа фойда келтиради”<sup>3</sup> – деб таъриф беради.

Яна бир таърифда “Экотуризм нафақат маърифий-маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат, балки ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш билан бир-бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндиси”<sup>4</sup> деб тушунилади.

Бу таърифлар фақат жузъий жиҳатдан бир-бирларидан фарқ қилсада, уларнинг асосий хулосаси табиатни асраш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш ва кўпайтириш, шу мақсадда муҳофаза этиладиган ҳудудлар, миллий табиий боғлар ташкил этиш, маҳаллий аҳолини янги иш жойлари билан таъминлаш натижасида уларнинг турмуш шароитини яхшилашдан, маҳаллий ва чет эл инвесторларини жалб этиш орқали давлат бюджетини бойитиш мақсадини назарда тутди.

Россиялик мутахассислар И. Зорин ва В. Квартальнов экотуризм тушунчасини икки шаклда беришади: биринчи шакл-экотуризм “ёввойи” табиатдан туристларнинг туриши ва сайёҳат қилиш муҳити сифатида билвосита фойдаланишга, лекин бунда турнинг барча компонентларига экологик, технологик технологияларни жорий қилишга йўналтирилган туризм. Бу маънода экология турмахсулот атроф муҳитга зарарни минималлаштиради ҳамда тарбиявий ва рекреацион аҳамиятга эга бўлади. Иккинчи шакли экотуризм-сайёҳат билан табиатга экологик жиҳатдан ёндошувининг уйғунлашувидир деб қаралади. У янги ландшафтлар билан танишув қувончи ҳамда флора ва фауна намуналарини ўрганиш лаззатини уларни муҳофаза қилиш имконияти билан уйғунлаштиради деб ҳисобланган. Экотуризмнинг асосий ресурслари сифатида

---

<sup>3</sup> Экология хабарномаси. Тошкент. 2007. № 6. 9-бет

<sup>4</sup> Экология хабарномаси, Т., 2007, №6, 9-бет

кўрикландиган кўриқхоналар, маҳаллий ва табиий парклар, ноёб ва оддий ландшафтлар кўзда тутилади.

“Экологик туризм” тушунчасининг аломатларидан иложи борича кўпроғини чуқурроқ тушуниш учун И. Зорин ва В. Квартальнов ўзаро боғланган “экотизим”, “экология”, “экологик сайёҳат этикаси” каби тушунчалар системасини таклиф қилишади. Айниқса, охириги тушунча аҳамиятга молик. Уни жонли табиатга, борилаётган ландшафтларга, у ерда яшовчи кишиларга нисбатан ҳурмат кодекси, деб шарҳланади.<sup>5</sup>

“Экологик туризм” тушунчасини турлича таърифлашларни таҳлил қилиб уни умумлаштириш шуни кўрсатадики, унинг қуйидаги белгиларини фарқлаш лозим:

- ёввойи табиатдан туристлар ташриф буюрадиган муҳит сифатида билвосита фойдаланиш;
- атроф муҳитга минимал зарар етказиш;
- одамга рекреацион ва ижобий тарбиявий таъсир кўрсатиш;
- янги ландшафтлар билан танишиш, муҳофаза қилиш учун флора ва фауна намуналарини ўрганиш;
- туризмдан тушган маблағлардан дунёдаги барча ҳудудлар флора ва фаунасини асраш ва тиклаш учун фойдаланиш;
- барча туристлар ва хизмат кўрсатувчи шахсларнинг жонли табиатга ва маҳаллий аҳолига ҳурмат кодексига риоя қилишлари ва бошқалар.

“Экологик туризм” тушунчасини умумлаштириш қуйидаги хулосаларга асос бўла олади: Туризмни ташкил қилишнинг юқорида кўрсатилган аломатларида шаклланган тамойиллар локал эмас, балки глобал характерга эга. Шунинг учун бу тамойиллар жаҳоннинг айрим қисмлари ёки ер, сув ва ҳаво бўшлиғининг айрим қисмларида эмас,

---

<sup>5</sup> Туристические терминологический словарь, М., 1999, 664 бет.

балки бутун дунёдаги туристик фаолият соҳасига тааллуқли бўлиши лозим.

Шунингдек “экологик туризм” тушунчасини назарий асослаб бериш минтақада яшовчи кўпчилик аҳолининг онгини экотуризм талабларига мослаштиришга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида, табиий бойликга зарар етказмаган ҳолда туристик фаолиятни ривожлантиришнинг оптимал технологиясини аста-секин шакллантириб боради.

Шундай қилиб, экотуризм тизими асосида туристик фаолиятнинг турли хилларда қўлланилиши мумкин бўлган тамойиллар ётади. Булар: билимни оширадиган ёки саргузашт сайёҳатлари (пиёда, отда, сувда, тоғда, сайр ва ҳоказо), талабалар таътиллари, орметологик турлар, илмий турлар ва экспедициялар, дам олиш куни экскурсиялари, ёзги болалар лагерлари ва ҳоказо.

Экотуризмга бўлган қизиқиш ҳақиқий туристик тажрибага талаб ошиб бораётгани ҳамда табиатни қўриқлашга қизиқиш кучаяётгани туфайли пайдо бўлди. У табиий, маданий ва ижтимоий қадриятлар билан мослашадиган ҳамда маданият ва табиатнинг табиий муҳитда бир-бирига уйғунлашувини тарғиб қиладиган туризм хилларини ўз ичига олади.

Туризмни режалаштиришга жавобгар шахслар, туроператорлар, менеджерлар, маркетинг соҳаси ходимлари, оммавий ахборот воситалари “экотуризм” атамасини анча кенг маънода ишлатиб келишди. Натижада бу тушунча бир қатор туристик маҳсулотларни баён қилиш учун ишлатилиб, бу таъриф юқорида баён қилинган таърифларга тўлиқ мос келмайди. “Экотуризм” атамасининг кенг маънода қўлланилиши бахсларга сабаб бўлди ва бошқа атамалар, масалан, “барқарор” туризм, “минимал таъсирли” туризм, “ҳамкорлик асосидаги” туризм, “маъсулиятли” туризм атамаларининг ишлатилишига олиб келди. Бу

таърифлардан ҳеч бири ёки альтернатив атамалар экотуризм билан туризмнинг бошқа хиллари орасидаги чегарани аниқ белгилаб бера олмайди.

## **1.2. Экологик туризмни ривожлантириш зарурати**

Экотуризмнинг фақат фойда келтирадиган соҳа деб ҳисоблаш мумкин эмас. Бу фаолият тури агар мақсадга мувофиқ доирада амалга оширилмаса, унинг қоидалари ва талабаларига риоя қилинмаса табиатга жиддий салбий таъсир қилиши ва нохуш оқибатларга олиб келиши табиий. Унинг салбий оқибат ва натижалари нималардан иборат бўлиши мумкин. Энг аввало, ўсимликлар нобуд бўлади, ўсимликлар пайхон қилинади, ер ўпирилади ва зичлашиб кетади, Ҳайвонлар безовталанади, қочишга тушади, бола очишга халақит берилади, ов натижасида йўқ қилинади, овқатланиш тарзи ўзгаради, турлари айниydi, ҳайвонлар нотабиий тўпланади, сувда яшайдиган ҳайвонларнинг ҳаёт тарзи ўзгаради, сув ўсимликларига зиён етади, биотоннинг бузилиши, озик модаларнинг емирилиши ва йўқолишига олиб келади (тоғли жойларда, ўрмон ёнғини хавфи), сувнинг ифлосланиши ва эвтрофикация юз беради, ноёб турлар камайади, ҳайвонларнинг ҳаёт тарзи ўзгаради, қоялар емирилади, ташқи қиёфа хунуклашади, маржон қоялар шикастланади, балиқлар тури камаяди, сув ҳавзалари қирғоқларидаги ўсимликлар пайхон бўлади, қирғоқдаги тупроқ ўпирилади, зичлашади, ўсимликлар нобуд бўлади, тасодифан ҳайвонлар шикастланади, ҳайвонлар турмуш тарзи ўзгаради.

Демак, экотуризм доимо давлат, жамоат ташкилотлари назоратида бўлиши, унга доир қонунчиликка оғишмай амал қилиши лозим. Экотуризмнинг барча хилларини қуйидаги икки асосий гуруҳга таснифлаш мумкин:

Биринчи гуруҳга алоҳида кўриқланадиган табиий ҳудудлар ва акваториялар чегараси ичидаги экотуризм киритилса, иккинчи гуруҳга алоҳида кўриқланадиган табиий ҳудудлар ва акваториялар чегарасидан ташқаридаги экотуризм. Биринчи гуруҳга экологик туризмнинг австралия модели тўғри келса, иккинчи гуруҳга немис ёки ғарбий Европа модели мувофиқ келади.

Туризмнинг глобал ахлоқ кодексида таъкидланишича, “...туристик инфраструктура объектлари ва туристик фаолият турларини шундай режалаштириш керакки, экосистемалар ва биологик турли-туманликни ташкил қилувчи табиий меросни ҳимоя қилиш таъминлансин ҳамда йўқолиб кетиш хавфи бўлган фауна ва флора турлари муҳофаза қилинсин; туристик жараёнларнинг иштирокчилари ва айниқса, профессионал ходимлар ўзларининг фаолиятларига кўйиладиган айрим чеклашлар ва меъёрларга кўникишлари лозим. Бу гаплар асосан табиий парклар ёки кўриқланадиган кўриқхоналар ва алоҳида нозик жойлардаги фаолият турларига тегишли”.

Экотуризмнинг мақсадларидан бири ноёб фаунани асраб-авайлаш, келгуси авлод учун сақлашдан иборат. Йўқолиб бораётган хайвон турлари, қушлар, рептилиялар, балиқлар, ўсимликлар ва хатто, ҳашоратларга бўлган талаб, табиийки, таклифнинг шаклланишига олиб келди. Иқтисодиётнинг янги хуфёна соҳаси пайдо бўлди. Нафақат анъанавий соҳа, масалан, Африка учун каркидон шохи, фил суяги, шерларнинг тишлари, балки “Қизил китоб”га киритилган тўтиқушлар, лочинлар, гекконлар, илонлар, тропик балиқлар, шунингдек, ўргимчаклар, кўнғизлар, чаёнлар ҳам кантрабанда объектлари бўлиб қолди. Буларнинг ҳаммасига европалик коллекционерларда ҳам, баъзи Осиё мамлакатларининг дўкандорларида ҳам талаб кучайди.

Экзотик товарларнинг нархи қора бозорда анча юқори: ангола питони 65 минг АҚШ доллари, камёб африка қўнғизи “колофонг” 15 минг доллар ва ҳоказо. Ўргимчаклар ва тропик балиқларнинг ноёб турлари ҳам қиммат баҳоланади. Майда рентилиялар ва ҳашоратларни кичик идишларда олиб ўтишга ҳаракат қилишади, лекин бунда атига 20-30% “мол” тирик қолади. Бироқ шунинг ўзи катта даромад қилиш учун етарли бўлади. Табиийки, бундай мақсаддаги саёҳат ҳеч бир мамлакатда маъқулланмайди ва “туризм” нинг бундай соҳаси жиноий қонунчилик билан таъқиб қилинади.

Шундай қилиб, табиат туризми ва экологик туризм ноёб ва йўқолиб бораётган турларни муҳофаза қилиш билан узвий боғлиқ, чунки уларнинг кўпчилиги экзотик ҳисобланади ва экотуризмларнинг объектларига айланади. Бу гап фақат ҳайвон ва ўсимликларгагина эмас, балки умуман экосистемалар ва табиий комплексларга ҳам тааллуқли. Бошқа томондан, нотўғри режалаштириш туфайли туристик “юк” нинг ошиб кетиши, ёввойи табиат “совғалари” нинг ўзига хослиги ва қимматбаҳолиги баъзи турларнинг йўқолиши ва табиат омилларининг бузилишига сабаб бўлмоқда. Худудларнинг ноёб турлари ва экосистемаларини маҳаллий жамоалар учун ҳаётий ресурс деб қараш мумкин, шунинг учун уларни муҳофаза қилиш маҳаллий маданиятни ҳимоя қилиш билан узвий боғлиқ.

### **1.3. Экологик туризм ривожланиши босқичлари**

Халқаро туризмнинг ривожланиши унинг тармоқларга бўлиниб кетишига олиб келди. Шу сингари экологик туризм ҳам авваллари халқаро туризм билан бирга олиб борилар ва алоҳида тармоқ сифатида тилга олинмас эди. Эндиликда аниқроғи Биринчи Жаҳон уруши тугаши билан келтирилган вайронагарчиликлар ва табиатга инсонлар таъсирининг ортиб бориши ката муаммоларни келтириб чиқара бошлади.

Тўрт йиллик уруш тугаши билан, туризм ривожланишида Европада янги атама табиий туризм тушунчаси пайдо бўла бошлади. Туристтик фирма ва турагентликларнинг фаолияти яна жонлана бошлади. Бунда туристлар харакати олдингиларга қараганда бир неча бор тезлашди. Табиат қўйнига саёҳатга чиқувчилар сони ортиб борди. Лекин, туризмнинг ривожланиш жараёнлари яна секинлашди. Бунга иккинчи жаҳон уруши бошланиши сабаб бўлди. Иккинчи жаҳон уруши тугаши билан XX асрнинг 50 йилларида туризм ривожланишида туб бурилиш даври, яъни босқич бошланди. Бу даврда жаҳон халқ хўжалигининг барча соҳаларида, шу сингари хизмат кўрсатишда ҳам кенг қамровли ислоҳотлар олиб борила бошланди. Бунда меҳмонхоналарни олдиндан бурон қилиш, чипталарга буюртма бериш сингари жараёнлар тезликда ривожлана бошланди. Техника ва технолгиялар ривожланишида катта ўзгаришлар вужудга кела бошлади. Компьютерларнинг халқ хўжалигининг барча тармоқларига жорий қилиниши натижасида иқтисодий юксалиш тезлашди. Инсоният томонидан космосни ўзлаштириш даври бошланди. Фан-техника жадал ривожлана бошланди натижада ахборот коммуникацион жараёнлар тезлашди.

Экологик туризм ривожланиши жараёнидаги асосий босқич XX асрнинг 80 йилларига тўғри келади. Бу вақтга келиб туристик хизмат кўрсатишда табиий ресурслардан кенг фойдаланила бошланди. Туризмда табиат қўйнида дам олиш асосий роль ўйнай бошлади. Натижада туроператорлар янгича кўринишдаги экологик дастурдаги турйўналишлар ишлаб чиқа бошладилар. Бу эса экотуризмнинг бугунги ривожланиш даражасини белгилаб бермоқда.

#### **1.4. Экологик туризмни ривожлантиришда хориж тажрибаси**

Экотуризм ресурсларидан фойдаланишнинг бошқа шакллариغا нисбатан табиий боғларни (паркларни) молиялашнинг бевосита

имкониятлари мавжуд. Кўпчилик мамлакатларда бу муаммо ҳисобланади, лекин туризмни тўғри режалаштириш ва бошқариш орқали муаммони бартараф этиш мумкин. Непалда жойлашган “Читван” ва “Похара” қўриқланадиган табиий ҳудудига ТАСИС халқаро лойиҳаси доирасида экологик туризмни ривожлантириш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўтказиш мақсадида ташриф буюрган Угам-Чотқол давлат миллий табиий боғи вакилларининг қайд этишича биринчи ҳудудда яшайдиган аҳоли шу ердаги фаолияти (даромади) ҳисобига ичимлик суви билан таъминланади ва болаларини бошланғич мактабда ўқитиш имкониятига эга бўлади. Ҳудудни миллий армия қўриқлайди, бу ҳам миллий боғ даромади ҳисобидан амалга оширилади. Ҳудуднинг ўзида меҳмонхоналар, ресторанлар, кузатиш майдончалар қурилган, экотуристлик йўналишда ташриф буюрган туристларга хизмат кўрсатувчи ходимлар сони 500 кишига етади.

Туристлар ҳудудга май ойидан бошлаб сентябрь ойигача ташриф буюришади. Булар асосан Европа, Туркия, Хитой, Ҳиндистон ва Россиядан келганлардир. Меҳмонларга хизмат кўрсатиш учун арава, фил, каноэ, велосипедда сайр этиш ташкил қилинади. Жунгли ва дарё бўйларида филда сайр қилиб, маҳаллий фауна ва флора билан танишишга айниқса талаб катта. Ҳудудда 30 та филли питомник бор. Ҳар бир филга 3 та ходим бириктириб қўйилган. Ҳудуд текислик-тепалик ерда жойлашган. Бу ерда 50 тур балиқ, қора тимсоҳ, каркидон, фил, кийик сақланади. Дарахтларнинг 400 дан ортиқ тури ўсади, орнитофаунанинг 125 дан ортиқ тури, капалакларнинг 300 тури бор<sup>20</sup>. Бундан кўриниб турибдики, бу каби омиллар табиат туризми ва экологик туризм ишқибозларини ўзига жалб қилади.

---

<sup>20</sup> Ушбу маълумотлар Фарбий Тянь-Шань биоранг-баранглигини сақлаш бўйича ТАСИСнинг давлатлараро лойиҳаси доирасида бу ерга ташриф буюрган Угам-Чайҳол давлат миллий табиий парки (Тошкент вилояти) бош директори биринчи ўринбосари Э.Саримсоқовдан олинди.



“Похара” табиий ҳудуди тоғли ерда жойлашган. Ҳудуд игна баргли ўрмон билан банд, ўт қоплами папоротникдан иборат. Туристлар 5-6 уйдан иборат маҳаллий аҳоли турар жойларига ташриф буюришади, тош зиналарда 2,0 минг метргача кўтарилишади, Манасулу ва Анапурке чўққиларини (баландлиги 8228 м) суратга туширишади. Туристлар учун аҳоли яшайдиган пунктларгача тошлоқ сўқмоқли маршрутлар ташкил қилинган. У ерда кичик меҳмонхона ва ресторанлар бор<sup>21</sup>

Туризмнинг бошқа шакллариغا нисбатан экотуризмнинг атроф муҳитга салбий таъсири камроқ. Бундан ташқари, туристлар учун қизиқарли бўлган алоҳида кўриқланадиган табиий ҳудудлар ўз бюджетларининг бир қисмини туризмдан тушадиган маблағлар ҳисобига қоплашлари мумкин. “Маҳаллий ҳамжамият + табиий ҳудуд + туризм” лойиҳасини қўллаб-қувватлайдиган хомийлар ва нодавлат ташкилотлари бундан қисман ўз-ўзини молиялашга эришишлари ва рағбатлантиришлари лозим. Албатта, экологик йўналишдаги туристик маҳсулотларни тайёрлашда маҳаллий ҳамжамиятларда ҳам, туроператорлардан ҳам турли даражадаги қийинчиликлар пайдо бўлади. Шу муносабат билан ҳар хил хусусиятларга эга бўлган ва турли таъсиқларга учрайдиган алоҳида кўриқланувчи табиий ҳудудларда экологик туризмни ривожлантиришнинг одатда икки моделини халқаро экспертлар таклиф қилади. Булар: “А” модели-назорат қилинмайдиган табиат туризми, “В” модели-кичик кўламли экотуризм.

“А” типдаги ривожланиш моделида “В” типдаги моделдагига нисбатан кўпроқ табиий турли-туманлик ва ҳаммабоплик кўзда тутилади. Бундан ташқари биринчи модель туристик маршрутларни ташкил қилувчилар учун кўпроқ даромад келтиради, лекин бунда шунини ҳисобга олиш керакки, бу амалда назорат қилинмайдиган туризм

---

<sup>21</sup> Ўша манба.

жойнинг экологиясига анча салбий таъсир кўрсатади, маҳаллий аҳолининг турмуш тарзи ва урф-одатларини ўзгартиради. “В” типдаги модел биологик турларнинг сақланиши ва унга салбий таъсир кўрсатмаслиги туфайли бу модел афзалроқ ҳисобланади, лекин бу модель ҳам туроператорлар ва маҳаллий аҳоли учун унча катта даромад келтирмайди. Бизнинг фикримизча иқтисодий ривожланмаган мамлакатлар, шу жумладан Ўзбекистон учун ҳам бу модел афзалроқ деб ўйлаймиз.

Туризмнинг Глобал ахлоқ кодекси “Туристтик сиёсат шундай амалга оширилиши керакки, у ташриф буюриладиган ҳудудларнинг аҳолиси турмуш даражасини оширсин ва уларнинг эҳтиёжларига жавоб берсин; туристик марказларни шаҳарсозлик ва меъморлик жиҳатдан режалаштириш ва улардан фойдаланишда маҳаллий ижтимоий-иқтисодий муҳитга максимал интеграция кўзда тутилсин; ҳамма шарт-шароитлар бир хил бўлгани ҳолда, биринчи навбатда, маҳаллий ишчи кучини ёллаш имконияти қидириб топилсин<sup>22</sup>”.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. Экологик туризм тушунчасининг таърифини беринг.
2. Экологик туризмни ривожлантириш сабабларини асослаб беринг.
3. Экотизим деганда нима тушунилади.
4. Экологик туризм ривожланиши босқичларини аниқланг.
5. Нима учун экологик туризм ривожланиши асосан ўтган асрнинг 80-йилларига тўғри келади.
6. Экологик туризмга фақат фойда келтирувчи соҳа деб қараш тўғрими.
7. Нима учун экологик туризмни ривожлантиришда хориж тажрибасини ўрганамиз.

---

<sup>22</sup> Глобальный этический кодекс туризма.г.Сантьяго, Чили, 1 октября 1999 года.

8. Экологик туризмни ривожлантириш махаллий аҳолининг турмуш тарзига таъсирини аниқланг.
9. Экологик туризмнинг табиатга салбий таъсирини тушунтиринг.
10. Экологик туризмнинг табиатни муҳофаза қилишга ижобий таъсирини тушунтиринг.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 415 стр.
2. Александров А.Ю. Международный туризм. Учебник. -М.: КНОРУС. 2010. – 46-54 с.
3. Норчаев А. Халқаро туризм. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ. 2007. 23-35 б.
4. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие. -М.: Финансы и статистика. 2003. – 45-68 с.
5. Норчаев А.Н. Экотуризм. //Ж: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2. 2004.- 45-46 б.
6. [www.interunion.ru](http://www.interunion.ru) – туристские ассоциации
7. [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация

## **II-боб. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

- 2.1. Экологик туризмни ривожлантириш учун ишлаб чиқилган ҳужжатлар ва кўрсатмалар.
- 2.2. Давлат томонидан экологик туризмни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш.
- 2.3. «Ўзбектуризм» МК томонидан туризм ривожланишини қўллаб-қувватлаш.
- 2.4. Экологик туризм концепциясининг ишлаб чиқилиши.

### **2.1. Экологик туризмни ривожлантириш учун ишлаб чиқилган ҳужжатлар ва кўрсатмалар**

Мамлакатимизда кейинги йилларда она-табиатни асраш, биологик турларни сақлаб қолиш борасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистонда 2001-2005 йилларда Фарбий Тянь-Шаннинг биологик турларини асраш бўйича халқаро банк-ГЭФ лойиҳалари ва халқаро лойиҳа EuropeAid лойиҳаси амалда бўлди. Бу лойиҳалар атроф мухитни муҳофаза қилиш, маҳаллий аҳолини туризмга жалб қилиш билан бевосита боғланган.

Иқтисодий жиҳатдан мураккаб даврда аҳоли кўпроқ ягона моддий манба сифатида натурал хўжаликка суянади ва шунинг учун ҳам чорвачилик ва деҳқончиликни жадал ривожлантиради. Табиийки, бундай шароитда шудгор ва яйлов учун давлат муҳофазасидаги боғлар ва қўриқхоналардан ҳам фойдаланилади. Натижада инсоннинг ҳали ўзлаштирилмаган ҳудудларга фаол “хужуми” юз беради, оқибатда экология бузилади ва баъзи турлар йўқолиб кетади. Ўзбекистон Республикасининг “Ўрмонлар тўғрисида”ги Қонуни 3-моддасига кўра, ўрмон массивлари асосан экологик (сувни асраш, ҳимоя, санитария-

гигиена, соғломлаштириш, рекреацион), эстетик ва фойдаланиш чеклаб кўйилган бошқа вазифаларни ўтайди<sup>18</sup>.

Маҳаллий жамоага муқобил фаолият сифатида туризм билан, яъни маҳаллий флора ва фаунага, ландшафтга, халқ тарихи ва маданиятига қизиққан хорижий ва маҳаллий сайёҳатчиларни қабул қилиш ва уларга хизмат кўрсатиш таклиф қилинади. Бу соҳа мавсумий бўлса ҳам, аниқ режа асосида, уддабуронлик билан олиб борилса, мавсумни чўзиш, даромадни эса йил мобайнида бир хил олиш мумкин. Аҳоли турар жой, овқатлантириш, транспорт, одатлар ва ҳунарларини намойиш қилиш, гидлик, ҳимоя ва хавфсизлик хизматларини кўрсатади.

Бу соҳани ривожлантириш миллий анъаналар ва халқимизга хос бўлган менталитетга асосланган маҳаллий ҳунармандчиликни рағбатлантиради: аҳоли ўзининг имконияти даражасида ҳунармандчилик касбларини, овчиликни тиклайди. Бу унга катта инвестиция талаб қилмайдиган кўшимча даромад манбаи бўлади. Бундан ташқари, маҳаллий аҳоли бошқа ҳудудлардан келтириб эмас, балки ўзи етиштирган сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан туристларни таъминлайди, яъни ёрдамчи хўжалик (аҳоли уй-жой томорқасидаги бўш ерларга экилган сабзавот маҳсулотлари) ҳам даромад келтира бошлайди.

Натижада аҳолининг ўзи табиатни фаол кўриқлай бошлайди, чунки атроф муҳит бузилса, чет эллик туристлар келмай қўяди, бу эса маҳаллий аҳолининг даромадларига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли манфаатдор томонлар ўз маблағларининг бир қисмини табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ҳамда маданият ва санъат ёдгорликларини таъмирлашга ажратишга мажбур бўлади.

Муҳими бу соҳани ривожлантириш коммуникацияларни, янги технологияларни рағбатлантиради, йўллар қурилиши, алоқа линиялари

---

<sup>18</sup> “Ўрмонлар тўғриси”даги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, -Т.: 1999 й 15 апрель.

ўтказилиши, тиббиёт, ичимлик суви, энергия ва ҳоказолар билан боғлиқ фаолият турлари пайдо бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида шубҳасиз, туризмни ривожлантириш ва рекреацион фаолиятни жонлантиришда ҳукумат етакчи ислоҳотчи бўлиши лозим. Чунки, табиатдан бетартиб, аниқ режасиз фойдаланиш мамлакат учун катта зарарларни олиб келиши мумкин. Шунинг учун республикамизда бу соҳага алоҳида ёндошув бўлиб, муҳим қарорлар қабул қилинмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 10 мартдаги 83-рақамли “Табиий бойликларни сақлаш ҳамда Чимён-Чорвоқ ҳудудини ўзлаштиришга комплекс ва изчил ёндошишни таъминлаш тўғрисида”ги Қарорида айтилишича, бу ҳудуд ўз табиий-иқлимий шароитлари бўйича курорт ва рекреацион характердаги алоҳида кўриқланадиган табиий ҳудудга киради. Шу муносабат билан табиатга сезиларли зарар келтирадиган корхоналар томонидан бўладиган экологик таҳдидни камайтириш ҳамда маҳаллий туризмнинг салоҳиятини аниқлаш мақсадида бу ҳудудда инфратузилмани реструктуризациялаш ишлари ўтказилди. Табиатга салбий таъсир кўрсатадиган ҳар қандай саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналар қуриш таъқиқланди.

Ғарбий Тянь-Шань-бу уч давлат Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг ҳудуди. Шунинг учун бу давлатлар ўртасида фаол ҳамкорлик ва мувофиқликка эришмай туриб бу ерда туризмни ривожлантириб бўлмайди. Бунда масала фақат хорижий сайёҳатчилар ёқтирадиган трансчегаравий туристик маршрутларни яратиш устида эмас, балки табиий бойликни асраш, ҳайвонларни ноқонуний йўл билан овлаш орқали уларни ваҳшиёна қириб юборишга йўл қўймаслик, индустриянинг салбий таъсирини камайтириш, маҳаллий иқтисодиётни кўтариш устида ҳамдир. Ҳудудни ривожлантиришдан ҳокимият ҳам,

маҳаллий жамоа ҳам манафаатдор бўлиши лозим. Улар ўз ҳудудларида юз берадиган барча хўжалик жараёнларини назорат қилиши ва бошқариш ишлари жиловини ўз қўлларига олишлари керак. Ғарбий Тянь-Шаннинг табиий бойликларини асраш юзасидан ТАСИС лойиҳаси айнан шу муаммони ҳал қилишга қаратилган.

Ҳозирги вақтда экотуристлик маҳсулотга хорижий ва маҳаллий туристлар орасида эҳтиёж катта. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Марказий Осиё табиат қўйнига қилинадиган сайёҳатчилар учун ўзига хос “Макка” бўлиб қолиши мумкин. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда “Ўзбекистон Республикаси 2006-2010 хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-325-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорни амалга тадбиқ қилиш ҳамда экотуризмни ривожлантириш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси “Ўзбекистон Республикасида экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси ва унинг яқин келажакдаги истиқболлари”ни ишлаб чиқди.

Ушбу Концепцияда Ватанимизда экотуризмни босқичма-босқич ривожлантириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар, ташкилий-ҳуқуқий масалалар кўзда тутилган. Бу масалалар амалга оширилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси жаҳондаги экологик туризми тараққий этган мамлакатлар қаторида ўз ўрнини эгаллаши имкониятлари катта.

## **2.2. Давлат томонидан экологик туризмни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш**

Ўзбекистонда туризм катта имкониятларга эга бўлишига қарамай, ялпи миллий маҳсулот яратишда унинг улуши атига 0,5% ни ташкил этади. Бу соҳада ҳаммаси бўлиб 6 мингга яқин одам банд бўлсада, аммо

сайёҳларга хизмат кўрсатадиган камида 30 мингта кўшимча ишчи ўринлари тўғрисида сўз юритиш мумкин. Бундан ташқари, меҳмондорчиликни ўрнига қўйиш учун товарлар етказиб берадиган ва ҳар хил хизматлар кўрсатадиган бошқа соҳалар-энергетика, коммунал хўжалик, йўл хизматлари, жамоат хавфсизлиги, тиббиёт, суғурта, банклар, ташқи сиёсат ва алоқлар ва ҳоказо (халқ хўжалигининг 20 дан ортиқ тармоғи) мавжуд. Бироқ, туризмнинг ўзига хос томонлари шундаки, гарчи хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини баҳолаш мумкин бўлса ҳам, ҳеч қандай ўлчовлар билан баҳолаб бўлмайдиган “самаралар”- таъсурот, маънавий озуқа, қониқиш, эстетик завқ-шавқ кабиларни кўплаб санаб ўтиш мумкин.

Маълумки, товарлар билан савдо қилиш, хизматлар билан савдо қилишдан фарқ қилади. Хизматлар ўзига хос “маҳсулотлар” бўлиб, транспорт, коммуникация, қурилиш, суғурта, молия, компьютер ва ахборот хизматларини, бухгалтерлик ҳисоби ва бошқарув маслаҳати ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Хизматларнинг нархини белгилаш учун асос бозор ҳисобланади. Уни томонлар битим тузиш пайтида келишиб олишади. Туризм правайдерлар таклиф қиладиган ана шундай хизматлар мажмуидир. Туризмда товар (объект, мамлакат) харидорга олиб келинмайди, аксинча, хизматлар истеъмолчиси (харидор) унга келади.

Хизматлар экспорти деганда ўз доимий яшаш жойи ҳисобланмаган мамлакатга дам олиш, хизмат юзасидан, хусусий иш ва бошқа мақсадлар билан ташриф буюрувчи шахсларнинг харажатлари тушунилади. У сайёҳат (тур) га тўланган ҳақ, ташриф буюрилган мамлакатда хорижий туристларга кўрсатилган пуллик хизматлар ҳақи, меҳмонхоналар ва бошқа жойлаштириш маконларида ажратилган хоналар ҳақи, совға (сувенир) товарлар сотишдан, халқаро транспорт хизматидан кўрилган фойдани ўз ичига олади. Ўз навбатида меҳмонхона хўжалигининг



даромадлари-хоналарга тўланадиган ҳақ, овқатлантириш учун кўрсатиладиган хизматлар ҳақи, ресторанлар, барлар, тунги клублардан фойдаланиш, банкетлар ва конференциялар ташкил этиш, транспорт билан таъминлаш, театр чипталари, совғалар сотиш ва бошқа хизматлар кўрсатишдан тушган даромадлардир. Туризм импорти-мамлакат фуқаросининг турли мақсадларда ва бир йилдан кўп бўлмаган муддатга мамлактдан чиқиши билан боғлиқ бўлган истеъмол харажатлари суммасидан иборатдир. Бу кўрсаткичлар сафарни тайёрлаш ва амалга ошириш харажатларини, сайёҳат вақтида ва ташриф буюриладиган жойларда пайдо бўладиган харажатларни ўз ичига олади. Бу харажатлар хориж сафаридан қайтилганидан сўнг чиқилган мамлакатда ҳисоб-китоб қилинади.

2.2.1-жадвал

Ўзбекистон бозорида туристик операциялар амалиёти  
(минг АҚШ долларида)

Кўрсаткичлар	Йиллар	
	2006	2007
Туристтик хизматлар экспорти	27605,4	23555,9
Туристтик хизматлар импорти	1300,7	988,6
Сальдо (+ -)	26304,7	22567,3

Манба: "Ўзбектуризм" миллий компанияси 2008 йил ҳисобатидан.

Расмий маълумотларга кўра, 2006 йилда туристик хизматлар импортининг 1 АҚШ доллариغا 21,2 АҚШ доллари миқдорида экспорт тўғри келган, 2007 йилда бу нисбат 1:23,8 долларни ташкил қилган, яъни 112% га ўсиш кузатилган. Бироқ, кўрсаткичларни тузишда шуни сезиш мумкинки, хизматлар экспорти 14,7% га, импорти 24% га, манфий сальдо 14,3 ни ташкил этган.

Маълумки жаҳонда бирон бир омил статик характерга эга бўлмайди, шундай ўзгаришлар юз берадики, улар мамлакатлардаги

вазиятнинг яхшиланишига ёки ёмонлашишига сабаб бўлади. Бошқача қилиб айтганда туристлар вазиятнинг ўзгаришига “оёк”лари билан жавоб берадилар: уларга нимадир ёкмаса, улар ўз сафар йўналишларини ўзгартирадилар. Жаҳон амалиётида миллий ва хорижий фуқароларнинг йил мабойнида мамлакат бўйлаб қилинадиган сайёҳатлари ҳажмини ички туризм деб ҳисоблаш қабул қилинган. Шу билан бирга, ушбу мамлакатнинг фуқароси ҳисобланган туристлар сонини кўпинча аниқлаш қийин, чунки сафар чоғида улар расмийлик (қайддан ўтиш) ни бажармайдилар, ҳар доим ҳам отеллар, пансионатлар ва дам олиш уйларида турмайдилар, уларнинг ташрифлари бошқа мақсадлар (харид қилиш, қариндош-уруғларни йўқлаш, тўйларга бориш) билан уйғунлашиб кетади. Бундай сайёҳатлар мамлакат ичидаги сафарларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бундай сайёҳатлар одатда кеч баҳор, эрта ёзда ва кузда анча авж олади. Бундай сайёҳатчилар анча арзон тушадиган темир йўл ва автомобил транспортини хуш кўришади.

3.2.2-жадвалдан кўриниб турибдики, 2008 йилда хорижлик туристлар Қорақолпоғистон, Андижон, Наманган, Сирдарё ва Тошкент вилоятларига бормаган. Аммо бу ҳолатни тўғри деб бўлмайди. Чунки туристик фирмалар ўз мижозларининг у жойларга боришини ташкилий равишда амалга оширади, лекин улар меҳмонхоналар ва турбазаларда турмайди. Шунинг учун улар маҳаллий статистика маълумотларига кирмайди. Бироқ, театрлар, музейлар, кўрғазмаларга сотиладиган чипталар сонига қараб, туристлар бу вилоятларга борган-бормаганлигини аниқлаш қийин эмас.

Айни пайтда шу нарса диққатга сазоворки, ички туризмнинг умумий ҳажмида хизмат кўрсатиладиган хорижликларнинг улуши 50,7% ни ташкил этади, Хориждан ташриф буюрувчиларнинг энг кўпи Тошкент шаҳри (50,1%), Бухоро вилояти (19,1%), Самарқанд вилояти

(15,4%), Хоразм (8,94%) ва Сурхондарё (3,88%) вилоятларига тўғри келган. Шундай қилиб, Навоий вилоятига келган туристларнинг 94,8% бошқа мамлакатларнинг фуқароларидир. Бухоро вилояти бўйича бундайлар 73,9% ни, Самарқанд вилояти бўйича 51,7% ни, Сурхондарё вилояти бўйича 84,2% ни, Хоразм вилояти бўйича 50,1% ни ташкил қилади.

2.2.2-жадвал.

2008 йилда ташкилий сайёҳат йўналиши бўйича хизмат кўрсатилган туристлар сони, минг киши

Вилоятлар	Жами	Шу жумладан, хорижликлар
Ўзбекистон Республикаси	517,5	267,8
Қорақолпоғистон	1,0	-
Андижон вилояти	7,2	-
Бухоро вилояти	67,9	50,2
Жиззах вилояти	16,4	0,4
Қашқадарё вилояти	27,1	1,9
Навоий вилояти	3,9	3,7
Наманган вилояти	6,5	-
Самарқанд вилояти	78,5	40,6
Сурхондарё вилояти	12,1	10,2
Сирдарё вилояти	-	-
Тошкент вилояти	62,7	-
Фарғона вилояти	13,9	0,5
Хоразм вилояти	46,9	23,5
Тошкент шаҳри	173,4	131,8

Манба: ”Ўзбектуризм” Миллий Компанияси 2008 йил ҳисоботидан.

Шундай қилиб, статистика маълумотлари қуйидаги хулосаларга имкон беради: Биринчидан, халқаро обрўга эга бўлган ва яхши реклама қилинган маршрутлар (Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Хива) кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб катта тажриба тўплаган. 2008 йилда уларнинг ҳиссасига барча хорижий меҳмонларнинг асосий қисми (92 %) тўғри келади.

Иккинчидан, ихтисослаштирилган йўналишлар-Термиз, Қарши, Навоийга чет эл туристлари маълум мақсадлар (археология, этнография, табиат манзаралари) билан келишади. Лекин бу соҳадаги туристик маҳсулотлар оммавий тус олгани йўқ.

Учинчидан, баъзи ҳудудлар, масалан, Фарғона водийси, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари транзит йўналишлар бўлиб қолмоқда, чунки уларни оммавийлаштириш учун хали айтилган йўналишларга нисбатан анча кўп маблағ талаб қилинади. Бундан ташқари, уларни туроператорлар оммавий истеъмолчиларга эмас, балки шахсий буюртмалар бўйича (овчилик, гастрономия, экология, фольклор) тавсия қилишади.

Ўзбекистонда тарихий-маданий, меъморий, археологик жиҳатдан қизиқарли бўлган 7,0 мингдан ортиқ объект бор. Ана шулар хорижликларни оҳанрабодек ўзига тортади. Б. Тўраевнинг таъкидлашича, "... улардан 545 меъморчилик, 575 тарихий, 1457 саънат ёдгорликлари, 5500 дан ортиқ объект археологик жиҳатдан қадрли ҳисобланади. Лекин туристик талабга улардан атига 140 таси жалб қилинган. Юқорида санаб ўтилган объектлардан 200 тадан ортиқроғи таъмирланмоқда, 500 таси таъмирталаб; ана шуларга ҳар йили ўн миллион долларлаб маблағ сарфлаш лозим. Бошқа мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, кўп туристлар учун ўша таъмирлаш жараёнининг ўзи қизиқарли. Шу жиҳатдан Ўзбекистондан бир неча минг археологик объектлар мавжуд. Бундан ташқари Республикамизда 300 дан ортиқ музей, 1200 та халқ ижоди корхоналари бор. Туристлар ташриф буюриладиган объектлар сони Тошкентда 144 та, Самарқандда 118 та, Бухорода 221 та, Хивада 310 та. Бироқ, умуман олганда, туристик соҳадан кам фойдаланилади".<sup>6</sup>

---

<sup>6</sup> Б. Тўраев. Туристлик фаолиятда менежмент тизимини такомиллаштириш. Диссертация автореферати. Самарқанд, 2005, 15 бет

Ўзбекистонга туристик ёки хусусий йўналиш бўйича ташриф буюрувчи шахсларни камида 10% ўз сайёҳатларининг экологик жиҳатлари билан қизиқади: улар ёки табиий ҳудудлар (боғлар, тоғлар, ўрмонлар, кўллар) га ташриф буюришади, ё бўлмаса, яқинроқ қишлоқ жойларга бир кунлик экскурсия қилишади. Уларнинг камида 60 % аралаш турга эҳтиёж сезишади, хусусан, этнография билан экологияга қизиқишади<sup>7</sup>. Натижада ташкилий туристлар экологик турларга “иختисослашишмоқда”. Шундай қилиб туризмнинг янги шакли-экологик туризм шаклланмоқда. Экологик туризмнинг умумий туризм бозоридаги аниқ ўрнини кўрастиш қийин, албатта. Кўпинча уни бошқа туристик хизмат турларидан ажратиш қийин. Лекин туризмдаги бу янги йўналиш ҳиссасининг ҳали жуда пастлиги аниқ. Бу соҳанинг нисбатан кам ўрганилганлиги ва истиқболли эканлиги уни назарий илмий таҳлил этишнинг долзарблигини кўрсатади.

Ривожланиб бораётган мамлакатнинг туризм индустрияси асосан табиий ёки экологик туризм ҳисобига амалга оширилмоқда. Экспертларнинг маълумотларига қараганда экотуризм сайёҳлик бозорининг 10-20 % қамраб олган, ўсиш суръати эса умумий туризм индустриясининг ўсиш суръатидан 2-3 маротаба ошиб кетган. Аммо экотуризмнинг мамлакатимиздаги салоҳият кўрсаткичлари, мақсади, ташкилий-ҳуқуқий, таълим тарбия, ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари, бу соҳада хизмат ва сервис кўрсатишни ривожлантириш муаммолари етарли даражада ишлаб чиқилмаган.

### **2.3. «Ўзбектуризм» МК томонидан туризм ривожланишини қўллаб-қуватлаш**

Қўриқланадиган табиий ҳудудлардаги экологик маршрутларни тузишда ва амалга оширишдан олдин туристик ташкилотлар шу

---

<sup>7</sup> Н. Тухлиев, Т. Абдуллаев. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. Т., 2006, стр 22

худудларнинг маъмурияти, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитаси билан келишиши ҳамда “Ўзбектуризм” Миллий Компанияси ёки Ўзстандарт Агентлигидан сертификат олиши лозим. Бундай руҳсатномани олиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

- маршрут схемаси (унда тегишли жой харитасида маршрут йўли тасвири бўлиши, дам олиш учун тўхташ жойлари, овқат тайёрлаш, тунаш (қўниш) жойлари кўрсатилиши керак);

- маршрутнинг баёни, яъни, масофаси, тўхташ жойлари сони, ўзини тутиш қоидалари, мавсумийлик, ўтиш вақти, маршрутдаги одамлар сони берилиши;

Экологик сўқмоқлар, одатда, миллий табиий боғлар (парклар) ва давлат буюртмахоналари буфер, рекреацион худудларда ташкил қилинади. Алоҳида ҳоллардагина бу сўқмоқлар қўриқхоналар орқали ўтиши мумкин (лекин бунда атроф муҳитга иложи борича зарар етмаслиги, гуруҳ махсус гид алоҳида қўриқланадиган худуд мутахассиси етакчилигида юриши лозим).

Турмаршрутни тузишдаги расмийлик қоидалари ташкилотчилардан умумий табиий хусусиятлардан ташқари алоҳида қизиқарли объектлар (ғорлар, қоялар, ирмоқлар, кўллар), флора (доривор ва ноёб ўтлар, заҳарли ўсимликлар, лишайниклар олами) ва фауна (Қизил китобга киритилган ҳайвонлар, ҳашоратлар) тўғрисидаги маълумотларни ҳам тўплашни талаб қилади. Шунини айтиш керакки, экологик йўлни танлашда фақат ландшафтнинг типигина эмас, балки бўлажак рекреацион экологик йўналишда ташриф буюриши мумкин бўлган туристлар сифимини ҳам ҳисобга олиш лозим. Маршрут шундай режалаштирилиши керакки, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёб турлари, айниқса, давлат муҳофазасидаги турлари яшайдиган жойларни

четлаб ўтилиши зарур. Йўлга чиқишдан олдин туристлар хавфсизлик техникаси, шу ҳудудларда ўзини тутиш қоидалари ҳамда қоида бузилганлиги учун маъмурий-жиноий жавобгарлик тўғрисида йўл-йўриқдан ўтганликлари ҳақида махсус дафтарга имзо чекишлари лозим. Одатда экологик маршрут ва унинг вазифаларини бир неча гуруҳларга бўлишади<sup>19</sup>.

Шунга кўра, экологик маршрутларнинг қуйидаги йўналишларига амал қилади:

- чизикли (тўғри);
- радиал;
- ҳалқасимон;
- ярим ҳалқасимон ва ҳоказо

Вазифасига кўра улар қуйидаги хилларга бўлинади:

- билим олиш – сайр;
- билим олиш – туристик;
- ўқув – экскурсион;
- спорт;
- рекреацион ва ҳоказо

Билим олиш-сайр маршрутларини тузишда (уларни баъзан “дам олиш куни сўқмоқлари” деб аташади) қуйидаги талабларни ҳисобга олиш лозим:

- масофа – 4 дан 8 км гача
- иложи борича кўриқланадиган ҳудудга кириш жойидан бошланиши;
- туристларни бир гуруҳга йиғиб, гид етакчилигида 3-4 соат мобайнида табиат, тарих ва маданият ёдгорликлари билан танишиб, йўл-йўлакай маъруза тинглаб шошмасдан юрилиши лозим.

---

<sup>19</sup> Н.Тўхлиев, Т.Абдуллаева “Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития”, Т., с. 200.

Билим олиш-туристик йўналишнинг ўзига хос томонлари:

- масофа бир неча ўн километрдан бир неча юз километрга етиши мумкин;
- улар қўриқхонага кириш жойидан бошланади;
- сайёҳатнинг давомийлиги-1-2 кундан бир неча ҳафтагача;
- туристлар гуруҳларга бирикиб, маршрутни етакчи ва хизмат кўрсатувчи ходимлар (ошпазлар, от боқарлар) ҳамроҳлигида босиб ўтишади;
- туристларнинг ушбу сўқмоқни мустақил ўтишларига ҳам рухсат берилади, лекин, агар йўл қўриқхона ҳудуди орқали ўтадиган бўлса, уларга ушбу ҳудуд маъмурияти ходими ҳамроҳлик қилиши лозим;
- мустақил сайёҳат қилишдан олдин туристлар тегишли материаллар билан таъминланиши ва хавфсизлик техникаси ҳамда ўзини тутиш қоидалари билан таништирилиши зарур;
- туристлар қўриқланадиган ҳудудга кириш учун тўланган ҳақ қвитанция ва рухсатномага эга бўлишлари керак.

Ўқув ва малака ошириш учун ташкиллаштириладиган экотуристтик маршрутларнинг хусусиятларини мутахассислар одатда қуйидагича тушунишади:

- ушбу йўналишлар фақат экологик билим олиш учун очилади ва, аввало, мактаб ўқувчилари, лицейлар, коллежлар, олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланади;
- мавзу барча иштирокчилар учун тушинарли бўлиши керак;
- одатда, масофа 2 кмдан ошмайди (кўпи билан 3 соатлик ўқув экскурсияси учун мўлжалланади);
- иложи борича алоҳида қўриқхонага киришидан бошланади;
- болалар етакчи-экскурсовод ёки ўқув муассаси ўқитувчиси бошчилигида юришади.



Спорт ва рекреацион маршрутлар. Одатда, ушбу ҳудудларнинг хусусиятлари: тоғ кўллари ва дарёлар (рафтинг, дайвинг, елканли қайиқ спорти), тоғ чўққилари (альпинизм, қояларга чиқиш), пляж (рекреация), тузли ғорлар (даволаниш) мавжудлигини ҳисобга олиб тузилади. Уларнинг шу мақсадларга мўлжалланган жиҳозлари, тажрибаси ва рухсатномаси бўлган махсус фирмалар тузади.

Бундай жойларда, одатда, пиёда ёки отда юрилади, лекин истисно сифатида (маъмуриятнинг рухсати билан) автомобилда юрилади..

Ҳар қайси маршрутда 3 та асосий омил мавжуд:

- қизиқарлилик (жалб қилувчанлик)—бу тушунча табиатнинг манзарадорлиги (гўзаллиги), ўзига хослиги ва турли-туманлиги, ёдгорликларнинг ноёблиги;
- ҳаммабоплиги-ҳудудга ҳар ёшдаги гуруҳларнинг ташриф буюриши, уларнинг муайян қоидалар ва тадбирларни бажаришлари имкони борлиги, ҳудуднинг транспорт йўлига узоқ-яқинлиги;
- ахборотдорлик-туристларнинг география, биология, геология, экология бўйича билим олишларига имконият борлиги яъни экологик маршрутнинг бошқа маршрутлардан фарқи мавжудлиги.

Иккинчи томондан, кўрикланадиган ҳудудга киришдан олдин маъмурият туристлар учун ахборотлар кўргазма тахтаси ўрнатиши лозим. Мавжуд кўргазма тахтасида олов ёқиш, ов қилиш аҳлат ташламаслик тўғрисида тақиқловчи маълумотлар берилган бўлиши керак. Бу маълумотларни қайта кўриб чиқиш, уни янада бойитиш лозим. Айниқса, унинг безатилишига аҳамият бериши керак, чунки туристларнинг маршрутга қизиқиш-қизиқмасликлари шунга боғлиқ. Энг аввало, бу кўргазмада қуйидагилар бўлади:

- барча маршрутлар тўғрисидаги маълумотлар (масофаси, мураккаблиги, асосий мўлжаллар, юриш вақти, мавсумийлиги);
- бу ердаги флора ва фауна, шу жумладан, давлат муҳофазасидагиларнинг рўйхати;
- юриш-туриш (ўзини тутиш) қоидалари;
- объектларни бориб кўриш нархи;
- гид (мутахассис) нинг ҳамроҳлиги шартлиги ёки шарт эмаслиги;
- энг қизиқарли жойларнинг сурати ёки расми;
- ушбу кўриқланадиган худуднинг тарихий маълумоти, географик чегаралари, мулоқат телефонлари, ходимларнинг рўйхати.

Ахборот кўргазмаларининг материаллар ва конструкцияси ҳар хил бўлиши мумкин, лекин улар ушбу уч талабга жавоб бериши лозим: оддийлик, қулайлик ва узоққа чидашлик.

Маршрутларни ишлаб чиқишда туроператорлар томонидан қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиши лозимдир; йўлларда, дам олиш манзилларида, ва овқатланиш шаҳобчаларида, албатта, ахборот кўрсаткичлари қўйилган бўлиши лозим. Ҳар бир маршрутнинг ўз рақами, ранги ёки расми бўлиши мақсадга мувофиқ. Шунда туристлар дафтарча ёрдамида ўзларининг турган жойларини хатосиз аниқлай олишади. Дафтарчаларда диққатга сазовор жойларгача бўлган масофани ва уларга етиб бориш учун қанча вақт сарфланиши аниқ кўрсатилиши керак.

Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, экотуристлик маҳсулот бошқа маҳсулотлар, масалан, маданий-билим, спорт маҳсулотларидан ўзига хос томонлари билан фарқ қилади. Бу фарққа сабаб шуки, туристлар, баъзан кам тикланадиган табиий ресурслардан фойдаланишади. Хўш,

турмахсулот қандай бўлиши керак, у ёки бу унсурнинг таъсири қандай белгиланиши лозим?

Энг аввало туристик маҳсулот арзон, барча мавсумларга хос бўлмаслиги, истеъмоли чекланмаслиги керак. Аммо экосистемалар ҳақида гап кетганда бунинг иложи йўқ ва бундай бўлмаслиги лозим. Сайёҳатнинг фаоллиги ёки хавфсизлиги билан уйғунлашадиган кўп кунлик ва узоқ масофали омил мақсадга мувофиқ, лекин ҳар доим ҳам шарт эмас ҳисобланади. Бироқ, хавфсизлик, сақланган флора ва фаунанинг мавжудлиги, алоҳида кўриқланадиган ҳудудларда туристларнинг ўзларини тутиш қоидалари қаттиқлиги муҳим омиллардир. Бу омилни ғарб туристлари ҳеч қачон инкор қилишмайди.

#### **2.4. Экологик туризм концепциясининг ишлаб чиқилиши**

Экологик туризмни ривожлантириш концепцияси 2007 йилда «Экосан» томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, у асосан республикамиздаги мажуд экотуристтик ресурслардан мақсадли фойдаланига қаратилган. Унда асосан қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланади. Ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишда оқилона фойдаланиш. Экотуризмнинг мақсадини амалга ошириш қуйидаги вазифаларни бажаришни талаб этилади:

- экотуризм индустриясини шакллантириш учун махсус қонунларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий механизмини яратиш;
- экотуристтик фан, таълим ва амалиётнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;

- аҳолининг экологик онги ва маданиятини экотуризм орқали ўстириш;

- экотуризм йўналишидаги таълим ва тарбияни йўлга қўйиш;

- экотуризм орқали, маҳаллий аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этиш;

- экотуризм бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

- экотуристлик объектларни ҳар томонлама баҳолаш ва уларни кадастрини олиб бориш;

- экотуризм мониторинги ва истиқболини олиб боришни йўлга қўйиш;

- миллий давлат ҳудудини экотуризм бўйича районлаштириб чиқиш;

- экотуризм билан шуғулланувчи, юридик шахс мақомига эга бўлган махсус турдаги субъектлар фаолиятини йўлга қўйиш ва уларни ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини белгилаш;

- давлатларнинг ва халқаро ҳамжамиятнинг экотуризмга оид тактик режа ва стратегик дастурлар ва тадбирларини ишлаб чиқиш ;

- экотуризмга оид ижобий ҳаракатларни рағбатлантирувчи омилларини яратиш;

- биологик хилма-хилликни сақлаш ва х.к.

Мазкур вазифаларни бажаришда қуйидаги экотуристлик принцип, яъни экологик муносабатларни туризм орқали тартибга солишга йўналтирилган қоидаларга риоя қилиш даркор:

- экотуризмда табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш масалаларининг устиворлиги;

- экотуризмнинг тарихий, маданий ва бошқа туризм турлари билан узвий боғланганлиги;

- туризм ва сервис соҳаси йўналишидаги барча таълим муассасаларида экотуристлик ўқуви киритилишининг мақсадга мувофиқлиги;
- маҳаллий аҳолининг экологик онги ва маданиятини ўстиришда экотуризмни жалб қилиш зарурияти;
- табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг мазмунини экотуристлик маршрутларда акс эттириш;
- давлат, жамият, маҳаллий бошқарув идораларининг экологик туризмдан манфаатдорлиги;
- экотуризмда экологик ижтимоий-иқтисодий манфаатдорликнинг ягоналиги;
- экотуризмда миллий ғурур ва ифтихорни шакллантиришнинг зарурлиги ва бошқалар.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. EuropeAid лойиҳаси бўйича қандай ишлар амалга оширилди.
2. Экологик туризмни ривожлантиришда маҳаллий аҳолининг ўрни қандай.
3. ТАСИС лойиҳаси қандай муаммони ҳал қилига қаратилган.
4. Ташриф буюраётган туристларнинг неча фоизини экотур йўналишидагилар ташкил қилмоқда.
5. «Ўзбектуризм» МК томонидан сўнги йилларда қандай ишлар амалга оширилмоқда.
6. Экотуристлик маршрутлар қандай йўналишларга амал қилади.
7. Экотуристлик маршрутлар вазифасига кўра қандай хилларга бўлинади.
8. Экотуристлик маршрутлар энг аввало қандай талабга жавоб бериши лозим.

9. Экологик туризм концепциясини ишлаб чиқиш тартиби қандай амалга оширилган.

10. Экотуризм концепциясида асосан инималарга эътибор қаратилган.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 63-85 б.
2. Чудоновский А.Д. Информационные технологии управления в туризме: Учебное пособие. – М.: КНОРУС. 2006. – 142-148 с.
3. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 415 стр.
4. Воронкова Л.П. История туризма и гостепримства. Учебная пособие. - М: Финансы и статистика, 2004 . – 243-253 с.
5. Основные показатели развития туризма в 2008. ВТО. Мадрид. 2009. – 13-16 с.
6. Соколова М.В. История туризма. Ученое пособие. -М.: Финансы и статистика. 2002. – 88-95 с.
7. Tourism: 2020 vision. Madrid. 1997. – 16-17 p.

## **III-бoб. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭКОТУРИСТИК РАЙОНЛАШТИРИШ**

- 3.1. Экологик районлаштириш тушунчаси.
- 3.2. Экотуристик районлаштиришнинг амалга оширилиши.
- 3.3. Экологик районлаштиришда хуудларнинг бўлиниши асослари.
- 3.4. Экотуристик районларнинг туризмни ривожлантириш имкониятлари

### **3.1. Экологик районлаштириш тушунчаси**

Табиатдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни ҳудудий ташкил этиш экологик – иқтисодий районлаштириш назарияси ва амалиётига асосланади. Экологик – иқтисодий районлаштириш доирасида минтақалар ва хуудлар хўжалигининг ихтисослашиши ва мажмуа ривожланиши масалалари бир қаторда хўжалик ва табиатнинг конкрет хуудларда ўзаро таъсирининг мақсадга мувофиқ шакллари ҳам белгиланади.

Шу сабабдан минтақалар табиатидан фойдаланишнинг ҳудудий хусусиятларини фақат экологик – иқтисодий районлаштириш орқали аниқлаш мумкин. Экологик – иқтисодий районлаштириш мамлакатда табиий – экологик имкониятни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда мамлакат иқтисодиётини ҳудудий ривожланишини такомиллаштиришга ва минтақаларнинг табиий ресурс имкониятидан унимли фойдаланишни ҳудудий бошқаришни ташкил этишга хизмат қилади. Минтақаларнинг маълум маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашиши билан узвий боғлиқ бўлиб, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш кучларини самарали жойлаштиришнинг муҳим омилидир.

### **3.2. Экотуристик районлаштиришнинг амалга оширилиши**

Экологик – иқтисодий районлаштириш иқтисодий районлаштиришнинг ихтисослашган йўналиши ва тури бўлиб, у иккита асосий тамойилга асосланиб амалга оширилади:

- 1). Худудий меҳнат тақсимоти;
- 2). Ушбу худудлар ишлаб чиқариш кучларининг табиий муҳитга таъсир кўрсатиш даражаси.

Худудий меҳнат тақсимоти иқтисодий районларнинг чегараси ва мазмун, моҳиятини белгилаб берса, ишлаб чиқариш кучларининг табиатга таъсири эса районлаштиришнинг экологик йўналишини, экологик – иқтисодий районлар худудларининг дифференциясини ёки уларнинг экологик белгилар бўйича мажмуасини худудий фарқларини кўрсатади.

Худудий меҳнат тақсимоти районлаштиришнинг иқтисодий механизми, районлаштиришнинг омили ҳисобланади.

Экологик – иқтисодий районлаштириш икки хил йўналишда интеграл районлаштириш ва тармоқ районлаштиришга бўлинади. Шунингдек, махсус экологик – иқтисодий районлаштириш ҳам мавжуд бўлиб, улар экотизимларга антропоген ва техноген таъсирнинг худудий фарқларини кўрсатади ва уларнинг тизими шунга мос келадиган табиат муҳофазаси тизимини амалга оширишни тақозо этади.

Районлаштириш тизими экологик-иқтисодий жараёнларни бошқаришда муҳим роль ўйнайди. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Ўзбекистонда янги минтақавий экологик сиёсат шаклланмоқда. Шу муносабат билан ҳар бир районнинг экологик-иқтисодий ривожланиш истиқболларини белгилаш ва қуйидагиларга асосий эътибор қаратилиши керак:



1) иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, тизим, инвестиция, молия, ижтимоий сиёсатни амалга оширишда районларнинг экологик-иқтисодий хусусиятларини тўла ҳисобга олиш;

2) Республиканинг махсус минтақавий экологик дастурини ишлаб чиқиш.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда экологик-иқтисодий районларни ривожлантиришнинг стратегик вазифалари қуйидагилар:

- антропоген таъсир босими кучли районларда, биринчи навбатда суғориладиган текислик зонада иқтисодиётни экологик талабларга мослаштириш асосида экологик вазиятни соғломлаштириш;
- тоғ зонасида экологик-иқтисодий вазиятни стабиллаштириш ва иқтисодиётни ушбу зона хусусиятларига мослаштириш;
- мамлакат районларида ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари, саноат тугунларини барпо этиш асосида минерал хомашё ресурсларидан мажмуа фойдаланиш ва экологик стандартларга амал қилиш.

### **3.3. Экологик районлаштиришда ҳудудларнинг бўлиниши асослари**

Ўзбекистоннинг табиий-экологик хусусиятларига кўра бир томондан йирик табиий-экологик-иқтисодий-макро зоналарга, бошқа томондан эса экологик – иқтисодий районлар тизимига ажратиш мумкин. Уларнинг ҳар бири ҳудудий экологик – иқтисодий ривожланишнинг маълум вазифаларига жавоб беради.

Ўзбекистоннинг экологик – иқтисодий районлаштиришнинг асосини мамлакатни 3 та йирик макрizonaга ва 8 та экологик – иқтисодий районга бўлиш ташкил этади. Макрizonaлар мамлакат халқ хўжалиги мажмуасининг ҳудудий – зонал, экологик – иқтисодий хусусиятларини умумий таҳлил қилиш ва муаммоларини аниқлаш, ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш истиқболларини белгилаш

учун ажратилади. Макрозоналар бир-бирларидан табиий-экологик хусусиятлари, ишлаб чиқариш кучлари жойлашишининг ўзига хослигини, табиий ресурс имкониятидан фойдаланиш ва ҳудудларни хўжалик ўзлаштирилиши даражаси бўйича тубдан фарқ қилади. Ўзбекистон ҳудуди 3 та йирик макроҳудудга бўлинади:


- 1) чўл(сахро) зонаси;
- 2) суғориладиган текислик (антропоген) зона;
- 3) тоғолди-тоғ зонаси.

Мамлакатнинг ҳозирги экологик-иқтисодий районлари тизими асосан Ўзбекистоннинг асосий иқтисодий районлари тизимига мос келади. Экологик-иқтисодий районларнинг иқтисодий районлардан асосий фарқи бунда ишлаб чиқариш кучларининг табиий муҳитга таъсирининг ҳудудий фарқлари асосий районлаштириш мезони эканлигидадир. Ҳар бир экологик-иқтисодий район ишлаб чиқариш кучларини табиатга таъсири даражаси бўйича бошқаларидан фарқ қилади. Ўзбекистонда қуйидаги экологик – иқтисодий район шакллланган:

- 1) Тошкент (Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти);
- 2) Фарғона (Фарғона, Наманган, Андижон вилоятлари);
- 3) Мирзачўл (Сирдарё ва Жиззах вилоятлари);
- 4) Самарқанд-Зарафшон (Самарқанд вилояти);
- 5) Бухоро-Навоий (Бухоро ва Навоий вилоятлари);
- 6) Қашқадарё (Қашқадарё вилояти);
- 7) Сурхондарё (Сурхондарё вилояти);
- 8) Қуйи Амударё (Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси).

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш Давлат Қўмитасининг матахассислари Ўзбекистоннинг экотуристлик районлари

харитасини ишлаб чиқишган. Харитага мувофиқ бутун мамлакат худуди XIV экотуристтик районга ажратилган. Ҳар бир экотуристтик районга экотуристтик худуд деб ҳам қараш мумкин. Улар жумласига Устюрт, Орол ва Оролбўйи, Амударё, Қизилқум, Нурота, Зарафшон, Айдаркул, Сирдарё, Чирчик, Оҳангарон, Фарғона, Туркистон, Қашқадарё, Ҳисор, Сурхондарё экотуристтик районлари киритилган.



### 3.4. Экотуристтик районларнинг туризмни ривожлантириш имкониятлари

Ўзбекистондаги ҳар бир район ўзининг экотуристтик ҳолати, имкониятлари, шарт-шароитлари ва ривожланиш истиқболлари нуқтаи назаридан ажралиб туради. Масалан: Устюрт экотуристтик районини

оладиган бўлсак, у Ўзбекистоннинг шимолий-ғарби-Қорақолпоғистонда жойлашган плато бўлиб, унинг умумий майдони 200 минг км<sup>2</sup> ни ташкил этади. Бу жойлар дунёда энг катта ва ягона 60-150 метрлик тик қояли жарлари, даволаш хусусиятига эга бўлган жуда катта-1000 км<sup>2</sup> ли тузли Борсакелмас шўрхохи билан машҳур. Ўсимлик дунёси деярли йўқ, ош тузи ва балчикли тузнинг қатлами 16-27,5 м гача боради. Янги куриб битказилган Қўнғирот сода заводи айнан ана шу хом ашё ҳисобига ишлайди.

Неолит давридан қолган “Устюрт макони” ҳам ноёбдир. Унда 60 га яқин қадимий одамлар яшаган табиий объектлар аниқланган. Уларнинг ичида ҳам тарихий, ҳам экотуристлик аҳамиятга мойил “Темпа” макони бўлиб, ундан Хоразм археология экспедицияси меҳнат ва ов қуролларини топган.

Орол ва Оролбўйи экотуристлик райони экологик инқирозли экотуристлик ҳудуд бўлгани учун ҳам экстремал экотуристлик объект бўлиб ҳисобланади. Экотуристлик маршрутлар бир пайтнинг ўзида ҳам Оролнинг қуриган, ҳам унинг таъсирида бўлган Орол атрофи ҳудудларини қамраб олади. Бундай ҳудудларда, бизнинг фикримизча экотурлар нафақат трекинг (пиёда) ёки туя ва отларда, балки самолёт ва вертолётлар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Амударё экотуристлик райони. Амударёнинг ўзанига яқин соҳиллардаги тўқайзорлардан иборат бўлиб, улар экотурлар учун жуда қизиқарли, ноёб ландшафт ҳисобланади. Қуйи Амударёнинг ўнг соҳилида тўқай ландшафтидаги қушлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш учун Бадайтўқай кўриқхонаси ташкил этилган. Орнитафаунани сақлаш учун Хоразм буюртмахонаси ташкил этилган. Булардан ташқари Қизилқумнинг ғарбий қисмида, Амударёнинг ўнг қирғоғида, кембрий ва кембрийгача даврда бурмаланган тоғ жинслари очилмаларидан иборат,

баландлиги 485 метрлик Султон Увайс тоғларига экотурлар уюштириш мумкин. Амударё районида Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарларидан бири Хоразм жойлашган, унинг архитектура ёдгорликлари тарихий туризм марказларидан бири ҳисобланади. Бундай жойларда экотурларни тарихий турлар билан комплекс олиб боришни тавсия қилиш мумкин.

Нурота райони ўзининг ажойиб табиат манзаралари, тарихий архитектура ёдгорликлари билан кишиларни мафтун этади. 1975 йилда ташкил этилган ва майдони 17,8 минг га бўлган Нурота тоғ ёнғоқзор-мева кўриқхонаси мавжуд. Бу кўриқхонага “Экосан” қошидаги “Экосантур” фирмаси томонидан кўплаб маршрутлар уюштирилган. Оқтоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган шамол таъсирида тебраниб турувчи баҳайбат харсанг тошли “Санжигумон”, “Кориз қолдиқлар” каби табиат ёдгорликлари экотуризмнинг муҳим объектларидан бўлиб ҳисобланади.

Кўп асрлик зиёратгоҳ “Чашма булоқ” яқинида “Чилистун” масжиди, мадраса, Абул Хасан Нурий мақбараси ва қалъаси жойлашган. Қоратоғ тизмасининг жанубий ён бағрида “Сармиш дараси”даги қояларда авлодларимизнинг ҳаёти ва маданиятини акс эттирувчи лавҳалар, расмлар ишланган.

Жанубий Нурота тизмасида узунлиги 110 м, умумий баландлиги 1060 м, майдони 163 м<sup>2</sup> келадиган “Майдон карст ғори”, Шимолий Нурота тизмасидаги узунлиги 130 м, умумий баландлиги 1100 м, майдони 70 м<sup>2</sup> келадиган “Хонаихудо карст ғор” да спелеотуризмни ривожлантириш мумкин. Булардан ташқари, XI асрда бунёд этилган ва XVIII аср бошларигача турган “Работ Малик карвонсаройи” сайёҳларнинг тўхташ жойи, шунингдек савдогарларнинг савдо қилиш жойи бўлган. Работ Малик ёнида минг йиллик тарихга эга бўлган

маданий ёдгорлиги-сардоба учрайди. Ер ичига 12 м ботирилган сардобада бутун ёз бўйи муздек ва тоза сув сақланган.

Зарафшон экотуристтик районида Зарафшон дарёси қайирларида жойлашган тўқай ландшафти, ундаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш учун ташкиллаштирилган “Зарафшон кўриқхонаси” мавжуд. Бухоро вилоятининг Шофрикон ўрмон хўжалиги ҳудудида жойлашган қум чўл ландшафти, у ердаги ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳамда тарихий ёдгорликлар (Варданза шаҳар харобалари) давлат томонидан кўриқланади. “Варданза кўриқхонаси”, “Тўдакўл флора ва фаунасини бойитиш буюртмахонаси”, Қоравулбозор хўжалигида жойлашган “Жайрон-экомаркази”, сув ва ботқоққа мослашган кушларни кўпайтирувчи “Денгизкўл буюртмахонаси”, Зарафшон тоғ тизмаларидаги Омонқўтон ва Амир Темур карст ғорлари, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғ тизмаларидаги кўп қаватли “Ғунжак ғори” ва бошқалар диққатга сазовордир. Зарафшон экотуристтик районида қадимги шаҳарлар Самарқанд ва Бухоро жойлашганлиги туфайли ҳам экотурлар якуни тарихий-диний архитектура ёдгорликларига қилинадиган сафарлар билан олиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

Туркистон экотуристтик районида экотурларни алоҳида муҳофаза этиладиган ҳудудларга уюштириш самаралироқдир. Чунки бу районда Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида 1959 йилда ташкил этилган, абсолют баландлиги 1760-3500 м, умумий майдони 21735 га бўлган “Зомин давлат кўриқхонаси”, майдони 24110 га бўлган ноёб тоғ-арча экосистемаларини тиклаш ва рекреация мақсадларида фойдаланиш учун 1978 йилда ташкил этилган “Зомин миллий боғи” мавжуд.

Қашқадарё экотуристтик райони чўл, дашт, тоғ олди ва тоғли ҳудудлардан иборат. Бу районда ёз ва баҳор ойларида чўл ва даштларда, йилнинг барча фаслларида эса тоғ олди ва тоғли ҳудудларга экотурлар

уюштириш мумкин. Қашқадарё районида 1979 йилда ташкил этилган, 3938 га майдонга эга бўлган, МДХ давлатлари ичида ягона-“Китоб давлат геология кўрикхонаси”, 1992 йилда ташкил этилган “Муборак буюртмахонаси”, 1992 йилда ташкил этилган “Сеченкўл буюртмахонаси” мавжуд.

Сурхондарё экотуристтик районида Кўхитанг тоғли худудда 1987 йилда ташкил этилган, 53,7 минг га майдонда 800 хил ўсимлик ва 290 та қуш ҳамда 20 дан ортиқ ҳайвон турларини муҳофаза қилишга йўналтирилган “Сурхон давлат кўрикхонаси” мавжуд. Сурхондарё райони Республикамизнинг ўзига хос районларидан бири, бу ерда қурук субтропик иқлим минтақаси ҳукмрон. Шунинг учун ҳам йилнинг кўп ойларида экотурлар уюштириш имконияти бор.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. Экотуристтик районлар деб нимага айтилади.
2. Экотуристтик районлаштириш зарурати нима учун керак.
3. Экотуристтик районларга ажратиш тартибини тушунтириб беринг.
4. Орол ва оролбўйи экотуристтик районидаги вазият қандай.
5. Амударё экотуристтик райони худуди қаерда жойлашган.
6. «Экосантур» фирмаси томонидан қандай маршрутлар ишлаб чиқилган.
7. Зарафшон экотуристтик райони имкониятлари ва фаолиятини таҳлил қилиб беринг.
8. Туркистон экотуристтик районинг имкониятларини аниқланг.
9. Қашқадарё экотуристтик районида қандай пайтларда экотурлар уюштириш мумкин.
10. Сурхон давлат кўрикхонаси фаолиятини тушунтиринг.

### Адабиётлар рўйхати

1. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 34-50 б.
2. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 415 стр.
3. Бердиёров Б. Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмати бозоридаги ўрни. Номзодлик диссертацияси. –С.: СамИСИ. 2010 й. 76-89 б.
4. Норчаев.А.Н. Халқаро туризм ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири. Номзодлик диссертацияси. –Т.: ТДИУ. 2004. – 76-85 б.
5. Норчаев А.Н. Экотуризм. //Ж: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2. 2004.- 45-46 б.



## **IV-боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАХСУС ҚЎРИҚЛАНАДИГАН ХУДУДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

- 4.1. Маҳсус қўриқланадиган ҳудудларнинг экологик туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти
- 4.2. Ўзбекистонда маҳсус қўриқхоналарнинг вужудга келиши.
- 4.3. Маҳсус қўриқхоналарнинг экологик туризмни ривожлантиришдаги ўрни.
- 4.4. Заказникларнинг экологик туризмни ривожлантиришдаги ўрни.

### **4.1. Маҳсус қўриқланадиган ҳудудларнинг экологик туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти**

Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг тобора кескинлашиб бориши, антропоген таъсирнинг кучайиши таъсирида табиий муҳитда юз бераётган ўзгаришлар табиатни муҳофаза қилишни онгли ва режали ташкил этишни тақозо этади. Шу муносабат билан алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини ташкил этиш муҳим илмий амалий аҳамиятга эга. Улар бир неча типларни ўз ичига олади: қўриқхоналар, миллий табиий парклар, заказниклар, табиий ёдгорликлар, табиий ёдгорли парклар, табиатдаги музейлар, таъқиқланган ва муҳофаза зоналари, рекреация ҳудудлари. Улар у ёки бошқа даражада интенсив хўжалик фаолиятдан чиқарилган ҳудудлар бўлиб, улар турли даражада табиат муҳофазаси билан шуғулланади.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларнинг нодир ва тугаб бораётган турларини сақлаб қолиш, сонини кўпайтиришда қўриқхона, халқ парклари, заказникларнинг аҳамияти каттадир. Дунёда муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг сони 20 мингдан кўпроқдир. БМТнинг тавсиясига кўра, ҳар бир мамлакатнинг камида 10% ҳудуди муҳофаза қилинадиган ҳудудлар бўлиши керак.

Табиат ёдгорликларини кичик майдонни эгаллайдиган қимматли табиат объектлари: шаршаралар, геологик очилма қатламлар, ноёб ва тарихий қимматга эга дарахтлар, ғорлар ва бошқа муҳофаза қилинадиган объектлар қаторига киради.

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини барпо этишни лойиҳалаштиришда қуйидаги принципларга амал қилиш мақсадга мувофиқ:

1). улар тизимини табиий мажмуаларнинг асосий бирлиги дарё ҳавзаларига келадиган йўналишда барпо этиш.

2). табиат муҳофазаси тизимини табиатнинг хилма-хиллигини акс эттирувчи тўлиқ спектрда барпо этиш.

3). табиат экологик йўлакларини барпо этиш.

4). миллий табиий парклар майдонини кенгайтириш ва уларнинг сонини кўпайтириш.

5). кенг майдонни эгаллайдиган узоқ муддатли заказникларни барпо этиш.

6). муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларда рекреация имкониятларидан фойдаланиш ва рекреация ролини ошириш ҳамда турли режимда фаолият кўрсатадиган ҳудудий рекреация тизимларини барпо этиш.

7). муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг кадастирини тузиш асосида лойиҳалаштиришни амалга ошириш.

#### **4.2. Ўзбекистонда махсус қўриқхоналарнинг вужудга келиши**

Ўзбекистонда турли даражада муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20,6 минг км<sup>2</sup>

## 4.2.1-жадвал

## Ўзбекистон республикасининг муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлари

	Расмий номи, ташкил этилган йили	Жойлашган манзили	майдони км2
1.	Чотқол тоғ-ўрмон биосфера қўриқхонаси (1947 й.)	Тошкент вил. Оҳангарон ва Тошкент туманлари.	4516
2.	Ҳисор тоғ арча (1983 й.)	Қашқадарё вилояти Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманлари.	8143
3.	Зомин тоғ арча (1926, 1960 й.)	Жиззах вилояти Зомин ва Бахмал туманлари.	268,4
4	Бадай тўқай текислик. Тўқай (1971)	Қорақалпоғистон республикаси, Беруний тумани.	64,6
5	Қизилқум тўқай, қум (1971)	Бухоро, Ромитан тумани, Хоразм Дўстлик тумани.	101,4
6.	Зарафшон водий, тўқай (1979)	Самарқанд вилояти Булунғур ва Жомбой тумани.	
7.	Нурота биосфера қўриқхонаси (1979)	Жиззах вилояти Фориш тумани.	177, 5
8.	Китоб геология қўриқхонаси (1987)	Қашқадарё вилояти Китоб тумани.	53,7
9.	Сурхон тоғ-ўрмон (1987)	Сурхондарё вилояти Термиз ва Шеробод тумани.	276,7
	Жами		2274

## 4.2.2-жадвал

## Давлат миллий парклари

	Расмий номи, ташкил этилган йили	Жойлашган манзили	майдони Км2
1.	Зомин халқ парки (1976)	Жиззах, Зомин тум.	241,1
2.	Угом-Чотқол табиий миллий парки (1990)	Тошкент вилояти. Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон тумани.	5745,9
	Жами		5987,0

## 4.2.3-жадвал

## Ноёб ёввойи етиштириш маркази.

	Расмий номи, ташкил этилган йили	Жойлашган манзили	майдон и км <sup>2</sup>
1	Жайрон экомаркази	Бухоро вилояти.	51,4

## 4.2.4-жадвал

## Давлат табиат ёдгорликлари.

	Расмий номи, ташкил этилган йили	Жойлашган манзили	майдони км <sup>2</sup>
1.	Варданзе (1975-1983)	Бухоро вилояти.	3,0
2.	Ёзёвон (1991)	Фарғона ва Наманган вилояти	31,8
	Жами		34,8

Ҳозирги пайтда муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизими таркибига умумий майдони 2164 км<sup>2</sup> 9 та давлат кўриқхонаси, майдони 6061 км<sup>2</sup> бўлган 2 та миллий парк, майдони 12186,5 км<sup>2</sup> бўлган 9 та давлат заказниклари, 1 та республика ноёб ҳайвонлари кўпайтириш маркази киради. Лекин муҳофаза қилинадиган ҳудудларининг фақатгина 1,8 % зи узоқ муддатли ҳисобланади. Бу албатта етарли эмас.

Кўриқхоналар мамлакатнинг муҳофаза қилинадиган ҳудудлари тизимини 10 % изини ташкил қилади.

Миллий парклар яқин йилларда ташкил қилинган, 1976 йилда Угом Чотқол миллий паркини ташкил қилиши билан Миллий паркларлар муҳофаза қилинаётган жами ҳудуднинг 30% ини ташкил қилди.

#### **4.3. Махсус кўрикхоналарнинг экологик туризмни ривожлантиришдаги ўрни**

Муҳофаза қилинадиган ҳудудлар тизими Ўзбекистон вилоятлари ва табиий экологик зоналар бўйича ниҳоятда нотекис жойлашган. Уларнинг асосий қисми Тошкент вилоятига тўғри келади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар минтақаларнинг умумий ривожланиш стратегиясининг элементига айланмаган. Уларнинг умумий майдони нормативлардан 3-6 марта камдир. Маълумки, биосферанинг ўз-ўзини тиклаш ва такрор ишлаб чиқариш хоссаларини сақлаб қолиш учун мамлакатлар ҳудудининг 10% дан 25 % гача муҳофаза қилинадиган ҳудудларга айлантириш керак.

XXI асрда муҳофаза қилинадиган ҳудудларни ривожлантириш фалсафаси халқаро табиат муҳофазаси уюшмасининг тавсияларига кўра экологик барқарор йўлакларни барпо этишга, биохилма-хилликни сақлаб қолишга асосланиши лозим. Шунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасида алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг илмий асосланган тизимини барпо этиш энг муҳим экологик-иқтисодий вазифалардан бири ҳисобланади.

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг асосий тури кўрикхоналардир. Уларнинг қуруқлик ва сув ҳавзасининг характери табиий ландшафтлари билан маълум бир табиий ҳудуд бўлиб, табиат муҳофазасининг энг самарали шаклидир. Кўрикхоналарнинг асосий вазифаси табиатни диққатга сазовор, қимматли ландшафтларини асраш, сақлаш, муҳофазалашдан иборатдир.

#### 4.4. Заказникларнинг экологик туризмни ривожлантиришдаги ўрни

Заказниклар алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг 3-типи ҳисобланади. Уларнинг кўрикхоналардан фарқи табиат объектларидан ва уларнинг ресурсларидан хўжалик мақсадларида маълум мавсумларда табиатга зарар етказмасдан фойдаланишга рухсат берилади. Бир вақтнинг ўзида табиат объектларни ва уларнинг бўлимлари, айрим ҳайвон ва ўсимлик туралари муҳофаза қилинади.

4.4.1-жадвал

##### Давлат заказниклари.

	Расмий номи, ташкил этилган йили	Жойлашган манзили	майдони км <sup>2</sup>
1.	Арнасой (1983)	Жиззах вилояти.	663,0
2.	Қорақўл (1980)	Бухоро вилояти.	100,0
3.	Сайғоқ (1991)	Қорақалпоғистон респ.	10000,0
4.	Судочи (1991)	Қорақалпоғистон респ.	5000,0
5.	Сармиш (1991)	Навоий вилояти	25,2
6.	Қорақир	Бухоро вилояти.	300,0
7.	Қарноб чўл	Самарқанд вилояти.	400,0
8.	Қўшрабат	Самарқанд вилояти	165,0
9.	Денгиз кўл	Бухоро вилояти.	86,0

Давлат заказниклари муҳофаза ҳудудларини 39% изини ташкил қилади. Бу заказникларга ташриф бураётган туристларнинг ташрифи йилдан йилга ортиб бориши кузатилмоқда. Бу эса уларнинг моддий техник базасини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларнинг тобора кескинлашиб боришига қандай омиллар ўз таъсирини ўтказмоқда.
2. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларнинг нодир ва тугаб бораётган турларини сақлаб қолиш, сонини кўпайтиришда кўрикхона, халқ парклари, заказникларнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
3. БМТнинг тавсиясига кўра, ҳар бир мамлакатнинг камида неча фоиз ҳудуди муҳофаза қилинадиган ҳудудлар бўлиши керак.
4. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар тизимини барпо этишни лойиҳалаштиришда қандай принципларга амал қилиш мақсадга мувофиқ.
5. Ўзбекистонда турли даражада муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони қанча.
6. Ўзбекистондаги давлат кўрикхоналари, миллий парклар, давлат заказникларинг ташкил этилиши бўйича тушунча беринг.
7. давлат табиат ёдгорликлари ҳақида маълумот беринг.
8. Заказниклар алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг нечанчи типи ҳисобланади.
9. Ўзбекистондаги давлат заказниклари муҳофаза қилинаётган ҳудудларнинг неча фоизини ташкил қилади.
10. Махсус кўриқланадиган ҳудудларни ташкил қилишдан асосий мақсад нима.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.-55-56 б.

2. Чудновский А.Д. Информационные технологии управления в туризме: Учебное пособие. – М.: КНОРУС. 2006. – 43-64 с.
3. Норчаев.А.Н. Халқаро туризм ривожлантиришнинг иктисодий ўсишга таъсири. Номзодлик диссертацияси. –Т.: ТДИУ. 2004. – 45-63 с.
- 4.Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 415 стр.
5. Бердиёров Б. Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмати бозоридаги ўрни. Номзодлик диссертацияси. –С.: СамИСИ. 2010 й. 76-89 б.
6. Норчаев А.Н. Экотуризм. //Ж: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2. 2004.- 45-46 б.



## **V-бoб. ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИ**

- 5.1. Ўзбекистонда экологик туризмнинг ривожланиши шарт-шароитлари.
- 5.2. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришда мавсумий режалаштиришнинг аҳамияти.
- 5.3. Ўзбекистон минтақаларида экологик туризм ривожланиши ҳолати.
- 5.4. Ўзбекистон минтақаларида экологик туризм ривожланиши истиқболлари.

### **5.1. Ўзбекистонда экологик туризмнинг ривожланиши шарт-шароитлари**

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг хўжаликнинг барча тармоқларида туб ислохотлар олиб борилаётган бир даврда туризмни ривожлантиришга ҳам давлат томонидан катта аҳамият берилди бошланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелда «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 325-сонли қарори имзоланди. Мазкур қарорни амалга тадбиқ қилиш мақсадида Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси «Ўзбекистон Республикасида экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси ва унинг яқин келажакдаги истиқболлари»ни ишлаб чиқди.

Экологик туризмни ривожлантириш учун республикада жуда катта имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон 38 млн. гектардан ортиқ бўлган овчилик – балиқчилик ер майдонларига эга, улардан 1,0 млн. гектарини сув фонди кўллари, дарёлар, сув омборлари ташкил этади. Республикада фаунаси 97 турдаги ўтхўр ҳайвонлар, 424 турдаги қушлар, 58 турдаги судралиб юривчилар ва 83 балиқ турларига эга. Улардан Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ўтхўр ҳайвонларнинг 24 тури, қушларнинг

48 тури, судралиб юривчиларнинг 10 тури, балиқларнинг 18 тури ва 78 турдаги умуртқасизлар киритилган<sup>8</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ботаника институти маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда ҳозирги кунда 4100 дан ортиқ ўсимлик турлари мавжуд. Улардан 3000 дан ортиқ турлари олий ёввойи ўсувчи ўсимликлар, улардан 9 % эндемиклардир.

Ўзбекистон ҳудудининг муҳофаза этилаётган табиий ҳудудлар таркибида 2164 км<sup>2</sup> майдонни ташкил этган 9 та давлат қўриқхонаси, 6061 км майдонни ташкил этган 2 та миллий боғ ва ноёб турларга кирувчи ҳайвонларни кўпайтириш Республика маркази (Жайрон «Экомаркази»), 12186 км<sup>2</sup> майдонни ташкил этган 9 та давлат буюртмахоналари мавжуд<sup>9</sup>. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20520 кв.км, ёки Ўзбекистон ҳудудининг 5,2 % ташкил этади<sup>10</sup>.

Табиатни бошқаришга давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари қонун чиқарувчи, ижроия, суд ҳокимияти бевосита алоқадор. Уларнинг ҳар бири ўз функцияларини бажаради ва табиатдан фойдаланишни бошқариш бўйича махсус бўлимларга эга.

Қонун чиқарувчи ҳокимият ваколатига: давлат экологик сиёсатининг асосий йўналишини белгилаш; республика экологик дастурларини тасдиқлаш, табиий муҳитни бошқариш соҳасида фаолият кўрсатувчи органлари фаолиятини ташкил этиш, табиий ресурслардан фойдаланиш ва хавфсизлигини таъминлаш тартибини белгилаш; фавқулодда экологик вазият в экологик ҳалокат ҳудудларининг ҳуқуқий тизимини таъминлаш ва бошқалар. Қонун чиқарувчи ҳокимият Олий

---

<sup>8</sup>Экология хабарномаси №6 2007 йил 10-бет .

<sup>9</sup>Ўша манба.

<sup>10</sup>Ўша манба 11-бет .

Мажлис таркибида табиатдан фойдаланиш ва табиий ресурслар бўйича кўмигага эга.

Ижроия ҳокимият ваколати экология сиёсатини амалга ошириш, экологик дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, табиат муҳофазаси бўйича вазирликлар ва муассасалар фаолиятини координациялаш, табиий муҳитга таъсир кўрсатишнинг нормативларини тасдиқлаш, табиатдан фойдаланиш тўловлари тартибини белгилаш, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни ташкил этиш, экологик таълим ва бошқалар киради.

Ижроия ҳокимияти таркибига табиат муҳофазасини бажарувчи ва табиатдан фойдаланувчи қуйидаги бўлинмалар киради: ер ресурслари ва ер тузиш кўмитаси, ўрмон хўжалиги кўмитаси, гидрометеорология ва атропо муҳит мониторинг хизмати, геология кўмитаси, қишлоқ хўжалик вазирлиги ва бошқалар.

Табиат муҳофазаси бўйича махсус ваколатли асосий органларига табиат компетенциясига қуйидагилар киради: табиат муҳофазаси соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш; экологик хавфсизлик, биологик хилма-хилликни асраш, экологик назорат, давлат экологик экспертизаси, ўз ихтиёридаги давлат кўрикхоналари ва бошқа алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларни бошқариш.

Табиатдан фойдаланишни бошқариш тизими экологик прокуратура, махсус ихтисослашган ички ишлар бўлинмалари, суд ҳокимияти иштирок этади.

Ҳозирги пайтда ҳукумат томонидан Ўзбекистон Республикасини БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси Конвенцияларига қўшилиш масалалари ҳал этилган:

- Чегара ҳудудларида атропо муҳитга таъсирини баҳолаш тўғрисида (Эспо, 1994 й.);

- Чегара худудларида катта масофаларда ҳавонинг ифлосланиши (Женева, 1979 й.);
- Саноат ҳалокатларининг чегара худудлари бўйлаб таъсири. (Хельсенки, 1992 й.);
- Чегара худудларида сув ва кўлларни муҳофаза қилиш. (Хельсенки, 1992 й.).

Ўзбекистон республикаси табиатни муҳофаза қилиш, табиатдан фойдаланиш ва икки томонлама ҳамкорлик тўғрисида жуда кўп шартномаларни имзолади. Буларга Туркия республикаси билан (8 май 1996 и.), Хитой Халқ, Республикаси билан (11 декабрь 1997 йил). Нидерландия қироллиги, Венгрия, Словакия Республикаси, Исроил, Люксембург, Литва давлатлари билан шартномалар имзоланилди. Ташқи ишлар вазирлигининг Германия ва Европа Иттифоқи билан табиатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлиги тўғрисидаги таклифлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси табиат давлат қўмитаси Халқаро Экологик кенгаш (ХЭК) нинг аъзоси ҳисобланади. ХЭК ташкил этилгандан буён 8 та сессия ўтказилди (3-сессия Тошкентда 1993 й. Май ойида). Уларда экология соҳасига оид келишувлар ва низомлар қабул қилинган.

МДҲ давлатлари дорасида ҳам кўп икки томонлама келишувлар имзоланган. Уларга Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Грузия билан имзоланган шартномалар мисол бўлади. Украина ва Белоруссия билан икки томонлама шартнома имзолашга келишиб олинган. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари билан уч томонлама шартнома ҳам имзоланган.

БМТ ер Хартиясини тасдиқлади. Бу хартиянинг биринчи муҳокамаси Тошкентда Барқарор ривожланиш бўйича Ўзбекистон

республикасининг Миллий комиссияси томонидан ўтказилган. Бу хартия ўз олдига хавфсиз ривожланиш, экотизимларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, атроф муҳитга бўладиган салбий таъсирга йўл қўймаслик ва ҳ.к.ларни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

**Экологик мониторинг.** Экологик мониторинг атроф табиий муҳит ва унинг ресурслари ҳолатини маълум дастур асосида мунтазам кузатиш, баҳолаш, башоратлашнинг маълум тизими бўлиб экологик – иқтисодий бошқаришни ахборотлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасидаги миллий мониторинг тизими уч турни ўз ичига олади: санитария – гигиена мониторинги, экологик мониторинг, иқлим мониторинги. Уларнинг функциялари қўйидагилар: атроф муҳит ҳолатини кузатиш, ҳолатини баҳолаш, ва башоратлаш.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таҳлилий назорат давлат инспекцияси ҳозирги вақтда республикамизнинг ҳаво муҳити, тупроқ ва очиқ сув ҳавзалари ягона мониторинг тизимини барпо этиш ишларини амалга ошираётир. Унинг асосий фаолияти ифлослантириш манбалари мониторинг дастурини амалга оширишга йўналтирилган.

Мониторинг тизимини янада такомиллаштириш учун мунтазам кузатувларнинг технологик даражасини такомиллаштириш ва мониторинг тармоғини кенгайтириш лозим.

**Экологик стандартлар ва нормативлар.** Ҳар бир мамлакатда бўлгани каби атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг стандартлари ва норматив ҳуқуқий тизими Ўзбекистонда ҳам яратилгандир. Мазкур стандарт ва нормативлар атроф муҳит сифатига қўйилган чеклашлар ва талабларнинг ўзаро боғлиқ комплекси, шунингдек ишлаб чиқариладиган маҳсулот ва хизматларнинг ишлаб чиқариш технологик ва ташкилий бошқарув жараёнларига талаблар бўлиб, улар воситасида аҳоли ва ишлаб

чиқаришнинг экологик хавфсизлиги кафолатланади. Генетик фондни сақлаш, иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни такрор ишлаб чиқаришни таъминлаш ҳам унинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда қабул қилинган стандарт ва нормативларга қуйидагилар киради:

- ифлослантиришнинг турғун ва ҳаракатдаги манбалари чиқарадиган ифлослантирувчи моддаларига норматив ва лимитлар;
- заҳарли чиқиндиларнинг шаклланиши ва жойлашиш нормативи;
- сув олиш ва ўрмондан фойдаланиш лимитлари;
- биоресурслардан фойдаланишга квоталар;
- муҳофаза қилинадиган ҳудудлардан фойдаланиш ва бориб кўриш нормативлари;
- ёввойи ўсимликни йиғиш ва ҳайвонларни овлаш нормативлари ;
- алоҳида ҳудудларда ифлослантирувчи ҳамда заҳарли моддалардан фойдаланишни тақиқлаш нормалари

“Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги қонуннинг олтинчи бўлими атроф муҳит сифатини нормативлар ва стандартлар билан тартибга солишга бағишлангандир. Шунингдек, Ўзбекстон Республикаси “Давлат санитария назорати тўғрисидаги”ги қонунининг қатор моддаларида санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига қўйиладиган талаблар берилган.

Атроф муҳитга таъсирининг йўл қўйиш мумкин бўлган энг юқори даражаси нормативларнинг иқтисодий, ижтимоий, рекрация, табиий муҳитга физик, кимёвий, биологик, ўзгаришлари кўрсаткичларини белгилашга асос бўлади. Атроф муҳит сифатига таъсирининг йўл қўйиш мумкин бўлган нормативлари ваколатли давлат органлари тасдиқлаган техник нормалардир.

## **5.2. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришда мавсумий режалаштиришнинг аҳамияти**

Туризмнинг ўзига хос хусусиятларида бири мавсумийлик бўлиб, у туристик корхоналарнинг меъёрл ишлашине қийинлаштиради, иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий-техник тусдаги ноқулай оқибатларни келтириб чиқаради.

*Мавсумийлик* – туристик оқимларнинг унчалик катта бўлмаган вақт оралиғида маълум жойларда тўпланиши хусусияти.

Иқтисодий нуқтаи назардан мавсумийлик бир хилдаги иқлимий ва ижтимоий омиллар таъсири остида туристик хизматлар ва товарларга туристик бозордаги талаб ва таклифнинг ҳар йили тебраниб туришидир. Мавсум – туристлар оқимининг энг кўпайган вақтидир.

Икки мавсум мавжуд бўлганда (ёзги ва қишки) улар орасида мавсумлараро вақт бўлади. Туристлар оқимининг энг кўпайган вақти «қизғин мавсум», улар деярли бўлмаган вақт «ўлик мавсум» дейилади.

Туризмдаги мавсумийликни белгилаб берувчи бошқа омил таътиллاردан анъанавий ёзда фойдаланиш ҳисобланади. Маълумотларга қараганда, иккита ёз ойи мобайнида (июль, август) Европа бўйлаб хорижий туристлар умумий сонининг тахминан ярми саёхат қилади. Август ойида Францияда ишловчиларнинг 80% таътилда бўлади. Мавсумийликнинг умумий структураси ҳозирда анча аниқ белгилаб олинган. 1 ва 2-чораклардаги ойларга туризми ривожланган мамлакатларда бутун юкланма (нагрузка)ларнинг 2/3 қисми тўғри келади.

Талабларнинг бир жойда жамланишига таътиллاردан жамоа бўлиб фойдаланиш катта таъсир кўрсатади. Франция ва Швейцариядаги баъзи корхоналар ёзги дам олиш даврларида (одатда ҳар йил августнинг

ўрталаридан бошлаб) умуман ишни тўхттишади ва бутун жамоа таътилга чиқиб кетади.

Шу нарсани назарда тутиш зарурки, мактабдаги ёзги каникулларнинг катта қисми ҳам ёз пайтига тўғри келади, бу ҳам туристларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муаммоларни кескинлаштиради.

Туристлар оқимининг бир жойда жамланишига таъсир қилувчи бошқа омиллар ҳам (анъанала, мода, тақлид қилиш) мавжуд. Уларни кўпинча иррационал омиллар ҳам деб аташади, чунки улар на табиий-иқлимий, на ижтимоий-иқтисодий сабаблар туфайли келиб чиқмаган.

Тақлид қилиш ва мода мавсумийликка куйидаги тарзда таъсир этади. Туристлик оқимининг янги иштирокчилари алоҳида мамлакатлар ва районлардаги дам олиш шароитларини билмаган ҳолда бу жойларни асосан психологик сабабларга кўра танлайдилар. Улар тажрибали туристлар ёки машҳур шахслар дам олишга кетаётган вақтни танлайдилар. Янги турист сифатида тажрибага эга бўлганларида кейингина улар ўзлари учун энг маъқул саёҳат вақтини танлайдилар.

Мавсумийликка оид ноқулай таъсирлар туристик жараённинг барча ташкил қилувчиларига – ресурслар, жойлаштириш воситалари, озиқ-овқат, транспорт, шунингдек хизмат кўрсатувчи ходимлар ва туристларнинг ўзларига ҳам тааллуқилидир.

Қисқа туристик мавсум фақат пляжлар, минерал сувлар, қимматбаҳо туристик инфраструктура ва малакали хоимдларнинг хизматларидан қисман фойдаланишга сабаб бўлади, холос. Бу кадрларнинг қўнимсизлигини келтириб чиқаради, кўп ходимларнинг ўз малакасини оширишга қизиқишини камайтиради.

Хизмат кўрсатувчи ходимлардан йил давомида фақат бир неча ой фойдаланиш туристик товарлар хизматларнинг таннархидаги шартли-



доимий харажатларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Бу эса мослашувчан нархлар сиёсатини ўтказиш имкониятини камайтиради, туристик ташкилотнинг халқаро бозордаги ҳаракатини қийинлаштиради, унинг рақобатбардошлигини ёмонлаштиради.

Мавсумийлик дам олиш жойига борадиган йўлларда транспорт воситаларининг тўпланиб қолишига олиб келади, бундай ҳолда хизмат кўрсатиш қулайлиги ва сифати пасаяди, туризмга хизмат кўрсатувчи транспорт, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ишидаги бир маромлилик бузилади.

Ҳукумат органлари ва туристик фирмалар туризмдаги мавсумийлик омилининг салбий таъсирини камайтиришга доимий равишда куч-ғайратларини сарфлаб келадилар: ўқув юртларида имтиҳонларни топшириш муддатларининг ўзгартирилиши, таътиллар (асосий ва қўшимча) тузилишидаги ўзгаришлар, ҳақ тўланадиган таътиллардан фойдаланиш вақтига нисбатан рамиий чеклашлар, таълим олаётган ёшларнинг каникулларининг давомийлиги ва вақти.

Умуман мамлакат бўйлаб ва алоҳида туристик комплексларда туристик мавсумнинг чегараларини кенгайтириш бўйича махсус дастурлар ишлаб чиқилади ва жорий қилинади. Улар қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади<sup>11</sup>.

1. Туристик бозорни тадқиқ қилиш натижалари. Бунда асосий мавсумдан ташқари жалб қилиниши мумкин бўлган потенциал миқдорлар сони ва таркиби аниқланади (ишбилармон одамлар, пенсионерлар, махсус қизиқишга эга одамлар ва ш.к.); товарлар в хизматлар тақдим этишга оид сўровлар ўрганиб чиқилади. Олинган ахборотдан меҳмонхоналар в ресторанларнинг моддий-техника базасини ягилаш,

---

<sup>11</sup> М.М.Ирматов, И.А. Ахмедов. Туризм ривожланишини режалаштириш. Ўқув қўлланма. ТДИУ 2004 й. 132 -б

тегишли товарларни етказиб бериш, туристларга хизмат кўрсатиш сифатини ва уни ташкиллаштириш такомиллаштириш.

2. Умуман мамлакат, районлар ва туристик комплекслар бўйича йил давомида туристларни қабул қилишга тайёргарликни ошириш бўйича тадбирлар. Мавсумий даврни узайтириш бўйича барча манфаатдор ташкилотлар ўртасида мувофиқлаштиришни амалга ошириш назарда тутилади; туризм моддий-техника базаси мавсумлар оралиғида ишлашга мослаштирилади ва ҳ.к.

3. Туристларнинг мамлакатга ва алоҳида туризм районларига қизиқишини ошириш мақсадида уларни қитисодий рағбатлантириш тизими. Алоҳида товарлар ва хизматларга нархлар камайтирилади, чегирмалар қилинади, туристик ташкилотларнинг мавсум оралидаги вақтда фаоллиги учун мукофотлар, рағбатлантиришлар берилди.

4. Мавсумлар оралиғида туристларни жаб қилиш учун реклама фаолиятини кенгайтириш. Алоҳида денгиз, тоғ ва бальнеологик марказлар ва уларда йилнинг турли даврларида бўлишнинг фойдалилиги ташвиқ қилинади.

5. Мавсумдан ташқари вақтда туристларни жалб қилиш ёки қўшимча мавсум (қишки) ташкил қилиш. Турар жой ва транспортга баҳолар пасайтирилиши, арзонроқ жойлашиши объектларини кўпроқ қуриш эвазига яшаш фондини кегайтириш.

Масалан, бундай тадбирларни амалга ошириши Швейцария ва Австрия учун Альп тоғларида қишки спорт эвазига иккинчи «қизгин мавсум»ни ташкил қилиш имконини берди. БМТ маълумотларига қараганда, қишда дам олишни хоҳловчи туристлар сони ҳар етти йилдан кейин икки баробар кўпаяди.

Турли спорт мусобақалари, фестиваллар, конкурслар, кўрғазмалар, идмий конференциялар, конгресслар ва ш.к.ларни ташкил қилиш ҳам

туристик мавсумни кенгайтиришга кўмаклашади. Шунинг учун бундай тадбирларни иложи борича туристлар учун мавсум оралигида ўтказган маъқул.

Мавсумийликнинг туристик фаолиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича тадбирларни режалаштириш учун кейинги йилларда режалаштирилаётган чораларнинг натижаларини баҳолаш мақсадида турли методлар ва моделлар кенг қўлланилмоқда.

Масалан туристларнинг жойлаштириш воситаларига бўлган эҳтиёжини ҳисоблаб чиқиш учун бир ўрин-койка ва жойлашиш пунктларидаги номерларга бўлган талаб ҳисоблаб чиқилади. Ҳисоб-китоблар қуйидаги формула бўйича амалга оширилади:

1) бир ўрин-койкага бўлган ўртача йиллик талаб ( $n_1^{c.k.}$ )

$$n_1^{c.k.} = \frac{N_1 \cdot \tau_1}{\tau_r \cdot K_1},$$

бу ерда  $N_1$  – туристларнинг дам олиш жойига йиллик ўртача келиши (бир жойга бир одам ҳисобида). Ўртача статистик маълумотлар ёки башорат қилинаётган (режалаштирилаётган) маълумотлар бўйича аниқланади;

$\tau_1$  – турист дам олиш жойида бўлишининг ўртача давомийлиги (кунларда ҳисобланади);

$\tau_r$  – бир йилдаги кунлар сони ( $\tau_r = 365-366$  кун);

$K_1$  – дам олиш жойи бандлигининг ўртача йиллик коэффиценти. Ҳақиқий (ўртача статистик) ёки башорат маълумотлари бўйича аниқланади;

2) мавсум қизиган паллада бир ўрин-койкага бўлган талаб ( $n_2^{c.k.}$ )

$$n_2^{c.k.} = \frac{N_2 \cdot \tau_2}{\tau_c \cdot K_2},$$

бу ерда  $N_2$  – мавсум қизиган паллада дам олиш жойига келадиган туристларнинг умумий сони, одам ҳисобида;

$\tau_2$  – туристнинг мавсум қизиган паллада дам олиш жойида бўлиш давомийлиги, кун ҳисобида;

$\tau_c$  – мавсумнинг умумий давомийлиги, кун ҳисобида;

$K_2$  – мавсум қизиган паллада дам олиш жойининг бандлиги коэффиценти;

3) номерга бўлган ўртача йиллик талаб ( $n_1^{c.н}$ )

$$n_1^{c.н} = \frac{n_1^{c.к}}{z_1},$$

бу ерда  $z_1$  – номернинг ўртача йиллик бандлиги одам/номер;

4) мавсум қизиган паллада номерларга бўлган талаб ( $n_2^{c.н}$ )

$$n_2^{c.н} = \frac{n_2^{c.к}}{z_2},$$

бу ерда  $z_2$  – мавсум қизиган паллада номернинг бандлиги, одам/номер.

Келтирилган методикани тегишли минтақада туристларни жойлаштириш воситаларининг умумий сонини режалаштиришда қўллаш зарур. Мавсум қизиган паллада талабни ҳисоб-китоб қилиш муҳим аҳамият касб этади, чунки айнан шу вақтжойлашиш воситаларига бўлган макимал эҳтиёжларни белгилаб беради.

### **5.3. Ўзбекистон минтақаларида экологик туризм ривожланиши ҳолати**

Ўзбекистон туризми катта имкониятларга эга бўлишига қарамай, мураккаб ўтиш жараёнида бир қатор муаммоларга дуч келмоқда. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози халқаро туризм бозорига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда. Жаҳон туризми катта йўқотишлар қилиши мутахассислар томонидан башорат қилинмоқда. Республикамиз раҳбарияти қўллаётган тезкор чоралар натижасида бу

жараённинг иқтисодийтимизга таъсири сезиларли даражада химояланмоқда.

Натижада мамлакатимиз туризм индустрияси сезиларли даражада ўсишга эришмоқда. Республикамизда туристларни қабул қилиш ва уларга кўрсатилаётган хизматларни таҳлил қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳри (2006 й. 249,1 минг, 2007 й. 266,3 минг, 2008 й 282,3 минг), Самарқанд (2006 й. 78 минг, 2007 й. 82,7 минг, 2008 й 87,7 минг), Бухоро (2006 й. 62 минг, 2007 й. 65,7 минг, 2008 й. 70 минг) ва Хоразмни (2006 й. 42 минг, 2007 й. 44,5 минг, 2008 й. 47,2 минг) алоҳида таъкидлаш керак. Бу минтақалар туристларни қабул қилиш ва хизмат кўрсатишда катта тажрибага эгадир.

5.3.1.-жадвал.


Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасидан тушадиган фойдаларнинг кўрсаткичлари  
(млн. сўм ҳисобида)

Минтақалар	2006 й	2007 й	2008 й	2009 й (прогноз)	2010 й (прогноз)	Жами 2006- 2010 йй
Ўзбекистон Республикасида жами	1712	2000	2440	2976	3869	12997
Қорақалпоғистон Республикаси	1,1	1,3	1,7	2,5	3,3	9,9
Андижон	3,5	4,0	4,9	6,0	7,8	26,2
Бухоро	170,0	190,0	231,8	282,8	367,7	1242,3
Жиззах	3,6	4,2	5,0	6,1	7,9	26,8
қашқадарё	18,1	21,0	25,0	31,0	40,3	135,4
Навоий	2,4	2,8	3,0	4,0	5,0	17,2
Наманган	2,3	3,0	4,0	5,0	6,5	20,8
Самарқанд	304,0	350	420,0	504,0	651,0	2229,0
Сурхондарё	82,0	90,0	95,0	102,5	126,3	495,8
Сирдарё	0,5	0,6	0,8	1,0	2,0	4,9
Тошкент	14,1	16,2	19,8	24,5	31,8	106,4
Фарғона	18,0	21,0	23,0	25,0	26,4	113,4

Хоразм	39,0	45,0	55,0	68,02	88,5	295,5
Тошкент ш.	1053,4	1250,9	1551,0	1913,6	2504,5	8273,4

Манба: «Ўзбектуризм» МКнинг 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш дастури маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Кузатишларимизга қараганда сўнги йилларда истиқболли деб таъкидланаётган минтақалар Сурхондарё (2006 й. 20,5 минг, 2007 й. 21,1 минг, 2008 й. 21,7 минг), Қашқадарё (2006 й. 27 минг, 2007 й. 28 минг, 2008 й. 30 минг), Жиззах (2006 й. 50 минг, 2007 й. 52 минг, 2008 й. 54 минг) ва Тошкент вилояти (2006 й. 93 минг, 2007 й. 98 минг, 2008 й. 104 минг) минтақалари ҳам туристларга хизмат кўрсатишда бир қатор силжишларга эришмоқда. Бу кўрсаткичларни Республикамиз миқёсида оладиган бўлсак, қуйидаги 1-расм орқали кўришимиз мумкин.




5.3.1-расм. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасидан тушадиган фойда кўрсаткичининг 2011 йилгача башорат кўрсаткичлари, млн. сўм

Қолган минтақаларда туристларни қабул қилишнинг ривожланиб боришини қуйидаги 2-жадвал орқали ҳам кўришимиз мумкин. Бунда

юқорида кўрсатиб ўтганимиздек Тошкент шаҳридаги туристик фирмалар (2006 йилда 1053,4 млн., 2007 йилда 1250,9 млн., 2008 йилда 1551 млн сўм), Самарқанд минтақасидаги туристик фирмалар (2005 йилда 303,9 млн., 2006 йилда 304 млн., 2007 йилда 350 млн., 2008 йилда 420 млн. сўм), Бухоро минтақасидаги туристик фирмалар (2005 йилда 190,8 млн., 2006 йилда 170 млн., 2007 йилда 190 млн., 2008 йилда 231,8 млн сўм) ва қолган минтақадаги туристик фирмалар ҳам ўз фаолиятини ривожлантирмоқда.

Республикамизга келиб кетаётган саёҳатчилар сони ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Жами туристлар сони 2005 йилда 621,7 минг, 2006 йилда 659 минг, 2007 йилда 699 минг, 2008 йилда 714 минг кишини ташкил этди. Жами туристлар сонисида хорижлик туристларнинг улуши ортиб бормоқда. Уларнинг сони 2005 йилда 241,9 минг, 2006 йилда 257 минг, 2007 йилда 272 минг, 2008 йилда 288 минг кишини (2-расм) ташкил этди.



5.3.2-расм. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатилган туристлар сони ва унинг 2011 йилгача башорат қийматлари, минг киши<sup>15</sup>

Амалга оширилаётган чора-тадбирларга монанд равишда Республикамизга келаётган саёҳатчилар оқими йил сайин кўпайиб бормоқда.

Юқоридаги ютуқларга эришишнинг замирида бир қатор омиллар бўлиб, улардан қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

биринчидан, халқаро обрўга эга бўлган ва яхши реклама қилинган маршрутлар (Тошкент-Самарқанд-Бухоро-Хива) кўп йиллардан буён фаолият кўрсатиб катта тажриба тўплаган. 2006 йилда уларнинг ҳиссасига барча хорижий меҳмонларнинг асосий қисми (92 %) тўғри келади;

<sup>15</sup> «Ўзбектуризм» МКнинг 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш дастури маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди



иккинчидан, ихтисослаштирилган йўналишлар-Термиз, Қарши, Навоийга чет эл туристлари маълум мақсадлар (археология, этнография, табиат манзаралари) билан келишади. Лекин бу соҳадаги туристик маҳсулотлар оммавий тус олгани йўқ;

учинчидан, баъзи ҳудудлар, масалан, Фарғона водийси, Сирдарё ва Жиззах вилоятлари транзит йўналишлар бўлиб қолмоқда, чунки уларни оммавийлаштириш учун хали айтилган йўналишларга нисбатан анча кўп маблағ талаб қилинади.

Хорижлик ва маҳаллий туристларга кўрсатилган хизматлар ҳажмида ҳам йиллар давомида барқарор динамикага эришилиб мутасил равишда ўсиш кузатилмоқда.

Хизматлар ҳажми кўрсаткичи 2006 йилда 45755 млн., 2007 йилда 54906 млн., 2008 йилда 66985 млн сўмни, шунга мос равишда хизматлар экспорти 2005 йилда 29000 минг, 2006 йилда 42000 минг, 2007 йилда 44520 минг, 2008 йилда 47191 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистонга туристик ёки хусусий йўналиш бўйича ташриф буюрувчи шахсларнинг камида 10% ўз сайёҳатларининг экологик жиҳатлари билан қизиқади. Улар ёки табиий ҳудудлар (боғлар, тоғлар, ўрмонлар, кўллар) га ташриф буюришади, ё бўлмаса, яқинроқ қишлоқ жойларга бир кунлик экскурсия қилишади. Уларнинг камида 60 % аралаш турга эҳтиёж сезишади, хусусан, этнография билан экологияга қизиқишади<sup>16</sup>.

Демак ташкилий туристлар экологик турларга “ихтисослашишмоқда” Экологик туризмнинг умумий туризм бозоридаги аниқ ўрнини кўрсатиш қийин, албатта. Кўпинча уни бошқа туристик хизмат турларидан ажратиш ҳам қийин. Лекин туризмдаги бу янги

---

<sup>16</sup>Н.Тухлиев, Т. Абдуллаев. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. Т.,2006, стр 22

йўналиш ҳиссасининг ҳали жуда пастлиги аниқ. Бу соҳанинг нисбатан кам ўрганилганлиги ва истиқболли эканлиги уни назарий илмий таҳлил этишнинг долзарблигини кўрсатади. Бундан ташқари, уларни туроператорлар оммавий истеъмолчиларга эмас, балки шахсий буюртмалар бўйича (овчилик, гастрономия, экология, фольклор) тавсия қилишади.

Ўзбекистонда тарихий-маданий, меъморий, археологик жиҳатдан қизиқарли бўлган 7,0 мингдан ортиқ объект бор. Ана шулар хорижликларни оҳанрабодек ўзига тортади. Тадқиқотчи Б. Тўраевнинг таъкидлашича, “... улардан 545 меъморчилик, 575 тарихий, 1457 саънат ёдгорликлари, 5500 дан ортиқ объект археологик жиҳатдан кадрли ҳисобланади. Лекин туристик талабга улардан атига 140 таси жалб қилинган. Юқорида санаб ўтилган объектлардан 200 тадан ортиқроғи таъмирланмоқда, 500 таси таъмирталаб. Уларга ҳар йили катта миқдорда маблағ сарфлаш лозим бўлади. Бошқа мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, кўплаб туристлар учун ўша таъмирлаш жараёнининг ўзи ҳам қизиқарли. Шу жиҳатдан Ўзбекистондан бир неча минг археологик объектлар мавжуд. Бундан ташқари Республикамизда 300 дан ортиқ музей, 1200 халқ ижоди корхоналари бор. Туристлар ташриф буюрадиган объектлар сони Тошкентда 144, Самарқандда 118, Бухорода 221, Хивада 310 дан зиёд. Аммо маълумки, бу катта туристик солаҳиятидан фойдаланиш ҳолати жуда паст даражада”<sup>17</sup>.

Экомахсулотлардан фойдаланишнинг бошқа жиҳатлари ҳам бор. Белгиланган дастур асосида сайёҳат қиладиган шахслар яъни ташкилий туристларнинг мавжуд йўналишлар ва экологик маршрут хилларини

---

<sup>17</sup> Б.Тўраев. Туристлик фаолиятда менежмент тизимини такомиллаштириш. Диссертация автореферати. Самарқанд, 2005, 15 бет

танлаш ва улардан фойдаланиш имкониятлари чекланган. Улар фақат турда кўзда тутилган жойларни кўриш билан чекланишга мажбур.

Лекин, айти пайтда, уларга юқори савияда хизмат кўрсатилади ва хизматлар қаторида “узилишлар” бўлмайди. Ноташкилий туристлар эса ўзлари хоҳлаган жойларга борадилар, исталган маршрутни танлашлари мумкин, лекин улар хизмат кўрсатиш хиллари ва сифати жиҳатидан айрим муаммоларга дуч келадилар. Экологик ёки табиат туризмнинг бошқа туризм шаклларида фарқи энг аввало ана шу жиҳатдан намоён бўлади.

#### **5.4. Ўзбекистон минтақаларида экологик туризм ривожланиши истиқболлари**

Туризм-турли хил фаолият ва хизматларнинг мураккаб мажмуи. Улар ҳудудий ва глобал даражадаги сон-саноксиз ўзаро алоқалар билан уйғунлашиб кетади. Бу алоқалар бошқа кўплаб иқтисодий ва ижтимоий соҳаларни қамраб олади. Шунга яраша, турбизнесдаги турли секторлар ва амалда барча даражаларда кўплаб ижрочи шахслар қатнашади. Шундай қилиб, туризм соҳасидаги халқаро лойиҳаларни амалга оширишда муайян натижаларга эришиш учун туризм деб аталувчи глобал тизимнинг ўзига хос мураккабликлари ва хусусиятларини чуқур тушиниб олиш зарур бўлади.

Туризм ёрдамида муайян фойда, энг аввало, иқтисодий фойда кўришга қаратилган стратегия экологик ва ижтимоий мақсадларга эришиш учун бозор

механизмларидан фойдаланишни кўзда тутди. Ана шу жиҳатдан экотуризмнинг асосий моҳияти, яъни биринчи навбатда хусусий фирмалардан фойдаланиш кўзда тугилади. Унинг асосий мақсади ва айти пайтда фаолият юритиш шартлари рақобатбардошликни ва

иқтисодий манфаатдорликни таъминлашдан иборат. Демак, туристик бизнес билан шуғулланишни истайдиган давлат органлари, кўриқхона ҳудудлари маъмурияти, илмий жамиятлар ва аграр ҳудудлардаги лойиҳа иштирокчилари бундан хабардор бўлишлари шарт.

Халқаро лойиҳаларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, хўжалик фаолиятлари аввало табиий бойликлардан фойдаланишни меъёрга солишдан иборат бўлган кўриқхона ҳудудлари маъмурияти ва табиатни кўриқлаш бўйича мутахассислар бундай ёндошувга яъни тижоратлашувга кўникиб қолмасликлари керак. Даромад олиш ва шу йўл билан аҳоли турмуш даражасини яхшилашга уриниш аграр ҳудудларни ривожлантириш лойиҳаларида иқтисодий фойда нуқтаи назаридангина ёндошиш ҳоллари кўпроқ учрамоқда. Лойиҳаларда асосий эътибор тирикчилик воситалари билан таъминлашга шунингдек, маҳаллий бозорларга хизмат кўрсатишга қаратилади. Агар шу нуқтаи назардан ёндошилса фақат экотуризм бутунлай бошқа истиқболни кўзда тутаяди. Ана шу фаолият бўйича ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги аграр ҳудудларида ҳеч қандай хусусий барқарор модель мавжуд эмас. Шу билан бирга уларнинг ҳали шаклланиш босқичида эканликларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Бунда мамлакатнинг ўзига хос томонларини иқлими, табиати, ресурслари, миллий менталитети, моддий базаси, қонунларини ҳам кўзда тутиш зарур. Туризмга, унинг ташкилий шакли қандай бўлишидан қатъий назар иқтисодий тизим сифатида қараш лозим.


Чизмада кўриниб турибдики, ҳукумат сиёсати қонунлар асосида туристларга ҳам, қонунлар асосида имтиёзлар, рақобат муҳити, ўйин қоидалари, текширувлар орқали туристик корхоналарга ҳам фаол таъсир кўрсатади. Туристнинг хоҳишидан ва бор имконият-табиий муҳит, диққатга сазавор объектлар, иқтисодий муҳитдан келиб чиқиб, фирмалар туристик маҳсулотлар рўйхатини ишлаб чиқади ва бозорларга таклиф

этади. Давлат эса солиқ ва божхона сиёсати, кредитлар ва грантлар, мутахассислар тайёрлаш, инвестиция орқали уларни рағбатлантириб боради. Чунки ҳукумат туризмга иқтисодиётнинг муҳим соҳаларидан бири, солиқлар орқали бюджетга маблағ туширадиган ва иш билан бандликни, халқаро муносабатларни яхшилайдиган йўналишлардан бири сифатида қарайди.

Туризм соҳасини ривожлантириш кўплаб омилларга боғлиқ. Масалан, макроиқтисодий муҳит (солиқлар, рағбатлар, кредитлаш, инвестициялар, молиялаш); сиёсий муҳит (қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар, назорат органлари ва текширувлар, ҳудудлар ва тармоқларни режалаштириш, турли шахслар ва ҳудудларнинг манфаатлари); ижтимоий-маданий муҳит (мамлакат ва ҳудудда қабул қилинган анъаналар, турмуш тарзи, маданият, дин, дунёқараш, менталитет, тарих, санъат); технологик муҳит (технологиялар, техника, жиҳозлар, транспорт, жойлаштириш, энергетика, коммуникация); экологик муҳит (инсоннинг биологик муҳитга таъсирини, сув ва ер ресурсларининг муҳофазасига, атмосферанинг ифлосланишига таъсирини ҳисобга олиш). Экологик омил бошқа омиллар билан бир қаторда туризм соҳасининг муҳим омиллари жумласига киради (1-шартли чизмага қаранг).

5.4.1-Чизма

Туризмнинг иқтисодий тизими



Экотуризмни ривожлантиришда маҳаллий халқ ёки бирон бир муайян манфаатдор гуруҳнинг ўзаро ҳамкорлиги мақсадга мувофиқ

(оптимально) нисбатда бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан, энг аввало, иқтисодий ва ижтимоий иштирокни ёки ҳамкорликни фарқлаб олиш керак. Сиёсий иштирок ёки ҳамкорлик деганда туризмни ривожлантириш соҳасида, экологик туризм бўйича кўриқхона ҳудудларига доир халқаро (кўшма) қарорлар қабул қилишда иштирок этиш тушунилади. Шу мақсадда кўриқхона ҳудудларининг маҳаллий маслаҳат кенгашлари, экотуризмни ривожлантириш ҳайъатларини тузиш ва уларнинг фаолиятини жонлантириш лозим.

Иқтисодий иштирок деганда экотуризмдан иқтисодий самара олишда қатнашиш тушунилади. Бу маҳаллий аҳоли туристик бизнесда мустақил қатнашиши шарт дегани эмас. Иқтисодий иштирок бошқача тарзда амалга оширилиши ҳам мумкин. Масалан, табиатдан баҳраманд бўлганлик ёки коммунал объектлардан фойдаланганлик учун компенсация сифатида кўриқхона ҳудуди маъмурияти ҳисобига экотуризмдан тушган даромаддан улуш ўтказиб туриш, фойдаланиш ҳуқуқини маҳаллий бошқарув органларидан чет эл туристик компанияларига олиб бериш ёки ижарага бериш, озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, ҳунармандчилик буюмлари билан таъминлаш, мустақил тадбиркорлик фаолиятида қатнашиш, профессионал туристик компаниялари билан ҳамкорликда кўшма корхонлар тузиш ва бошқалар назарда тутилади.

Экологик туризм даромад келтириши, бандликни яхшилаш ва шу йўллар орқали маҳаллий аҳолининг турмуш даражасини яхшилашдан ташқари табиатни муҳофаза қилиш мақсадларини ҳам эътиборга олиши лозим. Экологик туризмга таъсир этадиган қуйидаги омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Экологик тоза ювиш воситаларидан фойдаланиш, сув ва энергияни тежаш, ички тартибнинг маҳаллий структурага мослигини таъминлаш, экологик тоза қурилиш

материлларини қўллаш, маиший, маҳаллий маҳсулотлар билан бевосита таъминлаш, чиқиндиларни камайтириш чораларини қўллаш, мавсумий озиқ-овқат маҳсулотларини консервациялаш ва иккиламчи ишлатиш, биологик усулларда етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш, экологик мослашган таклифлар бериш, муҳофазадаги ўсимликлар ва хайвонларни кўрсатиш, билим ва эстетик жиҳатдан қизиқарли табиат манзараларини таклиф қилиш, меҳмонлар учун табиатни муҳофаза қилиш мусобақаларини ўтказиш лозим.

Бундан ташқари меҳмонхона, кемпинг ва спорт иншоотларини лойиҳалашда экологик омиллар таъсирини ҳисобга олиш, велосипедлар ва от-улов ижарасини ташкил этиш, гольф майдони ва бошқа спорт объектлари қуришда ландшафтларни асраш, қирғоқ майдонини муҳофаза қилиш, меъморчиликни турар жой манзилига мослаш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш, чекка жойларда автобекатлар қуриш, шаҳардан ташқари жамоат транспорти йўлларини қуриш ва таъмирлашни режалаштиришда экологияни ҳисобга олиш ва бошқаларни ҳам назардан четда қолдириш мумкин эмас.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. Экологик туризмни ривожлантириш учун республикамиздаги имкониятларни айтиб беринг.
2. Ўзбекистоннинг бой ўсимлик ва хайвонот олами ҳақида тушунча беринг.
3. Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ҳақида тушунча беринг.
4. Ўзбекистон Республикаси Халқаро Экологик кенгашга қачон аъзо бўлиб кирган.
5. Экологик мониторинг нима.
6. Экологик стандартлар ва нормативлар ҳақида тушунча беринг.



7. Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришда мавсумий режалаштиришнинг аҳамиятини тушунтириб беринг.
8. Ўзбекистон минтақаларида экологик туризм ривожланиши ҳолати ҳақида тушунча беринг.
9. Нима учун экотуризмни ривожлантиришда маҳаллий халқ ёки бирон бир муайян манфаатдор гуруҳнинг ўзаро ҳамкорлиги мақсадга мувофиқ (оптимал) нисбатда бўлиши лозим.
10. Иқтисодий иштирок деганда экотуризмда нима тушунилади.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 63-85 б.
2. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 415 стр.
3. Бердиёров Б. Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмати бозоридаги ўрни. Номзодлик диссертацияси. –С.: СамИСИ. 2010 й. 76-89 б.
4. Wright, L.T. and Crimp, M. The Marketing Research Process. 5<sup>th</sup> ed., Financial Times/Prentice-Hall, 2002. – p.123-129.
5. Норчаев А.Н. Экотуризм. //Ж: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2. 2004.- 45-46 б.
6. [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация

## **VI боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ МАҲАЛЛИЙ УЮШМА (БИРЛАШМА) ДАРАЖАСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ**

- 6.1. Маҳаллий уюшма (бирлашма)ларни тузиш асослари.
- 6.2. Маҳаллий уюшмаларнинг фаолиятини ташкил этишда халқаро тажриба.
- 6.3. Маҳаллий уюшмаларнинг экологик туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти.

### **6.1. Маҳаллий уюшма (бирлашма)ларни тузиш асослари**

Экотуризмнинг маҳаллий уюшма даражаси деган тушунча маҳаллий халқнинг экотуризмни турмахсулотлар, хизматлар, билимлар ва фаолият турлари билан қўллаб-қувватлаб туришни англатади. Европа мамлакатлари ва АҚШда маҳаллий уюшмалар (Community-Based Development) негизидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тушунчаси XX асрнинг 50-йиллари бошидан истеъмолга кириб келди. Ўша пайтларда қишлоқ ҳудудларида одамларни жойлаштиришга жамоат секторида жой этишмаслиги туфайли маҳаллий аҳолининг кўмагига мўрожаат қилишга тўғри келган эди. Ўтган асрнинг 80-йиллари ўрталарига келиб бу амалиётни туристлик фаолиятга ҳам қўллаб бошланди, чунки кишиларнинг сифатли хизматга эҳтиёжлари кучайди.

Ҳозирги кунга келиб маҳаллий уюшмаларга асосланган туризмнинг кўпгина таърифлари мавжуд. Жаҳон табиат фонди (the world-wide Fund for Nature WWF) туризмни ташкил этишнинг бу шаклини қуйидагича таърифлайди: “Маҳаллий уюшмаларга асосланган туризм (CBT-Community-based tourism) туризмнинг шундай шаклики, унда туризм устидан асосий назорат, унинг ривожланиши уни бошқаришга жалб қилинган маҳаллий уюшмага тегишли бўлади,

даромаднинг катта қисми эса уюшмада қолади”<sup>24</sup>. Маҳаллий уюшма тарақиётига бағишлаб Нью-Йоркда ўтказилган саммитда уни “маҳаллий даражада бошқариладиган ва амалга ошириладиган, маҳаллий аҳолини ўқитадиган ва унинг ҳаётини қадриятларини ҳурмат қиладиган жараён” деб таърифланади<sup>25</sup>. Маҳаллий уюшма хусусий сектор, маҳаллий маъмурият доирасида изчил ҳамкорликни кўзда тутиб, маҳаллий уюшманинг яхлитлигини бузмаган ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланган ҳолда туризмдан фойда кўришга қаратилади.

“The Community Tourism Cerude” қўлланмасида маҳаллий уюшмага асосланган туризмга бундай таъриф берилди: “Ривожланаётган мамлакатларда маҳаллий уюшмани айниқса, туб аҳолини, қишлоқ аҳолисини жалб қиладиган, уларга маслаҳат берадиган ва фойда келтирадиган туризм”. Шу қўлланмада “маҳаллий уюшма” (Community) тушунчасига ҳам таъриф берилди - “бир-бирини ўзаро қўллаб-қувватлайдиган, географик жиҳатдан йиғмоқ, худди қишлоқ жамоаси ёки қабиласи каби ижтимоий бирлик, шаҳарларга мослаштирилган ғарбий нуқтаи назардан бу тушунчадан манфаатлари умумий бўлган этник қардошлик”<sup>26</sup>.

Ўзбекистон шароитида маҳаллий уюшмалар асосида туризмни ривожлантириш фуқороларнинг ўзини-ўзи бошқариш шакли ҳисобланган “маҳалла” тушунчаси билан идеал тарзда уйғунлашади. “Маҳалла”-ўзбек этносининг ажойиб намунаси бўлиб, қишлоқ ҳаётининг патриархал хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради, қишлоқ аҳолиси бир-бирини яхши билади, байрамларни биргаликда нишонлашади, ғам-ташвишларини ўртоқлашишади. “Маҳалла” тушунчаси билан “ҳашар” тушунчаси уйғунлашиб кетган. Ўз ихтиёри билан ва кўни-кўшничилик

---

<sup>24</sup> The Community Tourism Summit, May 13-15, 2003 Pocantico, New York, www. BEST. Org.

<sup>25</sup> Уша манба. May 13-15, 2003 Pocantico, New York, www. BEST. Org.

<sup>26</sup> Уша манба. May 13-15, 2003 Pocantico, New York, www. BEST. Org.

юзасидан биргалашиб уйлар қуришади, тўйлар ўтказишади, вафот қилганларни охириги йўлга кузатишади. Маҳаллага мансублик кишига куч бағишлайди, кундалик ҳаёт муаммолари ва ташвишларини енгишда унга кўмаклашади<sup>27</sup>.

Маҳаллий уюшмаларга асосланган туризм-жамият қўллаб-қувватлайдиган туризм. У айнан шу ерда бошланади ҳамда деярли ҳар доим маҳаллий ва туб аҳоли томонидан бошқарилади. Уюшмаларнинг раҳбарияти уюшманинг манфаати шахсий манфаатларидан устун эканлигини ўз ходимларига таъкидланиб, уюшма ичидаги бошқарувни кучли назорат остига олиб туради ва анъанавий маданиятнинг ривожланишига, атроф муҳитнинг сақланишига ҳамда ердан маъсулиятли фойдаланишга қулай шароит яратади. Маҳаллий уюшмаларга асосланган туризм сайёҳларга маҳаллий уюшмаларнинг ўзига хос жиҳатларини бевосита синаш ва ҳис қилишга имкон туғдиради. Шуниси ҳам муҳимки, бундай ёндошув уларнинг сустр ривожланишига муқобил омил бўлиб, қишлоқдаги ночор кишиларнинг қўшимча даромад манбаини ҳосил қилади. Маҳаллий уюшмаларга асосланган туризмни қўллаб-қувватлаш орқали маҳаллий аҳолининг кундалик ҳаёти билан яқиндан танишилади, ҳамда уларга ўз муҳитлари ва маданий меросларини сақлаб қолишларига кўмаклашилади. Шу вақтнинг ўзида бой маданиятга эга ва ранг-баранг табиатли ҳудудда мароқли дам олиш ўтказилади, маҳаллий аҳоли ҳаётини таг-томиридан билиб олинади.

Маҳаллий уюшмалар фаолиятини ташкил этишда кооперация тажрибаси ва қоидаларидан фойдаланиш ҳам катта аҳамиятга эга. Кооперациялар ўзига ишониш, оқилона бошқариш, адолат ва очиқ-ойдинлик каби қадриятларнинг ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Кооперациялар концепцияси (уюшиш ғояси) очиқ-ойдинлик, ҳалоллик ва

---

<sup>27</sup> Из высказываний политолога Артура Файнберга, Ташкент, 2000, 15 мая. с.134

ижтимоий маъсулият каби ахлоқий кадриятларга асосланади. Кооперациялар ўзларининг умумий ижтимоий, иқтисодий ва маданий эҳтиёжларини қондириш учун ихтиёрий равишда бирлашувчи шахслар гуруҳи томонидан тузилади. Кооперация шу жамоа аъзоларига тегишли бўлади ва улар томонидан демократик асосда бошқарилади. Кооперация фаолиятида барча аъзоларнинг фаол иштирок этиши уларнинг ижтимоий, ирқий, сиёсий, жинсий ёки диний мансубликларидан қатъий назар кафолатланади. Ҳиндистоннинг турли ҳудудларидаги кўпчилик ривожланган кооператив ташкилотлар қашшоқлик билан кун кечираётган аҳолининг иқтисодий шароитларини яхшилаш борасидаги ўз имкониятларини намойиш қиладилар.

Маҳаллий уюшмалар асосидаги туризмнинг асосий тамойиллари;

- Маҳаллий ташаббус, режалаштириш ва эгалик қилиш;
- Маҳаллий уюшмаларнинг ижтимоий иқтисодий ривожланиши;
- Маданий ва табиий ресурсларни асраш.

Бундан ташқари, агар кооперация ўз иш фаолиятини ривожлантириб, ўзининг барча аъзолари фаровонлиги учун етарлича маблағ билан таъминлашга интилса, шу кооперация ҳудудидаги туризм бозори профессионал даражага эришади. Бироқ, шу билан бирга ҳар доим кооперация маҳаллий табиий ресурслардан манфаатдор бўлиши ҳамда икки томонга ҳам фойдали тарзда уларни асраш чораларини кўриш лозим.

Маҳаллий уюшмаларга асосланган туризм “маҳаллий бошқариладиган ва амалга ошириладиган маҳаллий аҳолини ўргатадиган ва уюшма кадриятларини ҳурмат қиладиган жараён. У уюшма ва хусусий сектор манфаатларини ҳисобга олиб тузилган бўлиб, унинг

яхлитлигини бузмаган ва маҳаллий ресурсларга салбий таъсир қилмаган ҳолда шу уюшмага фойда келтиради”<sup>28</sup>.

Маҳаллий уюшмаларга асосланган туризм деганда бир ёки бир неча уюшмага тегишли бўлган ёки хусусий сектор ва уюшманинг қўшма тадбиркорлик шериклиги томонидан бошқариладиган, ўз ҳаёти сифатини яхшилаш учун иқтисодий ва бошқа муносиб усулда табиий ресурслардан фойдаланадиган ташаббускор туризм тушинилади.

Маҳаллий уюшмаларга асосланган туризм лойиҳаларининг тижорат туристик операторларини ўз ичига олган кўп вариантлари мавжуд. Бизнинг фикримизча маҳаллий уюшмаларга асосланган туризмнинг барча лойиҳалари маҳаллий аҳолига фойданинг адолатли улушини қайтариши ва туризмни бошқариш сиёсати билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда овоз бериш ҳуқуқини бериши лозим.

Маҳаллий уюшмаларга асосланган туризм куйидаги талабларга жавоб бериши зарур:

- маҳаллий уюшмаларнинг розилиги билан ва уларни жалб қилган ҳолда бошқарилиши лозим;
- фойданинг адолатли улушини маҳаллий уюшмага қайтариб бериши зарур. Энг идеал ҳолатда бу ижтимоий лойиҳалар (соғлиқни сақлаш, мактаблар ва ҳоказо) ни ҳам ўз ичига олади;
- айрим шахсларга нисбатан уюшманинг манфаатларини устунроқ қўйиши зарур;
- атроф-муҳитни асраш ва тиклаш ишлари билан шуғулланиши керак (ҳудудни оқилони бошқариш ва асраш учун бундай лойиҳаларга маҳаллий аҳоли ҳам жалб қилиниши лозим);
- маҳаллий аҳолининг анъаналари, урф-одатлари, маданияти ва ижтимоий удумларини ҳурмат қилиши зарур;

---

<sup>28</sup> WWW. Sustainable Tourism Directory-Community-based Tourism. htm.

- ғарбий туристларнинг маҳаллий аҳоли ҳаёт тарзига салбий таъсирининг (кийиниш, ичиш, чекиш) олдини олишнинг яхши йўлга қўйилган механизмига эга бўлиши лозим;
- туристларнинг кичик-кичик гуруҳларини танлаш ва тузиш керак. Акс ҳолда маҳаллий маданият ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатилиши мумкин;
- саёҳат олдидан туристларга ўзларини қандай тутишлари тўғрисида тегишли йўл-йўриқлар берилиши керак;
- маҳаллий аҳолини уларнинг урф-одатларига мос бўлмаган маросимларни ижро этишга мажбур қилмаслик лозим;
- агар маҳаллий аҳоли туризмни ташкил қилишда қатнашишни истамаса, уларни мажбур қилмаслик зарур.

## **6.2. Маҳаллий уюшмаларнинг фаолиятини ташкил этишда халқаро тажриба**

Кениядаги Масаи Мара миллий боғи маҳаллий Масаи қабиласининг манфаатларини ҳисобга олиб ташкил қилинган, ривожланаётган мамлакатлар ичидаги биринчи боғлардан бўлиб қолди. Бу боғ кўпроқ миллий боғ эмас, балки Масаи қабиласи одамларига ов қилишга рухсат берилган резерват (қўриқхона) ҳисобланади. Қўриқхонада туристлар учун очиқ бўлган кичкинагина Масаи қишлоғи жойлашган<sup>29</sup>.

Намибия ва Угандада маҳаллий уюшмалар Nacobta (the Namibia Community Based Tourism Association) ва UCOTA (the Uganda Community Tourism Association) га асосланган туризм ассоциациялари бор. Иккала

---

<sup>29</sup> Бочкарёва Т.В. Экотурзм: анализ существующего международного опыта. - М.: 2003

ассоциация ўз структураси жиҳатидан бир-бирига ўхшайди ва маҳаллий уюшмалар ташаббусига таянади. НАСОВТА ва ИСОТА нинг мақсади қамбағал маҳаллий аҳолининг молиявий даромадларини кўпайтириш, маҳаллий уюшмани етакчи индустрияга жадалроқ интеграциялаш йўли билан сегментнинг фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштиришдир. Бу ассоциациялар кўйидаги уч даражада фаолият юритади:

- маҳаллий сектор маҳаллий ушмаларга асосланган туризмда якка тадбиркорларга (community-based tourism enterprises-СВТЕ) ўқитиш молиялаш, техник жиҳозлаш ва маркетинг шаклидаги кўмакни таъминлайди;

- хусусий сектор-маҳаллий уюшма тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга хусусий секторни жалб қилади, ҳамда (фақат НАСОВТА) хусусий сектор билан маҳаллий уюшма орасида шерикликни ривожлантиради;

- Сиёсий сектор-маҳаллий уюшмани қўллаб-қувватлайдиган сиёсий ислохотларга кўмаклашади ва камчил гуруҳларига овоз бериш ҳукуқини беради.

Чет эллар тажрибасидан кўриниб турибдики маҳаллий аҳолини жалб қилган ҳолда туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий оқил ва экологик тўғри стратегияси маҳаллий аҳолининг фақат табиий эмас, балки ижтимоий маданий ҳаёт тарзини, анъанавий туризм ва ҳўжалик фаолияти хусусиятлари, хунарманчилигини сақлаб қолишга, маданий ландшафтни барқарор ривожлантиришга ёрдам беради. Оқибатда аҳолининг сони барқарорлашади, ёшлар туғилиб ўсган жойларидан кетишга интирмайди, ҳудуднинг иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирок этади.



### 6.3. Маҳаллий уюшмаларнинг экологик туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти

Туристлик фаолиятида маҳаллий аҳолининг иштирок этиши ва бу фаолиятдан даромад олиши уларга табиатни муҳофаза қилиш, ўз маданияти, кўп асрлик анъаналарни асраш, ўз тарихини чуқурок билиш учун иқтисодий рағбат яратади, маҳаллий аҳолининг маданий тафаккурини оширади, чунки халқ ўз маданиятига қизиқади, унинг ютуқларига ҳисса қўшгиси келади. Натижада туристлар ва маҳаллий аҳолининг бир-бирини маданий бойитиш жараёни боради (жадвалга қаранг).

#### 6.3.1.-жадвал

Туризм маҳаллий уюшмаларининг ўзига хос хусусиятлари ва мезонлари

<p><u>Ижтимоий</u> маҳаллий омилларни жалб қилиш</p>	<p>Режалаштириш даражаси, мансаби ва ҳоказолардан қатъий назар барча иштирокчилар жалб қилинади; Жойларда ўқитиш ва тренинглар ўтказиш имконияти таъминланади; Маҳаллий анъаналар ва анъанавий воситалар қўллаб-қувватланади; Ижтимоий яхлитликка кўмаклашади; Маҳаллий уюшмада ғурур ва ўз қадрини билиш ҳисси оширилади; Шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутнинг камайтирилиши индивидуал ривожланишга ёрдам беради; Маҳаллий маданият ва анъаналарнинг қадри оширилади.</p>
<p><u>Экологик</u> ресурслар баъзасини қўриқлаш</p>	<p>Табиий ресурсларни барқарор истеъмол қилиш; Фойдаланиладиган ресурсларнинг турли-туманлиги; Атроф муҳитга минимал таъсир кўрсатиш; Маҳаллий аҳоли фаолиятини ривожлантириш ва бошқариш жараёнига жалб қилиб, табиатни муҳофаза қилиш; Ресурслардан тежамли фойдаланиш.</p>
<p><u>Иқтисодий</u> маҳаллий</p>	<p>Инфраструктурани яхшилашга олиб келади; Янги иш ўринлари ташкил қилинади ва янги хўжалик</p>

тадбиркорлик ва иш билан таъминлаш имконияти	фаолиятига имкон туғилади; Хўжалик фаолиятининг мавжуд барқарор турлари алмаштирилмайди; Турли секторлар орасида иқтисодий муносабатлар ўрнатилади; Молиявий мустақилликка эришилади; Олдиндан мўлжалланган бозор маҳсулотлари ва сервис билан таъминланади; Мувазанатлашган ривожланишга ҳисса қўшилади.
<u>Маҳаллий</u> туристик маҳсулотни яхшилаш маркетинг ва миллий йўналишни кучайтириш	Вақтни кўнгилли ўтказиш ва сервисни яхшилаш йўли билан ташриф буюрувчиларни кўпайтириш; Анъанавий туризм билан янги алоқалар ўрнатилади; Мамлакат ва ҳудудда бошқа шунга ўхшаш ташаббуслар билан алоқалар ўрнатилади; Янги маркетинг ғоялари ва таклифларни жорий қилиш йўли билан туристик маҳсулот диверсификацияланади.

Манба: [www. Santaluchia. org](http://www.Santaluchia.org).

Яна бир муҳим омил-бу туристларнинг хавфсизлигини таъминлашдир. Туризм Хартиясида шундай сўзлар бор: “Транзит ва вақтинчалик бўлинадиган жойларда маҳаллий аҳолига туристларни иложи борича инсоний ва ижтимоий муносабатларни ривожлантириш учун зарур бўлган меҳмондўстлик, ҳушмуомилалик ва ҳурмат билан қабул қилиш, олдини олиш ва ҳимоя тадбирлари билан ташриф буюрувчилар ва уларнинг буюмлари хавфсизлигини таъминлаш, яхши гигиена шароити яратиб бериш ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдаланишга имкон яратиш, шунингдек, юқумли касалликлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш тавсия қилинади<sup>30</sup>”.

Бошқа бир халқаро ҳужжат-“Турист кодекси” да шундай таъкидланади; “Мўлжалланган жойларга ва туристлар учун қизиқарли айрим ҳудудларга етиб келгач, шунингдек, бутун транзит ва вақтинчалик

<sup>30</sup> Жаҳон Туристик Ташкилоти Бош ассамблеясининг 1985 йил 22 сентябрдаги VI сессияси I қарори билан маъқулланган.

бўлиш мобайнида туристлар ўз манфаатлари учун кўйидаги маълумотларга эга бўлишлари лозим;

а) уларнинг саёхатлари ва вақтинчалик ташрифлари мобайнида расмий туристик ташкилотлари ва туристик хизмати кўрсатувчилар тамонидан яратиб бериладиган шароитлар ва имкониятлар туғрисида ҳаққоний, аниқ ва тўлиқ ахборотлар;

б) шахсий хавфсизлик, ўз мулкининг хавфсизлиги, шунингдек, истеъмолчи сифатида ўз ҳуқуқларнинг ҳимояланиши;

в) тегишли ижтимоий гигиена шарт-шароитлари (айниқса, жойлаштириш, жамоат овқатланиш муассалари ва транспортда); юқумли касалликлар ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш чоралари, шунингдек, соғлиқни сақлаш хизматларидан ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиш мумкинлиги туғрисидаги ахборотлар;

г) мамлакат ичида ва ташқи олам билан тезкор ва самарали жамоат алоқасидан фойдаланиш;

д) туристларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган маъмурий ва юридик тадбирлар ва кафолатлар;

е) ўз динига эътиқод қилиш имконияти ва бунинг учун тегишли шарт-шароитлар мавжудлиги<sup>31</sup>.

Кўпчилик туристлар ўз кундалик ҳаётларида ҳам, чет элларга қиладиган сафарларида ҳам маълум даражадаги хавфсизликга ўрганишган. Шунинг учун маҳаллий ахборот бюролари, малакали гидлар, карталар ва бошқа ахборот воситалари уларда хавф туйғусини пасайтирадиган омиллар ҳисобланади. Бахтсиз ҳодисалар ва касалликлар билан курашиш учун тиббий ёрдам тизимини кўзда тутиш, жиноят содир этиш мумкин бўлган ҳолларда эса туристнинг ҳаёти ва мулкига нисбатан

---

<sup>31</sup> Глобальный этический кодекс туризма. г.Сантьяго, Чили, 1 октября 1999 года.

ҳар қандай тажаввузнинг олдини оладиган самарали маъмурий тадбирларни йўлга қўйиш лозим.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда алоҳида қўриқланадиган табиий ҳудудлар ва табиий объектлар, турли вазирликлар, идоралар ва маҳаллий маъмуриятлар тасарруфида ҳисобланади. Бу ҳол туристик нуқтаи назариядан баъзи ноқулайликларни келтириб чиқаради, чунки ресурслардан фойдаланиш ва уларни асраш шарт-шароитлари турлича ёндошувларни шакллантиради.

Кўриниб турибдики Ўзбекистондаги алоҳида қўриқланадиган 26 та ҳудуд 5 та маҳкамага бўйсунди. Албатта бундай ҳолат уларга нисбатан ягона сиёсатни ўтказишни қийинлаштиради. Ҳар бир маҳкама ўз ҳудудига ўз манфаат ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда раҳбарлик қилади, бошқаради.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. Экологик туризмни ривожлантиришда маҳаллий уюшма (бирлашма)ларни тузиш деганда нимани тушунасиш.
2. Маҳаллий уюшмаларга асосланган туризмнинг қандай таърифлари мавжуд.
3. Маҳаллий уюшмаларга асосланган туризм деганда нимани тушунасиш.
4. Маҳаллий уюшмалар фаолиятини ташкил этишда кооперациядан қандай фойдаланилади.
5. Намибия ва Угандада қандай маҳаллий уюшмаларга асосланган туризм ассоциациялари бор.
6. Туристлар ва маҳаллий аҳолининг бир-бирини маданий бойитиш жараёни қандай амалга оширилади.
7. Ўзбекистондаги алоҳида қўриқланадиган 26 та ҳудуд қайси маҳкамаларга бўйсунди.

8. Хусусий сектор-махаллий уюшма тадбиркорлигини кўллаб-қувватлашга кимларни жалб этади.
9. Чет эллар тажрибасида маҳаллий аҳолини жалб қилиш механизми қандай йўлга қўйилган.
10. Маҳаллий уюшмаларнинг экологик туризмни ривожлантиришдаги аҳамиятини яна қандай ўйналишларда кўриш мумкин.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Сенин В.С. Организация международного туризма. -М.: Финансы и статистика. 2004. – 347-389 с.
2. Hospitality, Tourism and heisure Management: Issues in Streegy and Culture. London, 2003. –р.69-78.
- 3.Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 415 стр.
4. Бердиёров Б. Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмати бозоридаги ўрни. Номзодлик диссертацияси. –С.: СамИСИ. 2010 й. 76-89 б.
5. Норчаев А.Н. Экотуризм. //Ж: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2. 2004.- 45-46 б.
6. [www.interunion.ru](http://www.interunion.ru) – туристские ассоциации

## **VII бoб. МИЛЛИЙ ПАРКЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ РИВОЖЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ**

7.1. Ўзбекистондаги миллий парklar ва унинг экологик туризм ривожланишидаги аҳамияти.

7.2. Жаҳондаги йирик миллий парklar ва уларнинг туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти.

7.3. АҚШ миллий парklarининг экотуризмдаги ўрни.

7.4. Канада миллий парklarининг экотуризмни ривожлантиришдаги аҳамияти.

### **7.1. Ўзбекистондаги миллий парklar ва унинг экологик туризм ривожланишидаги аҳамияти**

Ўзбекистонда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 20520 кв.км, ёки республикамиз ҳудудининг 5,2 % ташкил этади. Бунинг таркибида 6061 кв. км. майдонни ташкил этган 2 та миллий боғ ҳам бор.

#### **Давлат миллий парклари**

	Расмий номи, ташкил этилган йили	Жойлашган манзили
1.	Зомин халқ парки (1976)	Жиззах, Зомин тум.
2.	Угом-Чотқол табиий миллий парки (1990)	Тошкент вилояти. Бўстонлик, Паркент, Оҳангарон тумани.

Бу миллий парklarда наёб ҳисобланган ўсимликлар ва ҳайвонлар муҳофаза қилинади. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларнинг нодир ва тугаб бораётган турларини сақлаб қолиш, сонини кўпайтиришда халқ парklarининг аҳамияти каттадир. Давлатимиз томонидан миллий парklarни ривожлантириш ва табиатдан оқилона фойдаланиш бўйича қўшни давлатлар дорасида ҳам кўп икки томонлама

келишувлар имзоланган. Уларга Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон билан имзоланган шартномалар мисол бўлади. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари билан уч томонлама шартнома ҳам имзоланган. Бунга асосан ҳамкорликда табиатдан мақсадли равишда фойдаланишга келишиб олинган. Бу каби келишувлар туристларга экологик йўналишда хизмат сифатини оширишда ва туристлар алмашинувини йўлга қўйишда хизмат қилади.

## **7.2. Жаҳондаги йирик миллий парклар ва уларнинг туризмни ривожлантиришдаги аҳамияти**

1916 йил АҚШ Конгреси томонидан, табиатни муҳофазалаш, табиатнинг бундай мўжизаларини келажак авлодга қандай бўлса шундайлигича асраш, бу гўзалликлардан келажак авлодни баҳраманд қилиш мақсадида миллий парклар хизмати ташкил этилган.

Миллий парклар хизмати дунёга машҳур Йеллоустон ва Йосемит паркларидан ташқари бошқа миллий паркларни ҳамда кўплаб тарихий аҳамиятга эга бўлган иншоотларни ҳам назорат қилади;

Бостондаги Озодлик сўқмоғи, Филоделфиядаги Мустақиллик Зали, Гавайидаги Аризона кемасига бағишланган мемориал, кўплаб маданият ёдгорликлари, археологик қазилмалар, елканли кемалар, Колониал даври кийимлари, фуқаролар уруши даври ҳужжатлари ва шунга ўхшаш кўплаб тарихий ёдгорликларни парк хизмати ўз ҳимоясига олган.

Парк хизмати Арктика тундраларидан тортиб Маржон қояларигача бўлган экотизимларни, ҳавони ва истеъмол қилинадиган сув ресурсларини ҳам ўз назоратига олган. У иқлим ўзгаришлари ва биологик ўзгаришлар бўйича ҳам халқаро лойиҳаларда иштирок этади.

Канадада ва эҳтимол бутун дунёдаги энг катта парк Канаданинг Шимолий Ғарбий ҳудуди Алберта прованциясида жойлашган Вуд

баффало миллий парки ҳисобланади. Бу миллий парк 4 миллион 480 минг гектар ерни ташкил этади ва унда дунёдаги энг йирик ёввойи бизон подалари яшайди. Бу парк табиат қўриқхонаси сифатида муҳофаза қилинади, туристларнинг оммавий равишда саёҳатларга боришлари тақиқланади. Бундан ташқари дунёга машхур бўлган Жаспер, Ку – тене, Йохова Ревелсток миллий парклари бир неча маҳаллий парklar ва қўриқхоналар манзарали тоғ чўққиларига (Британия Колумбияси ва Алберта провинциялари) тутшиб кетган. Бу миллий парklarга поездларда (Канада Тинч Океан темир йўли), Автомашиналарда (Тронсканада шоссеси), шунингдек, маҳаллий авиакомпанияси хизматларидан фойдаланиб саёҳатчилар ташриф буюрадилар.

### **7.3. АҚШ миллий парklarининг экотуризмдаги ўрни**

Америка Қўшма Штатларида 367 та миллий парklar бўлиб, улар мамлакатнинг барча бурчакларида барпо этилган, булар жой ва ландшафтнинг бутун мўжизаларини ўзида акс эттирган.

Америкаликлар, «Бизнинг миллий парklarимиз каби табиий мўжизалар, мутлақо демократик америкача ҳаёт» дунёнинг ҳеч бир бурчагида йўқ, мамлакат бутун бойликлари билан халқниқидир, деган асосий шиорга таянадилар. Ўта гўзал табиат мўжизалари, табиий ландшафтларни сақлаш ва асраш, уларнинг асосий мақсади, буларни кўриб инсонлар завқлансин ва лаззатлансин, лекин Американинг бундай ноёб табиий бойликлари инсон шафқатсизлиги билан топталмасин деган ғояга амал қиладилар.

Кейинги йигирма йил мобайнида тизимга яна учта қўриқхоналар қўшилди. Миллий парklarнинг янги турлари – шаҳар дам олиш ҳудудлари, дарё бўйи қўриқхоналари, сайёҳлик қўриқхоналари, тарихий жойлар парк хизмати ҳимоясига олинди.



Тарихий жойлар ва кўриқхоналар тизимларига кирувчи 367 та худуд 80 миллион акр ерни эгаллайди. Турли миллий паркларнинг ўлчамлари ҳам турлича. Масалан: Врангелдаги миллий парк ва Аляскадаги Муқаддас Эляс парклари 13 миллион акр ерни эгаллаган бўлса, Тадеуш Костюшко миллий меъморали атиги 0,2 акр ерни эгаллаган.

Америка миллий паркларига ҳар йили 273 миллион саёҳатчилар ташриф буюриб, ундаги бутун гўзалликлар, табиат мўжизаларини кўриб завқланадилар ва у ердаги хизматлар ва дастурлардан тўла – тўқис фойдаланадилар. Ҳозирги кунда кўп йиллар муқаддам парк хизмати ўз олдига қўйган вазифалари ўзгариб бормоқда, чунки ҳозирги кунга келиб ҳар бир парkning ўзига хос бўлган экотизимини сақлаб қолиш, ноёб йўқолиб бораётган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб қолиш ва ҳимояга олиш вазифалари ўта муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

#### **7.4. Канада миллий паркларининг экотуризмни ривожлантиришдаги аҳамияти**

Канадада 29 та миллий парклар ва 20 дан зиёд миллий тарихий парклар ҳамда табиий мўжизаларга бой бўлган манзиллар мавжуд. Энг гўзал тоғ юксакликлари худудида жойлашган Банф миллий паркига 1885 йилда асос солинган ва бу Канадада биринчи миллий парк тизими бўлиб ҳисобланар эди.

Канада давлати миллий парклар тўғрисидаги қонунда «Миллий парклар Канада халқи учун – Канада халқининг дам олиши ва кўнгили очиши ҳамда табиат мўжизаларидан завқ олиши учун бунёд этилган ва улар келгуси авлодларга илк гўзаллигини сақлаган ҳолда етказиб берилиши шарт», деб ёзилган, бу қонунга ҳозирги кунга қадар Канада халқи амал қилиб келади.

Канада миллий паркларида сайёҳлик хизматлари бугунги кун талаби даражасида ривожланган, кўплаб Швейцария услубидаги шалелар, чанги клублари, курортлар, спорт марказлари, хушманзара жойларда алоҳида дам олиш уйлари мавжуд. Канада ҳукумати иккинчи жаҳон урушидан кейин дам олиш ва кўнгил очиш ишлари билан жиддий равишда шуғуллана бошлади. Булар, саёҳат, туризм, спорт ва фаол дам олиш, санъат ва маданият соҳалари бўйича, ушбу йўналишларнинг ҳар бирида давлат томонидан таъсис этилган агентликлар бутун масъулиятни зиммаларига олган ҳолда фаолият олиб бордилар. Улар бир – бирларига ёрдам кўрсатадилар ва бир – бирлари билан маълум бир мажбуриятлар асосида иш олиб бордилар.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. Ўзбекистондаги миллий парklar ва унинг экологик туризм ривожланишидаги аҳамиятини очиб беринг.
2. Ўзбекистондаги мавжуд миллий парklarнинг туризм ривожланишидаги ўрни қандай.
3. Табиатдан фойдаланиш бўйича тузилган шартномаларнинг экологик туризмни ривожлантиришдаги аҳамиятини тушунтиринг.
4. Жаҳондаги йирик миллий парklar ва уларнинг туризмни ривожлантиришдаги аҳамиятини очиб беринг.
5. Миллий парklarни ривожлантириш йўналишларини айтиб беринг.
6. Нима учун АҚШ дунёда миллий парklar сони кўплиги билан ажралиб туради.
7. АҚШ миллий парklarининг экотуризмдаги ўрнини аниқланг.
8. АҚШда арк хизматини ташкил этишдан асосий мақсад нима.
9. Канада миллий парklarининг экотуризмни ривожлантиришдаги аҳамиятини тушунтиринг.

10. Канада миллий парклари ривожланиши йўналишларини аниқланг.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. -2010. –63-85 б.
2. Юрьев А.П. Планирование туризма. Учебное пособие. -Донецк.: 2004. –34-67 с.
3. Здоров А.Б. Экономика туризма. Учебное пособие. -М.: Финансы и статистика, 2004. – 88-126 с.
4. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 415 стр.
5. Бердиёров Б. Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмати бозоридаги ўрни. Номзодлик диссертацияси. –С.: СамИСИ. 2010 й. 76-89 б.
6. [www.wttc.org](http://www.wttc.org) – Всемирный Совет по путешествиям и туризму

## **VIII боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ ЙЎНАЛИШИДА МАРШРУТЛАР ТУЗИШ АСОСЛАРИ**

- 8.1. Туристтик маршрутлар ҳақида тушунча.
- 8.2. Туристтик маршрутларнинг турлари
- 8.3. Угом-Чотқол экотуристтик зонаси бўйича маршрут тузиш.
- 8.4. Жиззах экоҳудуди бўйича маршрутлар тузиш.

### **8.1. Туристтик маршрутлар ҳақида тушунча**

Маршрутлар, турлар, экскурсия дастурларини шакллантириш, асосий, қўшимча ва йўлдош хизматлар кўрсатиш туристик хизмат кўрсатиш технологиясини ташкил этади, яъни бу туристик хизматга бўлган эҳтиёжни қондириш учун муайян туристик маҳсулотни шакллантириш демак.

Маршрут – бу:

- саёҳат пайтида турист ташриф буюрадиган барча жўғрофий жойлар белгиланган, маршрутда тўхташ жойлари ўртасида ҳаракатланиш учун турист фойдаланадиган транспорт турлари кўрсатилган ҳаракат йўналиши;
- турист ўзига белгиланган хизматлар кўрсатиш дастурига мувофиқ маълум вақт мобайнида ҳаракатланувчи олдиндан режалаштирилган трасса;
- муайян ҳудудга ва алоҳида объектларга боғланган, турли даражадаги муфассаллик билан тавсифланган ва график тарзида ифодаланган сафар, саёҳат трассаси.

Туристтик маршрутлар – туристларга кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турларидан бири. Туристтик ташкилотлар маршрутларни олдиндан ишлаб чиқади, уларга маълум хизматлар (овқатланиш, яшаш,

экскурсиялар, спорт ва дам олиш тадбирлари, туристларни транспортда ташиш ва б.) комплексини киритади ва шу тариқа туристик маршрутларни шакллантиради. Бироқ, сафар жойини аниқламасдан туриб туристик маршрутни сотиш мумкин эмас. Маршрут тузилганидан кейин хизматлар кўрсатувчи корхоналар билан шартномалар тузилади. «Хизматлар кўрсатиш занжири» ҳосил бўлиши учун уларни муайян муддатларга боғлаш лозим. Мана шу «хизматлар кўрсатиш занжири» туризмда тур деб аталади.

Туристтик маршрут ёки саёҳатнинг қисқача тавсифи – кроки (расмлар, хариталар, схемалар, объектларнинг матнли тавсифи). Саёҳатчи фаолиятининг моҳияти - саёҳат ҳақидаги қайдлар – саёҳат жараёнида келгусида хотира сифатида ёки мазкур маршрутни такрорлашда қўлланма тарзида фойдаланиш учун ёки шу маршрут бўйлаб саёҳат қиладиган ёки мазкур объектларга ташриф буюрадиган бошқа туристлар ва саёҳатчилар учун тузилган туристик маршрут ёки саёҳатнинг қисқача тавсифи.

Саёҳат бошланган ва якунланган жойлар маршрутнинг дастлабки ва охири нуқтаси ҳисобланади. Маршрутнинг боши – туристга шартномада назарда тутилган биринчи туристик хизмат кўрсатиладиган жой. Маршрутнинг охири – туристга охири туристик хизмат кўрсатиладиган жой.

## **8.2. Туристтик маршрутларнинг турлари**

Туристтик маршрутлар турли белгиларга кўра таснифланади.

1. Турларига кўра қуйидаги маршрутлар фарқланади:

- тематик маршрутлар – дастурида экскурсия хизматлари кўрсатиш ва муайян мавзуда маърифий машғулотлар ўтказиш (музейларга кириш,

халқ байрамларида иштирок этиш, тил ўрганиш ва ҳ.к.) асосий ўринни эгаллаган турлар;

- курорт-соғломлаштириш маршрутлари – дастурида дам олиш ва соғломлаштириш тадбирлари (курортда даволаш, профилактик даволаш, денгиз бўйида дам олиш, фитопроцедуралар ва ҳ.к.) асосий ўринни эгаллаган турлар;

- спорт маршрутлари – дастурида спорт тадбирлари ёки фаол ҳаракатланиш усуллари (сафарлар ва сайрлар, тоғ чанғисида учиш, велотурлар, рафтинг, саргузаштли экспедициялар ва б.) асосий ўринни эгаллаган турлар;

- аралаш маршрутлар – хизмат кўрсатиш дастуридан юқорида зикр этилган барча маршрутларнинг унсурлари ўрин олган маршрутлар.

2. Мавсумийлик жиҳатидан қуйидаги маршрутлар фарқланади:

- йил бўйи ўтказиладиган маршрутлар – йиллик иш графигига эга бўлган туристик маршрутларнинг барча турлари;

- мавсумий маршрутлар – йилнинг маълум фаслида ўтказиладиган маршрутлар (чанғи, сув, тоғ маршрутлари ва ҳ.к.). Масалан, дарё бўйлаб теплоходдаги турлар фақат навигация даврида ўтказилиши мумкин.

3. Трасса тузилишига кўра чизикли, ҳалқали, радиал ва аралаш маршрутлар фарқланади. Чунончи:

- чизикли маршрут – боши ва охири турли жўғрофий пунктларда жойлашган ҳаракат йўналиши. Масалан: Москва – Санкт-Петербург.

**Б → ОП-1 → ОП-2 → О**

Кўпинча турист белгиланган жойга етиб келгач, бир меҳмонхонада яшайди, бир ҳудуд доирасида экскурсияга ва бошқа сафарларга чиқади. Бундай маршрут ҳар куни юқини йиғиш ва чамадонлар ёки рюкзакларга

жойлаштиришни, меҳмонхонама-меҳмонхона кўчиб юришни ёқтирмайдиган туристлар учун қулай;

- Ҳалқали маршрут – боши ва охири бир жўғрофий пунктда жойлашган, маршрутда бир неча пунктларда тўхташ мўлжалланган ҳаракат йўналиши. Масалан: «Россия олтин ҳалқаси» (Москва – Сергиев Посад – Ростов Ярославский – Ярославль – Иваново – Суздаль – Владимир – Москва).


**Б          ОП-1                  ОП-2                  ОП-3                  О**

- Радиал маршрут – боши ва охири бир жўғрофий пунктда жойлашган (стационар), унда яшаб туриб, турист бошқа пунктларга сафар қиладиган ва саёҳатни бошлаган жойга қайтиб келадиган ҳаракат йўналиши.

**ОП-1                  Б                  ОП-2                  О                  ОП-3**

Мисол учун: Туристлар Мисрдаги Хургада курортга ташриф буюради ва икки кундан кейин Қоҳира ва Гизага икки кунлик сафарга йўл олади. Шу икки кунлик экскурсия даврида туристларнинг Хургададаги меҳмонхонада эгаллаган ўрни сақланиб қолади.

- Аралаш маршрут – чизиқли, ҳалқали ва радиал маршрутларни муайян тарзда ўзида мужассамлаштирган ҳаракат йўналиши.



(Б – маршрутнинг боши, О – маршрут охири, ОП-1 – ОП-4 – маршрутда тўхталадиган оралиқ пунктлар).

Ҳалқали маршрутда мамлакатга ташриф буюриш жойи ёки ҳудуд:

- ўзгармас бўлиши, яъни мамлакат бўйлаб саёҳат бир жойда бошланиши ва айти шу жойда якунланиши;

- алоҳида бўлиши, яъни бир жойда бошланиб, бошқа жойда якунланиши (кроссинг-тур) мумкин.

4. Давомийлигига кўра қуйидаги маршрутлар фарқланади:

- кўп кунлик (14-30 кунлик) маршрутлар;
- бир неча кунлик (1-3 кунлик) маршрутлар – дам олиш кунларида ташкил этиладиган маршрутлар;

- бир неча соатлик маршрутлар (экскурсиялар).

5. Маршрутдаги транспорт турига кўра:

- туристик фирманинг ўз транспортидаги маршрутлар – туристик фирма ёки компаниянинг транспорт хўжаликлари ихтиёридаги транспортда ўтказиладиган турлар;

- бошқа ташкилотлардан ижарага олинган (фрахт қилинган) транспортдаги маршрутлар – туристик ташкилотлар (шартномага кўра) тур муддатига ёки хизмат кўрсатиш мавсумига ижарага олиб фойдаланаётган транспортда ўтказиладиган турлар. Ижарага олинган махсус транспорт воситалари сифатида туристик ташкилотлар денгиз ва дарё теплоходларидан, туристик-экскурсион поездларнинг махсус таркиблари, автобуслардан фойдаланади;

- туристик шахсий транспортидаги маршрутлар – автоҳаваскорлар (шахсий автомашина эгалари) учун махсус ишлаб чиқилган якка тартибдаги ёки группавий турлар. Бунда туристларга маршрут давомида барча хизматлар (автокемпингларда яшаш, овқатланиш, экскурсиялар, дам олиш, автомобилни таъмирлаш ва б.) кўрсатилади;



• умумий фойдаланиладиган транспортдаги маршрутлар – туристларни йўловчи ҳуқуқида ташишга мўлжалланган графикли йўловчи транспортда ўтказиладиган турлар. Умумий фойдаланиладиган транспортга график бўйича қатнайдиغان поездлар, йўловчи ташийдиган самолётлар, теплоходлар, автобуслар киради.

6. Ҳаракатланиш усулларига кўра:

- автобустаги маршрутлар;
- теплоходдаги маршрутлар (денгиз, дарё маршрутлари);
- авиация маршрутлари;
- темир йўл маршрутлари;
- аралаш маршрутлар фарқланади.

7. Маршрут мазмунига кўра:

- табиат кўйида дам олиш;
- денгиз бўйида дам олиш;
- тоғда дам олиш;
- дам олиш ва балиқ ови фарқланади.

### **8.3. Угом-Чотқол экотуристтик зонаси бўйича маршрут тузиш**

Туристтик саёҳат дастури – маршрутдаги тўхташ жойларида бўлиш, меҳмонхонада яшаш, туристик аҳамиятга молик жойларга уларни томоша қилиш (экскурсия) мақсадида ташриф буюриш, овқатланиш, шунингдек маршрут дастурида назарда тутилган транспорт воситалари ёрдамида маршрут бўйлаб ҳаракатланиш саналари ва вақтлари кўрсатилган тадбирлар режаси. Саёҳат дастури (намунавий ёки индивидуал) саёҳатчига сотилган ва шартномада белгиланган туристик хизматларни амалга ошириш режаси ҳисобланади. Қўшимча хизматлар туристларга бевосита улар яшаётган жойда саёҳатчининг жавобгарлиги остида алоҳида ҳақ эвазига кўрсатилиши мумкин.

Тур – аниқ белгиланган муддатда муайян туристик маршрут бўйлаб якка тартибла группавий сафар. Тур сотишга мўлжалланган туристик маҳсулотнинг дастлабки бирлиги ҳисобланади. Тур - туроператор маҳсулоти. Масалан:

### **Тошкент – Чимён – Тошкент маршрутини тузиш**

**Экотуристтик маршрут:** Турист Тошкентдан микроавтобусда жўнатилади ва қайтиб келади: Чимёнда «Чимган» меҳмонхонасига уч кун муддатга жойлаштирилади; экскурсиялар – тоғ бўйлаб, Чотқол тоғ-ўрмон биосфера кўриқхонасига, Угом-Чатқол миллий паркига ва маҳаллий аҳолининг хаёт тарзи билан танишиш. Овқатланиш – уч маҳал меҳмонхона кафесига ва экомаршрут бўйлаб. Экотуристтик маршрутнинг муддати – уч кун.

**Экотур:** Тошкентдан жўнаш – 1 майда микроавтобусда соат 18.00 да.

Чимёнга етиб келиш – 1 майда соат 20.00 да.

1-кун – «Чимган» меҳмонхонасига жойлашиш, меҳмонхона ресторанида тушлик, Чимёндаги спорт-соғломлаштириш комплеклари бўйлаб саёҳат ва спорт мусобақаларида қатнашиш. Меҳмонхонада кечки овқат.

2-кун – меҳмонхонада нонушта, Чотқол тоғ-ўрмон биосфера кўриқхонаси бўйлаб сайр. Бутун кун давомида, тушлик – кўриқхона территориясида, кечки овқат – меҳмонхонада.

3-кун - меҳмонхонада нонушта, Угом-Чатқол миллий паркига экскурсия, меҳмонхонада тушлик, бўш вақт (аҳолининг хаёт тарзи билан танишиш).

Чимёндан жўнаб кетиш – микроавтобусда соат 20.00 да.

Бирок, қабул қилувчи турператор учун мазкур тур икки кунлик ҳисобланади, чунки туристларни қабул қилиш тунашлар сонига қараб ҳисобланади.

Шу йўсинда шакллантирилган тур пакетли тур (package tour) деб аталади. Пакетли тур – саёҳатда индивидуал ёки группавий режага кўра кўрсатиладиган хизматлар комплекси. Ушбу комплекс кенг сотувга қўйилади ва унга, транспортдан ташқари, жойлаштириш, гид хизматлари, овқатланиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш киради. Унга шунингдек саёҳат мақсади ва турига қараб хизматларнинг ҳар хил тўплами киритилиши ҳам мумкин. Ушбу мисол бу экологик, экскурсион-маърифий тур эканлигини кўрсатади. Унга экскурсиларнинг муайян миқдори киритилади. Аммо курорт тури пакетига фақат жойлаштириш ва нонушта (минимум бўйича) киритилиши мумкин. Агар у маълум тўпланда сотилаётган бўлса, бу пакетли тур ҳисобланади.

Баъзан турист учун ностандарт хизматлар тўпламини ўз ичига олган махсус экомаршрут ишлаб чиқилади. Бу индивидуал экотур ҳисобланади.

Махсус транспорт турлари ҳам мавжуд. Транспорт воситасидан бутун маршрут бўйлаб доимий ҳаракатланиш воситаси сифатида, айрим ҳолларда эса – жойлаштириш, овқатланиш ва бошқа хизматлардан фойдаланиш воситаси сифатида фойдаланиладиган турлар транспорт турлари деб аталади.

#### **8.4. Жиззах экохудуди бўйича маршрутлар тузиш**

Якка тартибдаги туристлар учун ҳам, гуруҳлар учун ҳам чет эл туристик фирмасининг ёки туристларнинг буюртмасига биноан экотурни

ишлаб чиқиш. Бундай ҳолларда туристик ташкилотлар туристик фирмалардан буюртмаларни қабул қилиб олишда танланган маршрут бўйлаб туристларни транспортда ташиш ва уларга комплекс хизмат кўрсатишни таъминлаш бўйича ўз имкониятларини аниқлайди. Бундай имкониятлар бўлган тақдирда улар зарур бронлаштиришни амалга оширади ва буюртма берган фирмага тур қабул қилинганини тасдиқлайди. Кўпинча фирмаларнинг буюртмаларига кўра айтиб берилган турдан кетма-кет келадиган бир неча гуруҳларни қабул қилиш учун фойдаланилади. Бундай ҳолларда туристик ташкилотларнинг роли пассив бўлмаслиги керак. Фирмаларнинг буюртмаларини кўриб чиқишда маршрутни яхшилаш юзасидан қарши таклифлар билан чиқиш, комплекс хизматлар кўрсатиш таркибини қизиқарли экскурсиялар ва бошқа хизматлар билан тўлдириш тавсия этилади.

2. Ўзбекистон Республикаси ва МДҲ мамлакатларининг туристик ташкилотлари ташаббусига кўра турлар ишлаб чиқиш. Бунда таклиф қилинаётган шаҳарларга ташриф буюришга чет эллик туристлар орасида талаблар мавжудлиги ва мазкур шаҳарлар меҳмонхона базасининг сиғими асосий шартлар ҳисобланади. Бизнинг туристик ташкилотларимиз ташаббуси билан қуйидаги турлар ишлаб чиқилиши мумкин:

- чет эллик туристларнинг якка тартибдаги сафарлари учун мўлжалланган турлар. Бу одатдаги стандарт турлар якка тартибдаги туристлар орасида машҳур бўлган маршрутлар бўйлаб ташкил этилади. Якка тартибдаги туристларни кўпроқ жалб қилиш учун стандарт турларда уларга маълум имтиёзлар берилиши мумкин. Туристлик фирмалар томонидан таклиф қилувчи “stop ouver” ёки “Карт бланк” турлари шулар жумласидан;

-чет эллик якка туристлар гуруҳлар таркибида (арзонроқ нархларда) сафар қилиши учун мўлжалланган турлар. Бундай гуруҳлар маршрутдаги биринчи хизмат кўрсатиш пунктида шакллантирилади. Бу стандарт маршрутларга эга бўлган, бошланиш ва якунланиш саналари қайд этилган турлардир. Бундай турлар бошқа мамлакатларнинг туристларига ва ҳар қандай хорижий фирмаларга очик. Ягона чеклаш – ҳар бир гуруҳдаги ўринлар квотаси (30 кишигача) ва экскурсиялар ўтказиладиган тилни билиш. Қайд этилган санали турлардан чет эл туристик фирмаларидан белгиланган миқдор доирасида алоҳида гуруҳларни қабул қилиш учун ҳам фойдаланилиши мумкин;

- меҳмонхона базасидан ва транспорт воситаларидан янада самарали фойдаланиш, шунингдек чет эллик туристлар саёҳатларининг географиясини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг туристик ташкилотларида СЕТ-турлар (тармоқ графиклари бўйича) ва блок-турлар ишлаб чиқишга катта эътибор берилади. Бундай турларда муайян минтақаларнинг туристик марказлари бир неча стандарт маршрутлари билан боғланади, туристларни ташиш учун транспорт воситаларининг турлари белгиланади ва дастурларда асосий экскурсия тадбирлари – “тур дурдоналари” қайд этилади. Чет эл туристик фирмаларига СЕТ-турлар ва блок-турларнинг умумий рўйхатидан исталган маъқул вариантни танлаб олиш, маршрут бўйлаб муайян шаҳарларда бўлиш саналарини келишиш ва муддатларни узайтириш, қайд этилган санали қўшимча турларни киритиш имконияти берилади. Туристик ташкилотларнинг ташаббусига кўра СЕТ-турлар ва блок-турлар ташкил этиш уларнинг туристик маҳсулот яратиш борасидаги фаолиятининг анча юксак шаклидир. Бу иш мукамал касбий билимларни, катта тажрибани тақозо этади ва фақат туристик

хизматларга бўлган талабни ва туристик хизматларнинг истеъмол хоссаларини чуқур таҳлил қилиш асосида қўлланилиши мумкин.

Шундай қилиб, муайян экотуристтик маршрутларни ишлаб чиқиш қуйидагиларни тақозо этади:

- меҳмонхона базасининг ҳамда корхоналари маршрут бўйлаб йўловчи ташиш воситалари тўғрисида тузилган битимларга асосан тақдим этувчи бўш ўринларнинг мавжудлиги, тегишли ташкилотлар тузилган битимларга асосан тақдим этувчи транспорт воситаларида бўш ўринларнинг мавжудлиги ҳақидаги ахборотга тўлиқ эга бўлиш ва улардан фойдалана билиш;

-экотуристтик намойиш объектлари (табиий музейлар, кўриқхоналар ва заказниклар) ҳақида, уларнинг иш вақти тўғрисида ахборотга тўлиқ эга бўлиш.

Фирмадан группавий турни бронлаштиришга буюртма (масалан, 45 кишига, Тошкент – Жиззах –Зомин- Тошкент маршрути бўйича) олинган ҳолда қуйидаги ҳолатларга аниқлик киритиш лозим:

-ҳар бир шаҳарда бўлиш санаси ва муддатлари, мисол учун: Тошкент – 1-5 июль, Жиззахда – 5-8 июль, Зоминда – 8-11 июль, Тошкент – 11-12 июль). Мазкур саналарга мувофиқ туристик фирма меҳмонхоналарда зарур ўринлар мавжудлигини аниқлаши ва уларни бронлаштириши шарт;

-маршрут бўйлаб транспортда ташиш турлари (мисол учун, гуруҳ самолётда Тошкентга учиб келиши ва сўнгра бутун маршрут бўйлаб микроавтобусда сафар қилиши).

Туристларнинг ташриф буюриш ва жўнаб кетиш вақтига ва кўрсатилган рейсларга мувофиқ (маршрут бўйлаб) шаҳарларда меҳмонхона номерларини бронлаштириш саналари ва вақти аниқлаб олинади. Бунда меҳмонхонада амал қилувчи ҳисоблаш соати (12 соат)

ҳисобга олинади. Фирма 5.07 га ўтар кечаси Тошкентдан Жиззахга олиб борадиган транспортни буюртма қилиши мумкин. Бу ҳолда Жиззахдаги меҳмонхонани бронлаштириш санаси 5.07 дан 6.07 га ўзгартирилади. Туристларни маршрут бўйлаб ташишнинг бошқа вариантлари ҳам бўлиши мумкин. Бунда ҳар қандай маршрутни бажаришнинг бош шартини меҳмонхона ўринларини ва ташиш воситаларини тегишли тарзда бронлаштириш билан таъминлаш ҳисобланади.

#### 8.4.1-жадвал

Туроператорлар томонидан экотуристтик маршрутни баҳолаш ҳисоби  
(Тошкент –Жиззах-Зомин-Тошкент экотуристтик маршрути бўйича)

№	Экотурга киритилган хизматлар	Хизматлар қиймати	Жами
1.	Меҳмонхонада жойлаштириш, ваннали ёки душли номерларда	20000 сўм х 8 сутка	160000
2.	2 маҳал овқатланиш (нонушта, кечки овқат)	10000 сўм х 8 сутка	80000
3.	Трансферлар (учрашувлар ва кузатишлар, жами 4 марта)	Автобусни ижарага олиш 25000 сўм / соат х 4 соат 100000 сўм : 20 киши = 5000 сўм. Багажни ташиш – 1000 сўм. Жами: (5000 сўм + 1000 сўм) х 4 марта = 24000 сўм	24000
4.	Экскурсия хизматлари кўрсатиш (автобусда гид-таржимон билан 4 экскурсия)	Экскурсия хизматлари кўрсатиш (автобусда гид-таржимон билан 4 экскурсия)	8000
5.	Тошкент – Жиззах маршрути бўйича темир йўл чиптаси билан таъминлаш (фирма поезда, купе вағони)	25000 сўм	
6.	Гуруҳнинг режадан ташқари кузатувчисини қабул қилиш	Меҳмонхона – 16000 Овқатланиш – 8000 сўм т/й чиптаси – 2000 сўм	1300

		Жами: 26000 сўм : 20 киши = 1300	
7.	Ўз кузатувчисига харажатлар	Жиззахдаги меҳмонхона 20000 сўм х 4 кун = 80000 сўм Жиззахда овқатланиш 5000 сўм х 4 кун = 20000 сўм Йўлкира Тошкент-Жиззах – Зомин- Тошкент 20000 сўм х 2 дона = 40000 сўм	
8.	ЖАМИ		273300
9.	Операцион харажатлар (ижара, меҳнат ҳақи, алоқа, реклама) ва режалаштирилган даромад, жами 20% миқдорида		20000
10	Жами		293300

Экскурсион маршрутларни ишлаб чиқишда муқобил таклифлар катта аҳамиятга эга. Масалан, туристик ташкилот маршрут бўйлаб шаҳарлардан бирортасида ҳам меҳмонхона ўринларини топа олмаслигига ишонч ҳосил қилган бўлса, у фирмага рад жавоби бермаслиги керак. Нима бўлганда ҳам муқобил вариантни танлаш ва фирмага таклиф қилиш лозим.

Ўша Тошкент –Жиззах – Зомин – Тошкент маршрутини олайлик ва 5.07 дан 8.07 гача Жиззахда бўш ўринлар йўқ деб фараз қилайлик. Бу ҳолда фирмага бир неча вариантни таклиф қилиш мумкин:

-муддати ўзгартирилган маршрут. Бунда туристлар Жиззахга у ерда бўш ўринлар бўлган саналарда ташриф буюради;

-Жиззах ўрнига бошқа шаҳарларга сафар қилишни назарда тутувчи муқобил маршрут.



Бу ҳолда бундай ўзгартиришлар нафақат меҳмонхона ўринларининг мавжудлиги, балки қизиқарли экскурсия дастури билан ҳам таъминланиши лозим.

Зарур транспорт воситаларини бронлаштиришда қийинчилик туғилган ҳолда муқобил вариантларни қидириш, масалан, эрталабки рейсни кечки рейсга алмаштириш ёки темир йўлда ташишни автобусда ташишга алмаштириш керак.

Шаҳарларни ўзгартириш ҳаракатлари натижасида чет эл фирмаси ўзи билан келишилган маршрутни тасдиқлайди. Бунда бутун экскурсион маршрут бўйлаб сафарнинг бошидан охирига қадар меҳмонхона ўринлари ва транспортда ташишнинг бронлаштирилиши таъминланади.

### **Тошкент – Зомин – Тошкент маршрутини тузиш**

**Экотуристтик маршрут:** Турист Тошкентдан микроавтобусда жўнатилади ва қайтиб келади: Зоминда «Ўрикли» дам олиш зонасидаги меҳмонхоналарга икки кун муддатга жойлаштирилади; экскурсиялар – тоғ бўйлаб, Зомин тоғ-арча кўрикхонасига, Зомин миллий паркига ва маҳаллий аҳолининг хаёт тарзи билан танишиш. Овқатланиш – уч маҳал меҳмонхона кафесида ва экомаршрут бўйлаб. Экотуристтик маршрутнинг муддати – икки кун.

**Экотур:** Тошкентдан жўнаш – 1-июлда микроавтобусда соат 18.00 да.

Чимёнга етиб келиш – 1 июлда соат 22.00 да.

1-кун – Эрталаб «Ўрикли» меҳмонхонасида нонушта, Зомин тоғ-арча кўрикхонасига сайр. Бутун кун давомида, тушлик – кўрикхона территориясида, кечки овқат – меҳмонхонада.

2-кун - меҳмонхонада нонушта, Зомин миллий паркига экскурсия, меҳмонхонада тушлик, бўш вақт (аҳолининг хаёт тарзи билан танишиш).

Зоминдан жўнаб кетиш – микроавтобусда соат 20.00 да.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. Туристтик маршрут нима.
2. Туристтик маршрутлар ҳақида тушунча беринг.
3. Маршрутлар асосан кимлар томонидан тузилади.
4. Туристтик маршрутларнинг турларини санаб беринг.
5. Тематик маршрутлар қандай тузилади.
6. Угом-Чотқол экотуристтик зонаси бўйича янги маршрут тузинг.
7. Чизиқли маршрут тузишда нималарга эътибор қаратилади.
8. Жиззах экохудуди бўйича янги маршрутлар тузинг.
9. Муайян экотуристтик маршрутларни ишлаб чиқиш нималарни тақозо этади.
10. Экскурсион маршрутларни ишлаб чиқишда нималар асосий вазифани бажаради.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. –Тошкент: Иқтисодиёт. -2010. –63-85 б.
2. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 415 стр.

3. Бердиёров Б. Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмати бозоридаги ўрни. Номзодлик диссертацияси. –С.: СамИСИ. 2010 й. 76-89 б.
4. Wright, L.T. and Crimp, M. The Marketing Research Process. 5<sup>th</sup> ed., Financial Times/Prentice-Hall, 2002. – p.123-129.
5. Норчаев А.Н. Экотуризм. //Ж: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2. 2004.- 45-46 б.
6. [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация.

## **IX боб. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМ ЙЎНАЛИШДА ТАШРИФ БУЮРГАН ТУРИСТЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ҲАЖМИНИ АНИҚЛАШ**

9.1. Туристларнинг экологик туризмга бўлган талаб ва таклифини аниқлаш.

9.2. Қўриқхоналарнинг туристларни қабул қилиш сиғимини аниқлаш.

9.3. Экологик ресурсларни реклама қилиш самарадорлигини аниқлаш

9.4. Кўрсатилган хизматларнинг самарадорлигини аниқлаш

### **9.1. Туристларнинг экологик туризмга бўлган талаб ва таклифини аниқлаш**

Ҳозирги вақтда биргаликда ҳаракат қилишни йўлга қўядиган нодавлат ташкилотлари ёки тузилмалари мавжуд эмас. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, бизнес-сектор ёки нодавлат ташкилотлари давлат билан ҳамкорликда Угам-Чотқол табиий боғи бўйича туризм рекламаси ва маркетингни ташкил қилишлари лозим.

Шуни айтиш керакки, ҳозирча маркетинг тадқиқотлари туристик фирмалар даражасида олиб борилмоқда. Улар туристларни Угам-Чотқол табиий миллий табиий боғ майдонида жойлашган дам олиш уйлари ва пансионатларда уюшган ҳолда дам олишга дават қилишмоқда. Ўз балансларида болаларни соғломлаштириш лагерлари, пансионатлар, дам олиш уйлари мавжуд бўлган касаба ташкилотлари ва идораларнинг режа бўлимлари ҳам тадқиқотлар ўтказмоқда. “Чимён-Белдорсой”, “Чорвоқ Оромгоҳи” меҳмонхоналарининг маркетинг бўлимлари ҳам ўз меҳмонхоналари ва туристик хизматларга бўлган талабни ўрганишлари лозим.

Самарали туристик маҳсулотни ва маркетинг стратегиясини ривожлантириш учун тўлиқ ва ишончли ахборотлар мавжуд бўлиши жуда муҳим. Шунинг учун туристик бозордаги ҳақиқий аҳволни ва салоҳиятни билиш жуда зарур.

Шу муносабат билан қўйидаги вазифалар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади:

Биринчидан, ташриф буюрувчиларни рўйхатга олиш. Маҳаллий уюшманинг барча провайдерлари меҳмонларни (статик ва юридик мақсадларда) рўйхатга олишлари ва уларга баҳолаш варағини тўлдиришни таклиф қилишлари лозим. Қўриқхона ва музейга ташриф буюрган туристлар рўйхатдан ўтишлари ва база ахборотномасини тўлдиришлари (исми-шарифи, ёши, миллати, бу ерда бўлиш муддати ва ҳ.к.) зарур.

Иккинчидан ташриф буюрувчилар билан сўровнома ўтказиш. Ташриф буюрувчиларни рўйхатга олишдан ташқари уларнинг тажрибаларини чуқурроқ баҳолаш учун улар билан жиддийроқ сўровномалар ўтказиш ва бу ишни мунтазам бажариш лозим. Бундай сўровномаларни ташкилий равишда маҳаллий уюшма провайдерлари томонидан ҳамда қўриқхонага кириш олдидан шу ҳудудга келган туроператорлар орқали ўтказиш тавсия қилинади. ЗТШСБ лойиҳасини амалга ошириш пайтида туристларга сўровномалар тарқатилади ва улар тўлдириб берганларидан кейин ўрганиб чиқилади. Брошюра ва хариталар тарзидаги мукамал ва аниқ реклама ва ахборот материаллари босиб чиқариш жуда муҳим ҳисобланади. Ҳар бир ташриф буюрувчига қўриқхонада бўлиш қоидалари, нормалари ва ҳ.к. тўғрисида маълумот бериш уларнинг шу ҳудуднинг барча афзалликларидан унумли фойдаланишларига, уларнинг ташрифини бойитишга ва табиатга салбий таъсирни камайтиришга ёрдам беради.

Бизга маълумки ҳар қандай туристик саёҳатлар олдиндан тузилган турпакет ёки режа асосида амалга оширилади. Шунинг учун статистикада уларни сигментлар бўйича ҳисоблаш имкониятини яратади. Зомин миллий кўриқхонасида туристларга хизмат кўрсатиш сиғимини аниқлаш ва унинг келажакдаги имкониятларини прогнозлашда бир қатор факторлардан фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ бўлади. Унда биринчи бўлиб қуйидаги кўрсаткични оламиз – ташкиллаштирилган туризм коэффиценти, у ҳудудга туристик марказга умумий ташриф буюрган сайёҳлар ичида туроператорлар билан, касаба уюшмалари йўлланмаси орқали, яъни режалаштирилган ташриф бўйича келувчилар сонини ифодалайди. У қуйидагича аниқланади:

$$Korgtour = \frac{Norgtour}{Nalltour} \times 100\% ,$$

бу ерда:

$Korgtour$  – ташкиллаштирилган туризм коэффиценти;

$Norgtour$  – ваучер ёки йўлланма билан келган туристлар сони;

$Nalltour$  – мазкур ҳудудга келган жами туристлар сони.

Айтайлик, Зомин туманига 2008 йил ёзида 438 минг киши ташриф буюришди, улардан 120 минг киши корхоналарнинг, турфирмалар ва касаба уюшмаларининг йўлланмалари орқали болалар соғломлаштириш оромгоҳларида, пансионатларида, турбаза ва меҳмонхоналарда дам олишди. Бу ҳолда:  $120/438 \times 100\% = 27,3\%$ , яъни жами ташрифларнинг 27% дан кўпроғи ташкиллаштирилган эди.

Навбатдаги кўрсаткич – ташрифлар интенсивлиги индикатори, у экологик нозик ҳудудларда туристларнинг ташриф буюриши мумкин бўлган қиймати сонини ифодалайди:

$$I_{int\ viz} = \frac{N_{toyr}}{T_{viz}} ,$$

бу ерда:

$I_{intuir}$  - ташрифлар интенсивлиги индикатори;  
 $N_{tour}$  - кўриқхонага ташриф буюргани туристлар сони;  
 $T_{vir}$  – ушбу ҳудудда ташриф буюргани учун мумкин бўлган вақт.

Мисол келтирамиз, Зомин кўриқхонасига бир кунда 110 киши ташриф буюради. Ташриф буюриш учун мумкин бўлган вақт эса кундузи, яъни 16 соат. Шундай қилиб,  $110/16=6,8$  эга бўламиз. Бу дегани, кўриқхонада 1 соатда 7 киши мавжуд бўлади. (максимал кўрсаткич куриқхона маъмурияти томонидан белгиланади).

## **9.2. Кўриқхоналарнинг туристларни қабул қилиш сиғимини аниқлаш**

Ўрта кунлик харажатлар индикатори бизга маълум 1 мамлакатлар ҳудудга ташриф буюрган сайёҳнинг турмаҳсулот истеъмоли учун валютадаги (миллий ёки маҳаллий) сарф харажати кўрсатади:

$$I^s_{rt} = \frac{O_r \times N_{tour}}{T^s},$$

бу ерда:

$I^s_{rt}$  - Ўрта кунлик харажатлар индикатори;

$O_r$  - туристнинг сафар билан боғлиқ (йўлкира, яшаш, экскурсия, овқатланиш) сарфхаражатлари ҳажми;

$N_{tour}$  – маҳсулот истеъмол қилган туристлар сони;

$T^s$  – саёхат кунлари.

Фараз қилайлик, Зомин туманига экотуризм мақсадида Россиядан 2000 та сайёҳ келди ва уларнинг ҳар бири мамлакатда етти кун бўлганида, 1250 АҚШ доллардан харажат қилишди. У ҳолда кунига:  $2000 \times 1250/7 = \$257142$  га тўғри келади. Яъни хорижий сайёҳларга хизмат қилишдан Зомин кўриқхонаси ҳудуди бир кунда \$250 минг доллардан ортиқ даромадга эга бўлди.

Лекин, бундай катта миқдордаги сайёҳлар бирданига келмаслигини ҳам ҳисобга олиш керак, одатда ушбу жараён бутун туристик мавсумга чўзилиб кетади, экотуризмда у 120 кунга тенг. У ҳолда бу кўрсаткич  $2000 \times 1250 / 120 = \$20833$  тенг бўлади. Бундан келиб чиқиб, бир кунда туристларга хизмат кўрсатиш ҳажми индикаторини ҳисобласа бўлади:

$$I^s \text{ oviz} = \frac{N_{\text{tour}} \times T^s}{T_{\text{seas}}}$$

бу ерда:

$I^s \text{ oviz}$  – ҳудудга бир кунда туристларга хизмат кўрсатиш ҳажми индикатори;

$N_{\text{tour}}$  – мазкур ҳудудга ташриф буюрган туристлар сони;

$T^s$  - ўртача саёҳат кунлари;

$T_{\text{seas}}$  – туристик мавсум кунлари.

У ҳолда:  $2000 \times 7 / 120 = 116,6$  яъни бир кунда 117 кишига хизмат кўрсатилган.

Шунинг учун сайёҳатни ташкил этувчи менеджерлар олдида туристларга хизмат кўрсатишга қаратилган қувватларни аниқлаш вазифаси қуйилган. Бундай кўрсаткичлардан бири жойлаштириш қуввати коэффициенти ҳисобланади:

$$K^m \text{ асс} = N_{\text{асс}}^y \times 365 + N_{\text{асс}}^s \times 120,$$

бу ерда,

$K^m \text{ асс}$  - жойлаштириш қуввати коэффициенти,

$N_{\text{асс}}^y$  – йил давомида мавжуд бўлган жойлар сони,

365 – йилдаги кунлар сони,

$N_{\text{асс}}^s$  – мавсум пайти ташкил этган жойлар сони, (палаткалар, тахталар, супалар, юрталар ва ҳ. к.), 120 – мавсумдаги кунлар сони.



Масалан: Зомин туманидаги меҳмонхона ва турбазалардаги жойлар сони 2500 га тенг, мавсум пайтида эса (баҳорда ва ёзда), яъни 1200 та жой ташкил этилади. Бу ҳолда  $2500 \times 365 + 1200 \times 120 = 2352500$  та жой.

Туризм статистикасида, шунингдек, ташрифлар номуаносиблиги кўрсаткичидан ҳам фойдаланилади. У орқали кўриқхонани маълум бир давр давомида (хафта, ой, чорак, йил) зиёрат этган максимал ва минимал туристлар сони ўртасидаги фарқ аниқланади:

$$K_{nviz} = \frac{N_{tour_{max}}}{N_{tour_{min}}},$$

бу ерда,

$K_{nviz}$  - ташрифлар номуаносиблиги кўрсаткичи,

$N_{tour_{max}}$  - туристларнинг максимал сони,

$N_{tour_{min}}$  - туристларнинг минимал сони.

Шундай қилиб, июль ойида Зомин кўриқхонасига энг кўп - 24200та ва энг кам -46 та кириш чиптаси (билет) сотилди.

Бу ҳолда  $24200/46=526$ , яъни ташрифлар номуаносиблиги кўрсаткичи 526га тенг. Индикаторларнинг 2-гурухи – бу динамик қаторлар, улар маълум бир вақт давомида туризм тармоғининг ривожланишини кўрсатади.

### **9.3. Экологик ресурсларни реклама қилиш самарадорлигини аниқлаш**

Экологик ресурсларни реклама қилишда ва унинг самарадорлигини аниқлашда республикамиз маркази Тошкентга яқин бўлган ҳудуд устида тадқиқот олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда Угам-Чотқол табиий боғи ва Чотқол водийси бўйича умумий брошюра (буклет) ранг-баранг табиат манзарасини чиқариш лозим. Унда маҳаллий уюшма хизматлари, ҳар хил маршрутлар ва маҳаллий қизиқарли жойлар

тўғрисида ҳам маълумотлар бўлади. Маблағ (бюджет)нинг “чўғи”га қараб, брошюра оддий, арзон, босма ва ксерокопия усулда босилган бўлиши мумкин. Уни ўзбек, қozoқ, тожик, қирғиз, рус, немис, француз ва инглиз тилларида чиқариш ва тарқатиш зарур. Брошюра маҳаллий уюшма, маҳаллий ҳокимият ва боғ маъмурияти каналлари орқали тарқатилса яхши бўлади.

МДХ нинг бошқа республикалари маҳаллий туристик бозорларидаги маркетингни ўрганишга ҳам катта эътибор қаратилиш лозим. Маҳаллий уюшма туристик маҳсулотлари бўйича дастлабки хулосаларга асосланиб шу нарса таъкидланадики, Ўзбекистон, Қozoғистон ва Қирғизистоннинг Ғарбий Тянь-Шань худудида маркетинг учун муайян салоҳият ва имконият мавжуд.

Маданий-маънавий туризмни тиклаш ғоясини қўллаб-қувватлаш учун рангли харита тайёрлаш лозим. Унда муқаддас ва тарихий жойлар тўғрисидаги маълумотлар, турли худудларни бирлаштирувчи маршрутлар ҳамда ташриф буюрувчиларни қабул қилиш имконияти бўлган хизматлар провайдерлари рўйхати берилди.

Интернетда учта худуд бўйича экотуризмга бағишланган саҳифалар, яратиш муҳим аҳамиятга эга. Интернет экотуризм бўйича зарур маълумотлар тўпланган энг муҳим ахборотлар манбаи бўлиб бормоқда. Шунинг учун учта туристик худудни Интернет орқали реклама қилинадиган бўлса унинг саҳифаларида қўйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- Қўриқланадиган табиий худудлар тўғрисида;
- Худуднинг маданияти ва тарихи тўғрисида;
- Айни худуд доирасида транспорт (ташиш) вариантлар тўғрисидаги;

- Уюшма маҳаллий гуруҳлари ва туроператорлар таклиф қилаётган турлар ва пакетлар тўғрисида;
- Жойнинг харитаси;
- Мумкин бўлган маршрутлар;
- Маҳаллий хизматлар провайдерлари тўғрисидаги маълумотлар;

Бу масала “Рабат Малик” саёҳатчилар Ассоциацияси томонидан қисман бажарилган. Ушбу вебпорталлар:

<http://humstan.freenet.uz>,

<http://chimgan.freenet.uz>,

<http://brichmulla.freenet.uz> вебпорталларда учта ҳудуд; Хумсон, Чимён ва Бурчмулла ҳудудлари тўғрисидаги қисқача ахборотлар қўйилган.

Маркетинг маҳаллий уюшмани ривожлантиришда асосий тутиб турувчи омил ҳисобланади. Алоҳида хизматлар провайдерининг маркетинг салоҳиятини яхшилаш учун туристик фирмалар билан узвий ҳамкорлик қилиш лозим. Маркетингга доир навбатдаги тадбирлар Ассоциация канали орқали амалга оширилади:

Чимён-Белдорсой ҳудудисининг хизматлар провайдерини хусусий сайёҳлик уюшмаси миллий йўл кўрсаткичига киритиш:

- Хусусий сайёҳлик уюшмаси миллий ва ҳудудий ахборот марказлари орқали реклама қилиш;
- туристик маҳсулотларни маҳаллий уюшма миллий китобига киритиш;
- Чотқол хизматлар провайдерларини миллий йўл кўрсаткичига киритиш;
- Чотқол хизматлар провайдерларини интернет саҳифасига киритиш;
- Саёҳатчилар учун халқаро йўл кўрсаткичлар (трэвел сервайвл кит, Одиссей йўл кўрсаткичи Кадогунбук ва ҳ.к);

- Халқаро хизмат провайдерларининг бронлаш тизимида иштирок этиши (Ўзбекистон туроператорлари билан ҳамкорликда).

Турлар ва экскурсияларнинг мавжудлиги маҳаллий туристик маҳсулотларни туристлар учун осонроқ ва жозибалироқ қилади, янги-янги мақсадли гуруҳларни жалб қилиши мумкин бўлади. Маҳаллий хизматлар провайдерлари профессионал туроператорлар жумласига (пакетига) киритилган бўлса, улар ҳам турларда қатнашиши мумкин. Туристлик бозордан тушаётган фойданинг кўп қисми шу ҳудудда қолиши учун турни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш иложи борича маҳаллий даражада амалга оширилиши лозим.

Ҳозирги вақтда Тошкентда жойлашган 20 дан ортиқ туристик фирма Хумсон, Чимён ва Бурчмулла маҳаллий уюшмасига қизиқиш билдирган. Бироқ, бу ташкилотлар билан чекланиб қолиш керак эмас, балки аралаш турлар доирасида Угам-Чотқол табиий боғи бўйича маршрутларни таклиф қила оладиган бошқа ташкилотлар ва айниқса, Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларида жойлашган фирмалар билан алоқаларни кенгайтириш лозим.

Экотурлар пакетини ривожлантиришдаги асосий қийинчилик маҳаллий шарт-шароитларнинг стандартлари пастлиги, хизматларни ташкил қилиш ва таъминлашда ишончли маҳаллий салоҳиятининг йўқлиги ҳамда рухсат бериш системасининг номукаммалигидир. Булар эса туристлар учун унча хуш келмайди. Бироқ, шунга қарамай, Тошкентда жойлашган туроператорлар орасида туристик бозорни тадқиқ қилиш борасида ўтказилган ишлар шуни кўрсатдики, агар юқорида айтилган камчиликлар тўзатилса, шароитлар яхшиланса, Угам-Чотқол табиий боғи туристларни жалб қилиши мумкин. Бундан ташқари, бу ҳудуднинг Тошкентда жойлашган туроператорлар пакетига борар жой

сифатида киритилса, бу ҳол ғарб туристлари учун ишончли кафолат бўлади.

Угам-Чотқол табиий боғини ривожлантириш бўйича турлар модулларини ишлаб чиқиш керак. Туристлик хизматлар ва таклиф қилинадиган маршрутларнинг модуллари мавжуд қизиқарли жойларга мослаб ишлаб чиқилиши ва таклиф қилиниши лозим. Уларни алоҳида туристлар мустақил равишда бевосита банд (брон) қилиниши ёки маҳаллий ва ҳалқаро туроператорлар пакетига киритилиши мумкин.

Тураператорлар учун ахборот тизимини яратиш ўта муҳим вазифа. Ҳозирги вақтда кўпчилик Ўзбекистонлик тураперотарлар Угам-Чотқол табиий боғининг (Чимён-Белдорсой ва Бурчмулла-Нанай ҳудудларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлардан хабардорликларини ҳисобга олмаганда), Қирғизистонлик туроператорлар эса Беш-Орол кўрикхонасининг туристик имкониятларини билмайдилар. Шунинг учун ҳар бир тураперотарларни тегишли маълуматлардан хабардор қилиш жуда муҳим. Айни ҳудудлар ва уларнинг туристик маҳсулотлари тўғрисида аниқ ва мукамал ахборот бериш учун оддий маълумотнома тузиш лозим. Унда бошқа умумий маълумотлардан ташқари ушбу маълумотлар ҳам бўлиши шарт: ҳудуд ва ундаги қизиқарли жойларнинг тавсифи, хизматлар тури, нарх-наво, иқлим, саёҳат шароитлари, шериклик қилиши мумкин бўлган ташкилотлар ва аниқ модулларга мисоллар тўғрисидаги маълумотлар шулар жумласидандир. Угам-Чотқол табиий боғи ва Чотқол водийсидаги экотуризм маҳсулотларини (жойлаштириш шароитлари, қизиқарли жойлар, маршрутларни) амалда кўрсатиш мақсадида туроператорлар учун таништирув сафарини уюштириш имкониятини ҳисобга олиш лозим. Шундай сафардан сўнг туроператорлар учун кичик семинар ташкил қилиш мумкин. Унда шу боғ ва ҳудудларда экотуризм

маҳсулотларини янада ривожлантириш имконияти муҳокама қилинади. Семинарнинг асосий мақсадларидан бири ўзаро иш муносабатларини ўрнатишдан иборат бўлади. Ана шу таништирув сафари туроператорларнинг мавжуд ва бўлажак туристик маҳсулотлар борасидаги қимматли фикрларини олишга имкон беради.

Туроператорларнинг халқаро бозорлари тўғрисида ахборот бериб бориш керак. Ўзбекистон ва Қирғизистон экотуризм маҳсулотлари халқаро бозорида рақобатбардош бўлган экотуристтик маҳсулотларни ривожлантириш учун катта имкониятларга эга. Бироқ, чет эл туроператорлари туристик манзиллар, хусусан, аниқ хизматлар тўғрисида жуда кам хабардор қилинган, маҳаллий туроператорлар чет эл мамлакатларида хусусий маркетингни йўлга қўйиш учун ресурслар камлигига дуч келадилар. Республикаларда ҳозирча марказлаштирилган маркетинг ташкилоти йўқ. Тажриба шуни кўрсатадики, агар ишончли шериклар профессионал маҳсулотлар билан мурожаат қилишса, Европада туроператорлар янги туристик манзил маркетинг тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга тайёрлар. Шунинг учун маҳаллий уюшма гуруҳлари, маҳаллий туроператорлар ва халқаро туристик бозор орасида мувофиқлаштирилган дастурни тузиш лозим. Халқаро туроператорлар бозорлари билан алоқани Тошкент ва Бишкекдаги маҳаллий туроператорларга мурожаат қилиб ҳам, маҳаллий туристик маҳсулотлар учун халқаро реклама сервисини орқали ҳам ўрнатиш мумкин.

#### **9.4. Кўрсатилган хизматларнинг самарадорлигини аниқлаш**

Хизматлар самарадорлигини аниқлаш бўйича минтақада экотуристларга хизмат кўрсатиши мумкин бўлган гид-экскурсоводлар бўйича маълумотларни таҳлил қиладиган бўлсак, сифатли хизмат

кўрсатган аниқланган гуруҳлар сони  $622(a+c)$ та бўлиб, улардан хизмат кўрсатиш жараёнида  $471(a)$ таси махсус тайёргарликдан ўтгани,  $151(c)$ таси махсус тайёргарликсиз фаолият олиб борганлиги маълум бўлди. Гуруҳлардаги гид-экскурсоводлар томонидан  $378(b+d)$ та ҳолатдаги хизматлардан экотуристлар қониқиш ҳосил қилмаган. Шундан махсус тайёргарлик кўрган  $148(b)$ та ва махсус тайёргарликсиз хизмат кўрсатган  $230(d)$ та гуруҳ аниқланган. Жами бўлиб, хизмат кўрсатишда махсус тайёргарликдан ўтганлар  $619(a+b)$ та, махсус тайёргарликсиз  $381(c+d)$ та бўлган. Бу кўрсаткичларнинг ассоциация коэффициентини ҳисоблаймиз:

$$Ka = \frac{471 \times 230 - 148 \times 151}{\sqrt{619 \times 381 \times 622 \times 378}} = 0,365,$$

демак, туристларга хизмат кўрсатиш сифати ва гид экскурсоводлар тайёргарлиги ўртасида корреляцион боғлиқлик мавжуд.

2-кўрсаткич – ранглар корреляцияси коэффициенти, у орқали корреляцион боғлиқлик даражаси аниқланади. Экотуризм учун К спирмэн коэффициенти қўллаш мумкин:

$$I = 1 - \frac{6 \sum d^2}{hx(n^2 - 1)},$$

*Бу ерда:*

*I – р.к.к,*

*d - ўрганилаётган қаторлардаги ранглар айирмаси;*

*h – ўрганилаётган қатордаги ранглар миқдори;*

*Бунда коэффициент +1 дан – 1гача ўзгаради.*

Бу кўрсаткични кўриб чиқамиз, экотурлар таклиф этувчи 10та туристик фирманинг даромадлари ва экотурларни реклама қилишга ҳаражатлар тўғрисида қуйидаги 10та турфирма маълумотларини таҳлил қиламиз. Биринчи турфирма олган даромадлар 4,3 млн. сўм, рекламага ҳаражатлари 22,4 минг сўм, даромад ранги( $R_1$ ) 4, рекламага ҳаражат

ранги ( $R_2$ ) 8,  $d=R_1-R_2$  (4),  $d_2$  (16). Иккинчи турфирма олган даромадлари 5,4 млн. сўм, рекламага харажатлари 18,6 минг сўм, даромад ранги( $R_1$ ) 6, рекламага харажат ранги ( $R_2$ ) 5,  $d=R_1-R_2$  (-1),  $d_2$  (1). Учинчи турфирма олган даромадлари ,6 млн. сўм, рекламага харажатлари 3,1 минг сўм, даромад ранги( $R_1$ ) 1, рекламага харажат ранги ( $R_2$ ) 2,  $d=R_1-R_2$  (1),  $d_2$  (1). Тўртинчи турфирма олинган даромадлари 6,9 млн. сўм, рекламага харажатлари 25,1 минг сўм, даромад ранги ( $R_1$ ) 10, рекламага харажат ранги ( $R_2$ ) 10,  $d=R_1-R_2$  (0),  $d_2$  (0). Бешинчи турфирма олган даромадлари 3,9 млн. сўм, рекламага харажатлари 10,2 минг сўм, даромад ранги ( $R_1$ ) 2, рекламага харажат ранги ( $R_2$ ) 1,  $d=R_1-R_2$  (-1),  $d_2$  (1). Олтинчи турфирма олинган даромадлари 4,7 млн. сўм, рекламага харажатлари 19,2 минг сўм, даромад ранги ( $R_1$ ) 5, рекламага харажат ранги ( $R_2$ ) 6,  $d=R_1-R_2$  (1),  $d_2$  (1). Еттинчи турфирма олинган даромадлари 4,0 млн. сўм, рекламага харажатлари 115,7 минг сўм, даромад ранги ( $R_1$ ) 3, рекламага харажат ранги ( $R_2$ ) 3,  $d=R_1-R_2$  (0),  $d_2$  (0). Саккизинчи турфирма олинган даромадлари 6,4 млн. сўм, рекламага харажатлари 23,4 минг сўм, даромад ранги ( $R_1$ ) 8, рекламага харажат ранги ( $R_2$ ) 9,  $d=R_1-R_2$  (1),  $d_2$  (1). Тўкқизинчи турфирма олинган даромадлари 5,5 млн. сўм, рекламага харажатлари 16,0 минг сўм, даромад ранги ( $R_1$ ) 7, рекламага харажат ранги ( $R_2$ ) 4,  $d=R_1-R_2$  (-3),  $d_2$  (9). Ўнинчи турфирма олинган даромадлари 6,8 млн. сўм, рекламага харажатлари 21,5 минг сўм, даромад ранги ( $R_1$ ) 9, рекламага харажат ранги ( $R_2$ ) 7,  $d=R_1-R_2$  (-2),  $d_2$  (4). Жамини ҳисоблаганимизда  $d=R_1-R_2$  (+7 ва -7),  $d_2$  (34)ларга эга бўламиз. Буларни қуйидагича ифодалаймиз:

Шундай қилиб; 
$$U = 1 - \frac{6 \times 34}{10 \times (100 - 1)} = 0,79,$$

Ушбу коэффициент даромад ҳажми билан реклама харажатлари ўртасида тўғри боғлиқлик мавжудлигини кўрсатмоқда.



3-кўрсаткич – индивидуал маълумотлар орқали тўғри чизиқли тенгламанинг параметрлари ҳисоби. Агар натижа омил белгисининг ўзгаришига мос равишда ортиб борса ёки камайса, у ҳолда ушбу боғлиқлик чизиқли бўлади ва қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$y = a_0 + a_1x$$

*Бу ерда:*

*Y- натижанинг индивидуал қиймати;*

*X – омил белгисининг индивидуал қиймати;*

*$a_0$  ва  $a_1$  – чизиқли тенгламанинг параметрлари (регрессия тенгламаси)*

Бунда тенгламалар параметрлари тўғридан-тўғри энг кичик квадратлар усули билан олинган меъёрий тенгламалар тизимини ҳал қилиш йўли билан аниқланади:

$$na_0 + a_1 \sum x = \sum y ;$$

$$a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 = \sum yx.$$

Формулани қуйидагича кўриб чиқамиз. Бир хизматчига кВт/ч электр ускуналарининг сарфланиши ва туристларга хизмат кўрсатишдан тушадиган даромаднинг бир ишчига млн. сўм ҳисобида олинадиган хусусий хонадон меҳмонхоналарида қуйидаги маълумотлар аниқланган. Биринчи хонадон меҳмонхонасида бир хизматчига меҳнатнинг электр билан таъминланганлиги 2 кВт/ч ( $x$ ), хизмат кўрсатишдан даромад 3 млн. сўм ( $y$ ),  $6(xy)$ ,  $4(x^2)$ ,  $3,61(y_x)$  бўлган. Иккинчи хонадон меҳмонхонасида бир хизматчига меҳнатнинг электр билан таъминланганлиги 5 кВт/ч ( $x$ ), хизмат кўрсатишдан даромад 6 млн. сўм ( $y$ ),  $30(xy)$ ,  $25(x^2)$ ,  $6,0(y_x)$  бўлган. Учинчи хонадон меҳмонхонасида бир хизматчига меҳнатнинг электр билан таъминланганлиги 3 кВт/ч ( $x$ ), хизмат кўрсатишдан даромад 4 млн. сўм ( $y$ ),  $12(xy)$ ,  $9(x^2)$ ,  $4,41(y_x)$  бўлган. Тўртинчи хонадон меҳмонхонасида бир хизматчига меҳнатнинг электр билан таъминланганлиги 7 кВт/ч ( $x$ ), хизмат кўрсатишдан даромад 6 млн. сўм ( $y$ ),  $42(xy)$ ,  $49(x^2)$ ,  $7,59(y_x)$

бўлган. Бешинчи хонадон меҳмонхонасида бир хизматчига меҳнатнинг электр билан таъминланганлиги 2 кВт/ч (x), хизмат кўрсатишдан даромад 4 млн. сўм (y),  $8(xy)$ ,  $4(x^2)$ ,  $3,61(y_x)$  бўлган. Олтинчи хонадон меҳмонхонасида бир хизматчига меҳнатнинг электр билан таъминланганлиги 6 кВт/ч (x), хизмат кўрсатишдан даромад 8 млн. сўм (y),  $48(xy)$ ,  $36(x^2)$ ,  $6,80(y_x)$  бўлган. Еттинчи хонадон меҳмонхонасида бир хизматчига меҳнатнинг электр билан таъминланганлиги 4 кВт/ч (x), хизмат кўрсатишдан даромад 6 млн. сўм (y),  $24(xy)$ ,  $16(x^2)$ ,  $5,20(y_x)$  бўлган. Саккизинчи хонадон меҳмонхонасида бир хизматчига меҳнатнинг электр билан таъминланганлиги 9 кВт/ч (x), хизмат кўрсатишдан даромад 9 млн. сўм (y),  $81(xy)$ ,  $81(x^2)$ ,  $9,19(y_x)$  бўлган. Тўққизинчи хонадон меҳмонхонасида бир хизматчига меҳнатнинг электр билан таъминланганлиги 8 кВт/ч (x), хизмат кўрсатишдан даромад 9 млн. сўм (y),  $72(xy)$ ,  $64(x^2)$ ,  $8,38(y_x)$  бўлган. Ўнинчи хонадон меҳмонхонасида бир хизматчига меҳнатнинг электр билан таъминланганлиги 4 кВт/ч (x), хизмат кўрсатишдан даромад 5 млн. сўм (y),  $20(xy)$ ,  $16(x^2)$ ,  $5,20(y_x)$  бўлган. Жами ўртача ўнта хонадон меҳмонхонасида меҳнатнинг электр билан таъминланганлиги 50 кВт/ч (x), хизмат кўрсатишдан даромад 60 млн. сўм (y),  $343(xy)$ ,  $304(x^2)$ ,  $60(y_x)$  бўлган ҳолда қуйидагига эга бўламиз:

$$10a_0 + 50a_1 = 60; \quad 50a_0 + 304a_1 = 343; \quad 50a_0 + 250a_1 = 300; \quad 50a_0 + 304a_1 = 343; \quad 50a_0 + 250$$

$$a_1 = 300; \quad 50a_0 + 304a_1 = 343. \quad 43 = 54a_1, \quad \text{бу ерда } a_1 = 43/54 = 0,7963, \quad a = 2,02.$$

Корреляцион алоқа тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$y_x = 2,02 + 0,796x$$

Шундай қилиб, хусусий меҳмонхона уйи меҳнатининг электр таъминланганлигини 1 кВт/чга оширишда туристга хизмат кўрсатишдан тушган даромад 0,79 млн. сўмга ортади.

### **Назорат ва мулоҳаза саволлари**

1. Туристларнинг экологик туризмга бўлган талаб ва таклифини аниқлаш қандай амалга оширилади.
2. Ташриф буюрувчилар билан сўровнома ўтказиш тартиби қандай амалга оширилади.
3. Ташкиллаштирилган туризм коэффиценти деганда нимани тушунаси.
4. Ташрифлар интенсивлиги индикатори деганда нимани тушунаси.
5. Қўриқхоналарнинг туристларни қабул қилиш сиғимини аниқлаш қандай амалга оширилади.
6. Нимка учун туризм статистикасида ташрифлар номуносивлиги кўрсаткичидан фойдаланилади.
7. Экологик ресурсларни реклама қилиш самарадорлиги қандай аниқланади.
8. Нима учун тураператорлар учун ахборот тизимини яратиш ўта муҳим вазифа ҳисобланади.
9. Кўрсатилган хизматларнинг самарадорлиги қандай аниқланади.
10. Туризмда нима учун корреляцион алоқа тенграммасидан кенг фойдаланилади.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Александров А.Ю. Международный туризм. Учебное пособие. - М: Аспект Пресс. 2004. – 321-342 с.
2. Opperman, Martin and Kye – Sung Chon. Successful Tourism Management: Fundamentals of Tourism – New Delhi: Sterling Publish. Private LTD., 2002. –p. 25-56.

- 3.Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 415 стр.
4. Бердиёров Б. Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмати бозоридаги ўрни. Номзодлик диссертацияси. –С.: СамИСИ. 2010 й. 76-89 б.
5. Норчаев А.Н. Экотуризм. //Ж: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2. 2004.- 45-46 б.

## **Х 606. ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ҚЎРИҚХОНАЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ПРОГНОЗЛАШ**

10.1. Қўриқхоналарга ташриф буюраётган туристларга хизмат кўрсатишни прогноزلаш методикаси.

10.2. Экологик туризмда прогноزلашнинг турлари.

10.3. Қўриқхоналарнинг туристларни қабул қилиши

кўрсаткичларини таққослама таҳлил қилиш ва прогноزلаш.

10.4. Қўриқхоналарнинг туристларни қабул қилиш сифимини прогноزلаш.

### **10.1. Қўриқхоналарга ташриф буюраётган туристларга хизмат кўрсатишни прогноزلаш методикаси**

Ҳозирги тез ривожланаётган фан-техника замонда ҳар бир соҳани ривожлантиришда аниқ режа ва келажакда қандай ишларни амалга ошириш юзасидан ҳисоб-китоблар олиб борилади. Унинг натижасига қараб иш фаолиятини давом эттиради. Шунинг учун ҳудуднинг экотуризм ҳолатини ҳисоблаш учун қўйидаги турли кўрсаткичлар тизимидан фойдаланишимиз мумкин:

- абсалют ва нисбий қийматлар формулалари;

- динамик қаторлар;

- ходисалар ўртасидаги боғлиқликни ўлчаш учун коррелция назарияси ва ҳакозалар.

Биринчи гуруҳдаги кўрсаткичларни кўриб чиқамиз. Иқтисодий воқеаларнинг таҳлилида кординациянинг нисбий қийматлари муҳим аҳамиятига эга. Ўзбекистон бўйлаб саёҳат этувчи чет эллик ва маҳаллий туристларнинг нисбат кўрсаткичи қўйидагича ҳисобланади;

$$K_{trvl} = \frac{T_{for}}{T_{nat}},$$

*бу ерда:*

*K<sub>trvl</sub> – нисбат кўрсаткичи;*

*T<sub>for</sub> – чет эллик туристлар сони;*

*T<sub>nat</sub> - маҳаллий туристлар сони.*

Агар, мисол қилиб айтадиган бўлсак, 2009 йилда республикага 380 минг чет эллик туристлар келган ва 670 мингта маҳаллий аҳоли саёҳати қайд этилган (маҳаллий туристлар томонидан) бўлса, у холда фуқаролар:  $380/670=0,56$  га тенг бўлади, яъни ҳар 100 ўзбек саёҳатчисига 56 та хорижий сайёҳ тўғри келади.

Иқтисодий статистикада, шунингдек, интенсивлик кўрсаткичидан ҳам фойдаланиш мумкин; туристик марказларнинг тўйинганлик кўрсаткичи:

$$K_{inTour} = \frac{N_{tour}}{P_{terr}},$$

*бу ерда.:*

*K<sub>in tour</sub> – тўйинганлик кўрсаткичи:*

*N<sub>tour</sub> – келган туристлар сони:*

*P<sub>terr</sub>- туристик марказ табиий ҳудудининг майдони.*

Бу каби прогнозлашлар минтақага экотуристлар келиши ва ундан олинадиган даромадларнинг ўзини қоплаши ёки зарари ҳақидаги маълумотларни беради ва кейинги фаолият олиб боришга замин яратади.

## **10.2. Экологик туризмда прогнозлашнинг турлари**

Туризмда ҳам бошқа иқтисодий соҳалар каби прогнозлашнинг назарий муҳим муаммоларидан бири прогнозлар турларининг тузилиши ҳисобланади. Турлар - ҳар хил мезонлар ва белгиларига асосланиб қурилиши мумкин. Масалан, объектларга, прогнозлаш усулларига,

ечиладиган масалаларга, вазифаларга ва бошқаларга. Булардан энг муҳимларига қуйидагилар киради:

- прогнозлаш кўлами;
- прогнозлаш муддати;
- объект характери;
- прогноз функциялари (функционал белги).

Прогнозлаш кўлами бўйича қуйидагилар кўрсатиб ўтилган.

- а) Макроиктисодий (халқ хўжалиги) ва таркибий (тармоқлараро ва регионлараро) прогнозлаш;
- б) халқ хўжалиги мажмуаларининг прогнозлари (ёқилғи, энергетика, агросаноат, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари ва бошқалар);
- в) тармоқ ва регионал прогнозлар;
- г) халқ хўжалиги тизимининг бошланғич бўғинларини прогнозлаш (корхоналарда ишлаб чиқариш уюшмаларини ва ҳоказо).

Тузилиш муддати бўйича прогнозлар оператив, қисқа муддатли, ўрта муддатли, узоқ муддатли турларга бўлинади.

Оператив прогноз бир ойгача;

-қисқа муддатли прогнозлар 1 ойдан 1 йилгача;

-ўрта муддатли прогнозлар 1 йилдан 5 йилгача;

-узоқ муддатли прогнозлар 5 йилдан 20 йилгача;

-ўта узоқ муддатли прогнозлар 20 йилдан ортиқ тасдиқланиш

муддатига эга.

Прогнозларнинг изланилаётган объект характериға кўра бўлинишлари ҳар хил қайта ишлаб чиқариш жараёнлари билан боғлиқ. Шунга кўра, прогнозлаш қуйидагиларга ажратилади.

- ишлаб чиқариш муносабатларининг ривожланиши;

- илмий-техник жараёнларни ижтимоий иқтисодий характерлари ва оқибатлари;
- иқтисодиёт динамикалари (суръатлари, фактлари ва тузилишлари);
- бандлик, меҳнат ресурслари ва кадрларни қайта тайёрлаш;
- табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- тадқиқотнинг яшаш шароити;
- асосий фондлар ва капитал қўйилмаларни қайта тиклаш.

Прогнозлар функционал белгисига қараб иккига - норматив ва изланув прогнозларга бўлинади.

**Изланув прогнози** изланаётган объектларнинг келажакдаги ривожланиш даражасига асосланган бўлиб, бу даражаларни қўллаш шароитларидан чеклашади. Унинг вазифаси ўрганилаётган объект бор тенденциялар сақланган ҳолда қандай ривожланишини ўрганишдир.

**Норматив прогноз** изланув прогнозларидан фарқли ўлароқ олдин қўйилган мақсадлар базасида ишлаб чиқилади. Унинг вазифаси мақсад қилиб олинаётган объектнинг келажакдаги ҳолатини прогнозлаш йўли ва эришиш вақтини аниқашдир.

Изланув прогнози объектнинг олдингига нисбатан келажакдаги ҳолатини аниқлашдан қайтаётган бир вақтда, норматив прогноз тесқари тартибда амалга оширилади, яъни келажакдаги ҳолатини қўйилган мақсадининг тенденциялари ва уни қўллаш тартибида амалга оширилади.

Прогнозлар турланиши прогнозлаш йўллари билан узвий боғлиқ. Бир - бирини тўлдирувчи уч хил прогнозлаш усуллари мавжуд.

**1. Эксперт усули.** Бу усул бошланғич ахборотларни йиғиш (анкета, интервью) ва уларни таҳлил қилишга асосланади. Шу билан бирга прогноз мақсади экспертлар томонидан қилинган таҳлилга асосланади.



**2. Экстрополяция** –бу, объектнинг бўлиши мумкин бўлган ривожланишини ўрганиш ва унинг келажакдаги ривожланиш қонунийлигидир.

**3. Моделлаш** – бу, прогнозлаштирилаётган объект тузилишида кутилаётган ўзгаришларнинг норматив моделларидаги изланишдир.

Прогнозлаш амалиётида санаб ўтилган прогнозларни ишлаб чиқиш йўллари биргаликда қўлланилади.

### **10.3. Кўриқхоналарнинг туристларни қабул қилиши кўрсаткичларини таққослама таҳлил қилиш ва прогнозлаш**

Туризм динамикаси коэффиценти маълум вақт оралиғидаги саёҳатчилар (киши) ёки даромад (сўм, доллар)нинг ўсиши суръатларини кўрсатади:

$$Kd \text{ int } our = \frac{N_{tour_1}}{N_{tour_0}} \times 100\%$$

бу ерда:

$Kd \text{ int } our$  - Туризм динамикаси коэффиценти;

$N_{tour_1}$  – ҳисобот йилида ташриф буюрган туристлар сони;

$N_{tour_0}$  – базис йилида ташриф буюрган туристлар сони

Масалан: 2009 йилда Зомин кўриқхонасига 2567 хорижий сайёҳ ташриф буюрди, 2008 йилда эса – 2371. Бу ҳолда  $2567/2371 \times 100\% = 108\%$ , яъни ўсиш суръати 8% га тенг. Ушбу қиёслашни пул кўринишдаги индикаторлар билан ҳам амалга ошириш мумкин. (даромад, ялпи пул айланма ва ҳақозо). Илғорлик коэффиценти, бир ҳудуддаги туризмнинг ривожланиш динамикасини бошқа бир ҳудуддаги туризмга нисбатан тезроқ ривожланаётганини кўрсатади:

$$Koper = \frac{Kdin_a}{Kdin_b},$$

Масалан, 2008 йилда Зомин кўриқхонасига 231 минг, 2009 йилда эса 251 минг сайёҳ ташриф буюрди. Нурота кўриқхонасига эса, мос равишда 7,5 минг ва 8,0 минг киши саёҳат қилган. Бу ҳолда:  $K_{din_a}=251/231=1,08$ ;  $K_{din_b}= 8,0/7,5=1,06$ ,  $K_{opet} =1,08/1,06=1,018$ , яъни Зомин кўриқхонасида туризм Нурота кўриқхонасига нисбатан 101,8% га жадалроқ ривожланган.

Сотилган турмаҳсулот физик (жисмоний) ҳажмининг агрегат индекси маълум бир вақт оралиғида натурал қийматлар (маҳсулот сони) ва уларнинг баҳоси (пул кўринишдаги) ўртасидаги муносабатни ифодалайди:

$$Intourpr = \frac{\sum q_1 P_0}{\sum q_0 P_0},$$

бу ерда:

$In_{tourpr}$  - Сотилган турмаҳсулот физик ҳажми;

$\sum q_1 p_0$  – ўтган йилдаги нархларда жорий йилда сотилган натурал ўлчамдаги ( $q_1$ ) турмаҳсулот миқдори;

$\sum p_0 q_0$  – ўтган йилда сотилган турмаҳсулот миқдори.

Масалан: 2008 йилда “Турктуризм» туристик фирмаси Зомин кўриқхонасига ўртача нархи 1400 \$ дан 567 та турли йўлланма сотди, 2009 йилда эса – 601 та. Бу ҳолда  $\sum p_0 q_0 = 567 \times 1400 = 793800$  \$,  $\sum q_1 p_0 = 601 \times 1400 = 841400$  \$. Бу ерда  $841400/793800 = 1,059$ , ёки сотув ҳажмининг ўсиши 5,9% га тенг бўлади.

Юқорида кўриб ўтилган ҳисоблаш омилларидан ташқари яна бир қатор факторлар борки, булар ҳудуднинг туристларни қабул қилиши ва келажакда ривожланишига катта ҳисса қўшади.

#### 10.4. Қўриқхоналарнинг туристларни қабул қилиш сиғимини прогношлаш

Қўриқхоналарнинг туристларни қабул қилиш сиғимини аниқлашда ва прогношлашда Зомин қўриқхонасини мисол қилиб олишимиз мумкин. Масалан: 2009 йилда Зомин қўриқхонасига (63,2 минг. га), 3,1 минг чет эллик сайёҳ зиёрат этишди дейлик, у ҳолда,  $3,1/63,2=0,049$  ёки 100 га махсус қўриқланадиган ҳудудга 5 нафар турист тўғри келади. Бу кўрсаткич орқали ушбу ҳудуддан ўтувчи туристик оқимларнинг интенсивлигини аниқлаш мумкин.

Ўрта кўрсаткичлар бир хил ходисаларнинг ўрганилаётган белгилари бўйича қийматини ифодалайди. Масалан: турагентлик ходимининг иш ҳақи коэффициентини – бу турфирманинг 1 ишчисига тўғри келадиган ўртача иш ҳақи у иш ҳақи фондининг ишчилар сонига нисбати олинади. Мисол учун: “Экотревел” турфирмасида 12 нафар ходим ишлайди, бир ойлик иш ҳақи фонди эса 2,4 млн. сўм, у ҳолда,  $2,4 \text{ млн.}/12=200$  минг сўмдан 1 кишига тўғри келади.

Биринчи кўрсаткич – эластиклик коэффициенти. Ушбу кўрсаткич маълум бир турмаҳсулот нархи 1% га ўзгарганда, унга бўлган талабнинг ўзгаришини ифодалайди. Агар индикатор бирдан катта бўлса, у ҳолда талаб эластик, кичик бўлса, у ҳолда талаб ноэластик ҳисобланади:

$$Kel = \frac{(Kpr_1 - Kpr_0) / Kpr_0}{(Kpc_1 - Kpc_0) / Kpc_0},$$

бу ерда:

$Kel$  – турмаҳсулот эластиклиги коэффициенти;

$Kpr_1$  – ҳисобот даврида сотиб олинаётган турмаҳсулот ҳажми;

$Kpr_0$  – базис даврида сотиб олинаётган тармаҳсулот;

$Kpc_1$  – ҳисобот даврида турмаҳсулот нархи;

$Kpc_0$  – базис даврида турмаҳсулот нархи.

Масалан: 2009 йилда “Давртур” фирмаси Зомин кўриқхонасига ҳар бири \$220 дан 120 йўлланма (путёвка) сотди, 2008 йилда эса мазкур йўлланмалардан 107 тасини \$235 доллардан сотди. Шундай қилиб эластиклик коэффициенти:  $(120 - 107)/107/(220 - 235)/235=0,1214/0,0638=-1,902$ . Бу дегани, агар нарх 10% га камайтирилса, Зомин кўриқхонасига бўйлаб экотурларга бўлган талаб 19,02% ошарди.

Иккинчи кўрсаткич – экотурлар коэффициенти, у махсус кўриқланадиган ҳудудларга келган жами туристлардан экологик мақсадларда келган зиёратчиларнинг улушини аниқлаб беради:

$$K_{ecot} = \frac{N_{ecotour}}{N_{alltour}} \times 100\%,$$

бу ерда,

$K_{ecot}$  - экотурлар коэффициенти,

$N_{ecotour}$  - ҳудудга экологик мақсадда келган туристлар сони,

$N_{alltour}$  – ҳудудга жами келган туристлар сони.

Фараз қилайлик, Зомин кўриқхонасига 2009 йилда 1231 киши ташриф буюрди, улардан 234 нафари 1-2 кунлик экскурсион хизматлардан фойдаланди. У ҳолда,  $234/1231 \times 100\% = 19,0\%$  яъни экотурлар улуши 19% га ёки 1/5 га тенг.

Нархларнинг агрегант индекси турмаҳсулот сотилишидаги нарх сиёсатининг ўзгаришини ифодалайди:

$$I_{ntour} = \frac{\sum q_1 p_1}{\sum q_0 p_0},$$

бу ерда:

$I_{ntour}$  – сотилган турмаҳсулот нархлари индекси;

$\sum q_1 p_1$  – ҳисобот даврида ҳисобот йилидаги нархларда сотилган ( $q_1$ ) натурал ўлчамдаги ( $q_1$ ) турмаҳсулот миқдори;

$U\Sigma p_1 p_0$  – ҳисобот йилида ўтган давр нархларида сотилган турмахсулот миқдори.

Юқорида келтирилган мисолга 2008 йилда йўлланмалар - 1370 \$ + сотилганини киритсак,  $U\Sigma q_1 p_1 = 601 * 1370 = 823370$ ,  $823370 / 841400 = 0,978$ , ёки нархлар 2,2% га тушди.

Кўрсаткичларнинг 3-гурухи ўз ичига индикаторларни олади:

1-кўрсаткич – ассоциация коэффиценти. Альтернатив характерга эга бўлган иккита белги, вариациялар ўртасидаги боғлиқлик даражасини аниқлаш учун фойдаланилади. Бунинг учун 4 бўлимли жадвал чизилади

ва  $K_2 = \frac{ad - bc}{\sqrt{(a+b)x(b+c)x(a+c)x(c+d)}}$ , формула билан ҳисобланади,

бу ерда,

$K_a > 0,3$  бўлса, у ҳолда ўрганилаётган белгилар ўртасида боғлиқлик бор, дегани.

2-кўрсаткич – ранглар корреляцияси коэффиценти, у орқали корреляцион боғлиқлик даражаси аниқланади. Экотуризм учун К спирмэн коэффиценти қўллаш мумкин:

$$I = 1 - \frac{6 \sum d^2}{hx(n^2 - 1)},$$

Бу ерда:

$I$  – р.к.к,

$d$  - ўрганилаётган қаторлардаги ранглар айирмаси,

$h$  – ўрганилаётган қатордаги ранглар миқдори.

3-кўрсаткич – индувудуал маълумотлар орқали тўғри чизиқли тенгламанинг параметрлари ҳисоби. Агар натижа омил белгисининг ўзгаришига мос равишда ортиб борса ёки камайса, у ҳолда ушбу боғлиқлик чизиқли бўлади ва қуйидаги формула билан ифодланади:

$$y = a_0 + a_1x$$

*Бу ерда*

*У- натижанинг индивидуал қиймати,*

*X – омил белгисининг индивидуал қиймати,*

*a<sub>0</sub> ва a<sub>1</sub> – чизиқли тенгламанинг параметрлари (регрессия тенгламаси)*

Бунда тенгламалар параметрлари тўғридан-тўғри энг кичик квадратлар усули билан олинган меъёрий тенгламалар тизимини ҳал қилиш йўли билан аниқланади:

$$na_0 + a_1 \sum x = \sum y ;$$

$$a_0 \sum x + a_1 \sum x^2 = \sum yx .$$

Коррекция алоқа тенгламаси куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$y_x = 2,02 + 0,796x$$

Шундай қилиб, хусусий меҳмонхона уйи меҳнатининг электр таъминланганлигини 1 кВт/чга оширишда туристга хизмат кўрсатишдан тушган даромад 0,79 млн. сўмга ортади.

Тўртинчи кўрсаткич – А. Чупровнинг ўзаро боғлиқлик коэффиценти. Ундан сифат белгилар алоқасининг зичлигини ўлчаш учун фойдаланилади ва куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$K = \frac{Y^2}{\sqrt{(K_1 - 1)(K_2 - 1)}} ,$$

*Бу ерда,*

*K<sub>1</sub> – биринчи статистик катталикнинг мумкин бўлган белгилари миқдорини англатади (гуруҳлар миқдори);*

*K<sub>2</sub> – иккинчи статистик катталикнинг мумкин бўлган белгилари миқдори;*

*Y<sup>2</sup> – ўзаро бирикиш коэффиценти бўлиб, у тақсимлаш жадвалининг ҳар бир бўлими частотаси квадратларининг мувофиқ*

қатор ва устунларнинг жами частотаси юритилишига нисбати суммаси сифатида аниқланади. Бундан бирлик суммасини айирган ҳолда  $Y_2$  катталигини оламиз.

Қуйидаги мисолга қаранг: Зомин кўриқхонасига ташриф буюрган саёҳатчилар тадқиқ қилинган:

Оилавий ҳолати	Саёҳат қилувчилар		Жами
	Баъзи ҳолларда	Тез-тез	
Ёлғизлар	16	10	26
Оилалилар	6	28	34
Жами	22	38	60

Ҳисоб-китоб қилган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин:

$$Y^2=1,127-1,$$

Бу ерда  $K = \frac{0,127}{\sqrt{1 \times 1}} = 0,127$ ,

Шундай қилиб,  $K_1$  ва  $K_2$  2 га тенг, чунки жадвал икки бўлимли.

Хулоса қилиб олдиған бўлсак, Зомин кўриқхонасининг келажакдаги ривожланиш истиқболарини башоратлаш натижалари бўйича экотуристтик фаолият парлоқ эканлигини кўрсатади.

### Назорат ва мулоҳаза саволлари

1. Худуднинг экотуризм ҳолатини ҳисоблаш учун қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади.
2. Интенсивлик кўрсаткичидан экологик туризмда қандай фойдаланилади.
3. Экологик туризмда прогнозлашнинг қандай турларидан фойдаланилади.
4. Экологик туризмда моделлаш қандай амалга оширилади.

5. Қўриқхоналарнинг туристларни қабул қилиши кўрсаткичларини таққослама таҳлил қилиш ва прогнозлаш қандай амалга оширилади.
6. Тузилиш муддати бўйича прогнозлар неча турга бўлинади.
7. Неча хил прогнозлаш усуллари мавжуд.
8. Қўриқхоналарнинг туристларни қабул қилиши кўрсаткичларини таққослама таҳлил қилиш ва прогнозлаш қандай амалга оширилади.
9. Қўриқхоналарнинг туристларни қабул қилиш сиғимини прогнозлаш қандай амалга оширилади.
10. Ўзаро боғлиқлик коэффициенти қандай аниқланади.

#### **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 63-85 б.
2. Сенин В.С. Организация международного туризма. Учебное пособие. - М.: Финансы и статистика. 2004. – 345-354 с.
3. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 415 стр.
4. Бердиёров Б. Экотуризм ва унинг Ўзбекистон туризм хизмати бозоридаги ўрни. Номзодлик диссертацияси. –С.: СамИСИ. 2010 й. 76-89 б.
5. Норчаев.А.Н. Халқаро туризм ривожлантиришнинг иқтисодий ўсишга таъсири. Номзодлик диссертацияси. –Т.: ТДИУ. 2004. – 45-57 б.



5. Норчаев А.Н. Экотуризм. //Ж: Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. №2.  
2004.- 45-46 б.

## ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2009.-40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги қонуни. - Ўзбекистоннинг янги қонунлари. Т. 22. –Т.: Адолат, 2000. -131-140 б.

### II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги 1162 рақамли ”Буюк Ипак йўли”ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада Халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора –тадбирлар тўғрисидаги” фармони. //Халқ сўзи, 1995 йил 3-июнь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбектуризм” МКсининг ташкил топиши” тўғрисидаги фармони № ПФ-447. //Халқ сўзи. 1992. 27 июл.
- 5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг №346 1998 йил 8 августда қабул қилинган “Туристик ташкилотларнинг фаолиятини такомиллаштириш” тўғрисидаги фармойиши. //Халқ сўзи, 1998 йил 9 август.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 майдаги «Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш ҳақида»ги ПҚ-325-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилга қадар хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги ПҚ-640-сонли қарори.

**III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари  
ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий- меъёрий  
ҳужжатлари**

8. Сайёҳларининг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисидаги низом. “Ўзбектуризм” МК 13.09.2004 йил 23-сон.
9. “Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги” низом 2003 й №-497

**IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**

10. Асосий вазифамиз – Ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалтиришдир/И.А.Каримов. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. – 80 б.
11. И.А.Каримов Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари/-Т.: Ўзбекистон, 2009.-56 б.
12. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
13. Каримов И.А. “Бизнинг бош мақсадимиз –жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир”. –Т.: Ўзбекистон, 2005. – 136 б.
14. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиётининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш фаолиятимиз мезони бўлиши даркор. Халқ сўзи, 2006 йил 25 февраль.
15. Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. Халқ сўзи, 2006 йил 11 февраль.

**V. Дарсликлар**

16. Пардаев А., Норчаев А.Н. Халқаро туризм. Дарслик. –Т.: ТДИУ

2010. -320 бет.

17. Алиева М.Т. Меҳмонхона менежменти. Дарслик. –Т.: ТДИУ. 2007. - 275 б.

18. Биржаков М.Б. Введение в туризм. - С.Пб.: Издательский Торговый Дом «Герда». 2004. -444 с.

19. Бутуров И.Н. Маркетинг и менеджмент иностранного туризма. - М.: Финансы и статистика. 2003. -107 с.

20. Кабушкин Н. И. Менеджмент туризма. –М.: Новое знание. 2005. - 644 с.

#### **VI. Ўқув қўлланмалар**

21. Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Экологический туризм: сущность, тенденции и стратегия развития. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 415 стр.

22. Александров А.Ю. Международный туризм. Учебное пособие. - М.: Аспект Пресс. 2004. -470 с.

23. Балабанов И.Т. Балабанов А.И. Экономика туризма. Учебное пособие. -М.: Финансы и статистика. 2003. - 176 с.

24. Биржаков М.Б. Введение в Туризм: Учебник. - СПб.: «Издательский дом Герда». 2006. – 512 с.

25. Гуляев В.Г. Правовое регулирование туристской деятельности. -М: Финансы и статистика. 2006. -304 с.

26. Жукова М.А. Менеджмент в туристском бизнесе. Учебное пособие. - М.: КНОРУС. 2005. - 192 с.

27. Здоров А.Б. Экономика туризма. -М.: Финансы и статистика. 2004. - 266 с.

28. Козырев В.М., Зорин И.В., Сурин А.И. и др. Менеджмент туризма. Экономика туризма. Учебник. -М: Финансы и статистика, 2004. -253 с.

29. Мирзаев. Р. Солнце путешествует по миру чтобы рассеять тени. –Т.: Ипак “Шарқ”. 2005. -230 с.
30. Норчаев А. Халқаро туризм. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ. 2007. - 235 б.
31. Самойленко А.А. География туризма: Учебное пособие. - Ростов на Дону: «Феникс». 2006. – 368 с
32. Сапожникова. Е.Н. Страноведение: Теория и методика туристского изучения стран. –М.: КНОРУС. 2005. -240 с.
33. Сенин В.С. Организация международного туризма. -М.: Финансы и статистика. 2004. - 400 с.
34. Чудновский А.Д. Управление индустрией туризма: Учебное пособие. – М.: КНОРУС. 2005. – 448 с.
35. Travel Guide Uzbekistan – Tashkent: National Company Uzbekturizm. 2008. -10 p.

#### **VII. Статистика тўпламлари маълумотлари**

36. Основные показатели развития туризма в 2008 г. ВТО. – Мадрид. 2009. -30 с.
37. Tourism: 2020 vision. –Madrid. 1997. -21 с.

#### **VIII. Интернет сайтлари**

38. [www.bashepro.ru](http://www.bashepro.ru) – выставки, конференции
39. [www.interunion.ru](http://www.interunion.ru) – туристские ассоциации
40. [www.world-tourism.org](http://www.world-tourism.org) – Всемирная туристская организация
41. [www.wttc.org](http://www.wttc.org) – Всемирный Совет по путешествиям и туризму
42. [www.e-tours.ru](http://www.e-tours.ru) – деловые туры, выставки, конференции
43. [www.travel-library.com](http://www.travel-library.com) – Электронная библиотека путешествий